… Етук кадрларни тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсак, албатта, натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуғ аллома ва публицист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий журналистика мактаби, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни муносабати билан
йўллаган байрам табригидан.

МУНДАРИЖА

4. Муносабат

Сирожиддин САЙИИД.
Адабиёт халқнинг юраги

7. Ниқобли дунё

Жавоҳирхон СОБИРОВ.
Инсониятга берилган синов



11. Муштарийдан мактуб

Фарход МУҲАММАДЖОНОВ.
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг чин мухлисиман

12. Тилшунослик

Зиёдахон ТЕШАБОЕВА.
Ёлғизнинг ёри худо. "Бобурнома"да диний фразеологик бирликлар талқини



16. Библиография

Хайруллоҳ УМРЗОҚОВ.
Шоҳ ва шоир ҳақидаги мақолалар мажмуаси

18. Фахр

Ситора ТОЖИДДИНОВА.
Ҳазрат Бобурнинг одамийлик ибрати

22. Янги мавзу

Сарвар САИДОВ.
Ибн Муқаффанинг "Ал-Адаб ал-Кабир" асари таҳлили

25. Адабиётшунослик

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ.
Оталар фалсафаси ёхуд идиллик наср ҳақида

35. Туйғу

Нигора ТУРДИҚУЛОВА.
Тоғ одамлар

36. Адабий талқин

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА.
"Донишманд Сизиф" фалсафий эссе



42. Таҳлил

Шуҳрат ҲАЙИТОВ.
Улуғ аждодларимизни таниймизми?

48. Ифтихор

Фарход ЖЎРАЕВ.
Насаф – Уламолар шаҳри

52. Муборак қадамжолар

Зулфия МЎМИНОВА.
Ассалом, саодат тонги



58. Кўнгил сарҳадларида

Замира РЎЗИЕВА.
Мискин дилим, кел, биз томон



60. Ҳикоя

Санжар ТУРСУНОВ.
Қулай

67. Ибратли ривоят

Ҳамиджон ФОЗИЛОВ.
Аллоҳнинг омонати

68. Маънавият зиёси

Наргиза АСАДОВА.
Қодирий чироғи ёниб турган хонадон



70. Ҳаётий воқеа

Феруза СОАТОВА.
Она тилининг қудрати

71 Мулоҳаза

Ҳидоят ЖЎРАЕВА.
Тобеликнинг талқини

74. Манбашунослик

Отабек ЖЎРАБОЕВ.
Мирзо Бобурнинг ягона дастхати

75. Тилсим

Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ.
Алишер Навоий қадр кечасида туғилганми?

76. Рассом нигоҳи

Шавкат МУЗАФФАР.
“Толеъ қуши” асарининг дунёга келиши

79. Латиф лутфлар

Азизбек САЛИМ ўғли.
“Бошқа ҳурнинг кераги йўқ”



Адабиёт — халқнинг юраги

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Мир Алишер Навоий бобомиз "Мажолис ун-нафоис" асарининг мухтасар муқаддимасида ният ва муддаони маълум қиларкан, шундай сўзларни битадилар: "... Бу жиҳатдин Султон Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўзафзун давлатлари давроничаким, қиёматғача барқарор ва олам инқирозиғача пойдор бўлғай, улча фақир эшитибмен, аммо хизматларға етмаймен, ва улча хизматлариға етибмен, аммо ҳоло бу фано дорил-ғуруридин бақо дорис-сурурига интиқол қилибдурлар ва улча ҳоло бу фаррух замонда намояндадурлар ва ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадҳ сароянда дурлар, жамъ қилилғай ва ҳар қайсининг натойижи табъдин бирор нима нишона йўсунлуқ ёзилғай. Чун бу мақсудға етилди, они секкиз қисм этилди ва ҳар қисми нафис бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуаға "Мажолис ун-нафоис" от қўюлди..."

Муқаддиманинг муқаддимаси Яратганга назмий ҳамд ва мақтов сатрлари билан бошланади:

Юз ҳамд ангаким ясаб жаҳон бўстони,
Айлаб юзу зулфини гулу райҳони.
Қилди ясағоч бу боғи руҳафзони,
Назм аҳлин анинг булбули хуш илҳони...

... Боғи Руҳафзо. Боғи Дилкушо. Самарқандда — Боғи Шамол. Тошкентда — Адиблар хиёбони, яъни Адабиёт боғи. Адабиёт — адаб ва ёд янглиғ, Абадий ёд, Абадий ҳаёт мисол жаранглайди. "Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвониға" дейдилар ҳазрат Навоий. Бу сатрнинг давоми, аниқроғи, бардавом ва барҳаётлигини, шу пайтга қадар Олий Мажлисгоҳнинг муҳташам биноси томон серсукут ва ўйчан ҳолда боқиб турган бобомизнинг янги давру замонамизда шарафли рутбаларига муносиб қибла томонга қарата қўйилган сиймолариюл беназир зотнинг мақомларига яраша юртимизнинг энг баланд айвонидан баланд номларига лойиқ ҳурмат-эҳтиромлари жойига тушганлиги — улуғ бобокалонимиз Абадият айвонидан мангуликка қадар сафарлари давом этаётганидан далолат бермайдими?..

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

Мамлакат Президенти муҳташам ёдгорлик пойига гул қўйиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаркан, бунда йиғилган адабиёт ва маърифат аҳли — шоир ва ёзувчилар билан жиддий суҳбатлашиб, жиддий саволларни ўртага ташлади.

— Адабиёт халқнинг юраги, — деди Президент, — элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маънавиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Ўйлаб кўрилса агар, Давлат Раҳбари кейинги икки-уч йил давомида энг кўп қадам ранжида қилган маскан Миллий боғ ҳудудидаги Адиблар хиёбони экан. Суҳбат асносида буни Президентнинг ўзи ҳам эътироф этди. Яқин тарих саналарига назар ташланса агар, бу борадаги илк ташриф 2017 йилнинг 3 февралига тўғри келаркан. Ўша йилнинг 18 апрелида Давлат Раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Бўлажак Адиблар хиёбонининг меъморий-ғоявий лойиҳаси тайёрланди.

Ҳали ҳам эсимизда: бу маъвода, ёнатроф ҳудудда ҳозирги Тошкент тарихи (ўшанда Кўргазмалар зали)дан бўлак бошқа бирор-бир бинонинг ному нишони ҳам йўқ эди.Қиш изғиринидан дийдираб турган боғ аро сувқоғоздан тикланган омонат чодир ичида Давлат Раҳбари илк маротаба бу масканда Ёзувчилар уюшмаси учун янги иморат ва адиблар хиёбони барпо этиш тўғрисида сўз бошлагани асносида худди орзу ва ниятнинг оқлигини тасдиқлагандай паға-паға лайлак қор ёға бошлаган эди...

Ҳақиқатан ҳам, ниятлар оқ экан, мана, бугунга келиб, орадан ҳеч қанча муддат ўтмай, ўша манзилу маконда жаннатмонанд, фирдавсмақом Адиблар хиёбони бунёд этилдики, адабиёт ва адаб аҳлига бағишланган бундай кўркам маъво бошқа мамлакатларда топилмаслиги муқаррар. Бу хулосамизга хиёбоннинг яхлит меъморий мажмуасию дид ва фаросат билан бунёд этилгани, гуллар ва дарахтлар, йўлаклар ва чироқларнинг бир-бирига уйғун ва мутаносиблигигача гувоҳлик бериб турибди.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг бундан уч йил аввал, 2017 йилнинг 3 август куни мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан муҳим бир иқтибосни келтирмоқ жоиз: "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади".

Бу даъваткор ва тарихий сўзлар айтилганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлсада, мана бугун — тарих 2020 йил 20 май санаси куни олам аҳли ҳавас қилса арзийдиган бинойидай Адиблар хиёбони ҳам тап-тайёр бўлиб турибди!

Ҳеч қандай истиҳоласиз очиқ айтиш мумкинки, Президент Адиблар хиёбонини ўзгача завқу шавқ, ҳайрат ва ҳаяжон билан кезиб чиқди, кўздан кечирди. Давлат раҳбарининг изидан шоир-ёзувчилар қанча илдамланмасин, у кишига бақамти қадам ташлашга улгурмай қолди. Шоирлардан кимдир енгил мутойиба қилди: Адабиёт замондан орқада қолмаслиги керак!..

Устоз Эркин Воҳидовнинг серсукут сиймосига қарар экан, Президент бир пас ўйга толгандек бўлди. Беихтиёр бундан икки-уч йил аввал айтган, бугун ҳам суҳбат чоғи бир эслаб ўтган "Менинг ҳам армонларим бор..." деган гаплари кўнглимиздан кечди. Шу ўринда устозимизнинг салкам ўттиз йил аввал битган сатрларини эсладик:

Агарчи исмим Эркин,
Эрки йўқ банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,
Тилим йўқ, бесухан бўлдим...
Чекибдур Бобуру Фурқат
Ватан ҳажрида афғонлар,
Мен эрсам, вах, не ғурбатким,
Ватанда беватан бўлдим.
Ишончим бор, Ватан, бир кун
Келар чун нурли давронинг,
Дегайман шунда чин Эркин,
Чин инсон қайтадан бўлдим.

Ушбу шеърнинг аввали билан охирги сатрлари оралиғидаги масофа йигирма тўққиз йил! Йигирма тўққиз йилдан кейин — Давлат Раҳбарининг сидқидил эътиборию бу ҳурмат-эҳтиромнинг амалий ифодаси бўлмиш Адиблар хиёбони тимсолида рўёбга чиққан орзу, ушалмас армонлар муборак бўлсин, азиз устозлар!..

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бердақ, Огаҳий, Муқимий ва Фурқат. Бир томонда

миллатпарвар жадид боболаримиз: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий.

Устоз Ҳамид Олимжон "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" дебон ҳозир ёнингизга тушиб келадигандай. Елкалари узра қалдирғочлар чарх уриб турибди. Зулфия опа ўтирган ҳолатда "Эъзозлар, ҳурматлар учун ташаккур" деб турибдилар. Гарчанд хиёбонда оралари унча узоқ бўлмаса-да, ўртада неча-неча умрлик дарду фироқ, муҳаббат ва садоқат манзиллари турганини юрак-юракдан ҳис этасиз...

Муҳташам қорақалпоқ адабиётининг азамат намояндалари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим оға, Тўлапберган боболар — халқ-Ватан олдидаги қарзини сўз билан тўлап берган боболар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек домла, Ғафур Ғулом муаллим, Саид Аҳмад домла, Саида Зуннунова...Домла Озод Шарафиддинов. Ва албатта, Александр Файнберг, Муҳаммад Юсуф...

Ҳозирча ушбу мажлисда Мақсуд Шайхзода муаллим иштирок этмаяптилар. Бир замонлар "Хиёбон" китобини ёзиб, таъна-маломатлардан биёбонга айланган Шайх домланинг муборак сиймолари ўрнатилиш арафасида...

Ва ушбу анжумандаги барча соҳибкалом ва соҳибқаламларга донишмандона қараб турган устоз Абдулла Орипов...

Қийин замонларда, оғир даврларда ижод қилган, халқ ва миллат дардини куйлаган азиз ва қадрли устозлар, муаллимлар. Улар сўзга, адабиётга хиёнат қилмадилар. Сўзни ерга урмадилар. Сўзни, шеърни Ватандек, Ватанни юксак сўз ва шеър сингари қадрладилар.Адабиётни Ватан деб, Ватанни Адабиёт деб билдилар. Шу садоқат ва матонатлари боис ҳалоллик ва поклик билан миллатнинг улуғ адиблари мақомига эришдилар.

Ҳар қисматга ҳар кимнинг
даврони сабаб бўлгай,
Шеър ун чекса шоирнинг
армони сабаб бўлгай,
Мен фахр этсам, умримнинг
ҳар они сабаб бўлгай,
Топган тож-тахтим менинг
жонажоним шеърият,
Энг олий бахтим менинг
онажоним шеърият.

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

— Мен сизларга мавзу бердим, — деди Президент, — энди буни назарий, амалий жиҳатдан тўлиқ юзага чиқариш — Сиздан...

Мавзу жиддий, вазифа жиддий, масъулият бениҳоят жиддий.

Адиблар хиёбони биргина адибларнинг эмас, бутун халқники, миллатники, миллат келажаги бўлган ёшларники. Адабиёт, китобхонлик ўрнини интернетга бой бериб қўймаслик керак. Адабиёт ва китоб ўзининг азалий ўрни ва мақомини қайта забт этмоғи учун ҳам бу ишга олий ўқув юртлари кенг жалб этилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳайкал - мажмуа биттадан олий ўқув юртига бириктирилди. Адабиёт, барча олий ўқув юртлари - институтлар, университетлар орқали мушоиралар, танловлар воситасида тинимсиз ўқитилиши, тинимсиз тарғиб қилиниши шарт ва зурур дейилдики, бу ишлар, бу ҳаракатлар вилоятлар миқёсида ҳам кенг амалга оширилиши керак...

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

Бу шунчаки боғ эмас, шунчаки ёзувчилар хиёбони эмас. Хиёбонга жон киритиш керак, ёдгорликлар жонли тилда сўзлаши, гапириши, таълим ва тарбия, дид ва фаросатга, билим ва маърифатга хизмат қилиши керак.

Бундаги Тошкент тарихи музейи, бу ердан чиқиб бориб кўрганимиз, барча ижодкорларни том маънода ҳайрат ва ҳаяжонларга солган энг замонавий "Болалар миллий тиббиёт маркази"даги ҳайратомуз манзаралар — янги Ўзбекистонимизнинг ёрқин ва порлоқ саҳифалари янглиғ тарих зарварақларига нақш этиб қолдирмоқ қалам аҳли зиммасидаги бурч ва масъулиятдир. Сабаби, давру замон ўз Йўлбошчиси тимсолида бу муҳташам иншоотларни Ватан ва халқ манфаати йўлида кўз ўнгимизда бунёд этди. Ҳеч нимарса осмондан ўзи тушмайди. Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бино бўлмайди. Бунинг маънавий-маърифий аҳамияти беқиёслигини англаган ҳолда, сўзимизни Давлатимиз раҳбари Адиблар хиёбонида номини бир неча марта юксак эҳтиром билан тилга олган Муҳаммад Ризо Огаҳий бобомизнинг бугунги кунларни башорат қилиб битган сатрлари билан якунламоқни лозим топдик:

Ҳар ким ўқуса, дуо била ёд этгай,
Руҳимни бу ёд этмак ила шод этгай.
То Тангри анинг бу карами борасида
Жойини икки жаҳонда обод этгай.

22. 05. 2020.

ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН СИНОВ

Жавоҳирхон СОБИРОВ

Тарихий тараққиёт жараёнида инсоният кўплаб қонли урушлар, азобли касалликлар ва табиий офатларни бошдан кечирган. Барча бўлиб ўтган нохушликларга инсонларнинг ўзи сабабчи бўлган десак адашмаган бўламиз. Мисол учун урушларни оладиган бўлсак арзимаган сабабларга ёки кимнингдур очкўзлиги оқибатида минглаб ҳатто миллионлаб одамлар қурбон бўлган. Баъзи ҳолларда, вирусларни инсоннинг ўзи яратиб кейинчалик қурбонига айланган ҳолатлари ҳам мавжуд.



Эпидемик вазиятда касаллик тарқалиши ва ундан кейинги ҳолатларни тўғри баҳолай олиш, ўтиш даврининг мамлакат учун салбий оқибатларсиз кечишини таъминлайди. Ҳозирда ҳам бутун одамзот олдида Коронавирус номи билан аталган хавфли касаллик пандемия даражасигача тарқалиб улгурди. Янги коронавируснинг келиб чиқиши аниқ эмас. Фақат тахминлар бор холос. Даҳшатли вирус илк бора Хубэй вилоятининг Ухан шаҳрида жойлашган Хуанан номли ҳайвон ва денгиз маҳсулотлари бозорига алоқадор бўлган маҳаллий аҳоли вакилларида намоён бўлган. Мазкур бозорда истеъмол учун денгиз маҳсулотлари, ит гўшти, илонлар ва ҳатто кўршапалаклар ҳам сотилган. Тахминларга кўра, коронавирус ҳайвон организмида мутацияга учраган. Сўнгра инсонга юққан.

Илк дамда, коронавирус ўчоғи денгиз маҳсулотларидан келиб чиққан деган фикр илгари сурилди. Лекин, касаллик белгилари зотилжам (пневмония) билан бошланишига кўра, унинг юқиши ҳаво орқали амалга ошиши маълум бўлди. Бу тахмин нотўғри бўлиб чиқди. Кейинчалик, мутахассислар «2019-nCoV» (расман COVID-19 коронавируси деб аталмоқда) кўршапалакларда аниқланган коронавирус билан яна бир манбаси номаълум коронавируснинг ўзаро чатишиб, гибридлашувидан ҳосил бўлган деган тўхтамга келдилар. Кейинги босқичда эса коронавирус одамларга илонлардан юққан деган тахминлар ҳам ўртага чиқди.

Шу бугунгача, ушбу коронавирусдан сақланиш учун бирор-бир вакцина ёхуд

аксилвирус дори воситаси ўйлаб топилмади. Чунки, ушбу вируснинг заиф ерлари ҳали тўлиқ ўрганилмади. Баъзи Ғарб, анъанавий ёки уй тиббиёти бу касаллик аломатларини юмшатиши ёки енгиллаштириши мумкин, аммо бирон бир дори ушбу касалликнинг олдини олиш ёки даволашда самарали эканлиги исботланмаган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз-ўзини даволашни ҳамда унга қарши профилактика ёки даволашда бундай воситаларни тавсия этмайди. Шунга қарамай, ҳозирги кунда бир нечта клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда, бунда Ғарб ва анъанавий тиббиётнинг дори-дармонлари ўрганилмоқда. ЖССТ COVID-19 нинг олдини олиш ва даволаш учун вакциналар ва дориларни ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштиради ва тадқиқотлар натижалари пайдо бўлиши билан кенг оммага маълумотларни етказишни ваъда қилган. Лекин кўплаб экспертлар дори топилишига бир ярим-икки йил вақт кетишини таъкидламоқдалар.

COVID-19 нинг энг кўп учрайдиган аломатларига иситма, қуруқ йўтал ва чарчоқ киради. Камроқ учрайдиган белгиларидан бўғим ва мушакларнинг оғриғи, бурун тиқилиши, бош оғриғи, томоқ оғриғи, диарея, таъм ёки ҳид билишнинг йўқолиши, бармоқ ва оёқлар терисида тошма тошиши ва рангсизланиши кузатилади. Қоида тариқасида, бу аломатлар аста-секин ривожланади ва енгил ўтиши мумкин. Баъзи юқтирган одамларда касаллик жуда енгил кечади.

Янги коронавирус юқтирган беморлардаги касалликнинг илк клиник симптомлари 2019 йилнинг 8 декабридан олдинроқ намоён бўлди. Касаллик эпидемияси ҳақидаги хабарлар биринчи бўлиб 2019 йилнинг 31 декабрида пайдо бўлган.Ҳозирда касаллик пандемия даражасигача кўтарилган бўлиб, бутун дунёни қамраб олди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янги коронавирусдан ҳимояланиш учун турли хил тавсияларни ўз ичига олган материаллар нашр қилди. Мазкур тавсияларнинг баъзилари қуйидагилардан иборат:

— тез-тез қўлингизни спиртли моддалар билан ёки совунлаб ювинг; — гавжум бўлган жамоат жойларига боришдан сақланинг; — ювилмаган қўллар билан кўз, оғиз каби аъзоларга тегманг; — потенциал маънода касалланганлар билан мулоқот қилманг; — хом гўшт ёхуд яхшилаб термоишлов берилмаган гўштларни истеъмол қилманг; — яшаган жойингиз ва кўп контактда бўладиганингиз юзалар устида дезинфекцияловчи воситалар билан тез-тез тозалаш ишларини амалга оширинг.

Ислом дини таълимоти нуқтаи назаридан, бу ҳолатда касалликка қарши барча чора-тадбирларни қўллаш билан биргаликда энг самарали чора касаллик ўчоғини чегаралаб қўйиш ҳисобланади. Ҳозирда барча давлатлар томонидан ўз-ўзини яккалаш касалликка қарши курашишда яхши натижа бераётгани эътироф этиляпти. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир қанча ҳадисларида бирор жойда вабо тарқалаётган бўлса, у ерга бормаслик ва айни дамда ўзи мавжуд бўлган маконда пайдо бўлиб қолса, у ердан қочиб кетмасликни буюрганлар. Бугунги кунда, замонавий тиббиёт мутахассислари томонидан амалга оширилувчи карантин деб аталувчи «қамал» ҳам ушбу ҳадиси шариф мазмунини айнан акс эттиради.

Зеро, ҳар қандай эпидемиологик характерга эга бўлган вирус жуда тез тарқалиши билан биргаликда жуда тез сўнади. Эпидемиянинг авж нуқтаси ортда қолгандан сўнг маълум вақт

ўтиб, вируснинг атвори ўзгаради ва одамларда ҳам унга мойиллик камаяди.

Бу каби касалликлар келтирган талафотлар кўламини англаш учун тарихда рўй берган воқеаларни эслаш ва керакли хулоса чиқариш лозим. Инсоният тарихида ҳозирги COVID-19 коронавирусидан ташқари одамлар чечак, вабо, ўлат, ич терлама, грипп, сил, безгак, мохов ва ОИТС каби касалликларга дучор бўлган. Булар оқибатида неча юз миллионлаб инсонлар ҳаётдан кўз юмганлар.

Дунё бўйлаб тарқалган чечак касалланганларнинг 40 фоизини ёстиғини қуритган. Ўрта асрларда жаҳонни қамраб олган касалликка қарши курашда вакцина сифатида молларда учрайдиган чечак вирусидан фойдаланилган. Бу касалликнинг яна бир катта тўлқини 1870–1874 йилларда Шимолий Америка қитъасида пайдо бўлган ва Европа ҳамда Россия бўйлаб тарқалган. Маълумотларга кўра, чечак XX асрда 300-500 миллион кишини ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган.

Вабо юқори даражада юқумлилиги ва ўлим ҳолатининг баландлиги билан вирусли инфекциялар орасида энг хавфлиларидан бири деб тан олинган. Касалликни юқтирганлар орасида ўлим даражаси 95 фоизгача етган. Ҳозирда ушбу кўрсаткичлар 5-10 фоиздан кўтарилмайди. Шунга қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларида касаллик ўчоғлари учраб туради. Инсоният тарихида миллионлаб ҳаётларни қуритган вабо турлари мажуд.Улар: Юстиниан вабоси 541-700 милодий йилларда Миср ва ўша даврдаги цивилизациялашган дунёни эгаллаб 100 миллионга яқин одамларнинг ёстиғини қуритган. Византия аҳолисининг ярмини йўқотган.

XIX асргача маҳаллий касаллик даражасида бўлган холера, бу даврда пандемия даражасигача тарқалиб кетди. Ўша даврда ўн миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган. Бу касаллик тарихда етти марта пандемия даражасига тарқалиб ҳалок бўлганлар сони миллионларни ташкил қилган. Олтинчи пандемия тарқалиш жараёнида 1900-1930 йилларда касаллик Макка зиёратчилар орасида аниқланган. 1907-1908 йиллардаги Ҳаж маросимларида 20 минга яқин ҳожилар қурбон бўлган.

Милоддан аввалги 430-427 йилларда Пелопонез жангида эпидемия келиб чиқади. Унда Афина армияси ва аҳолининг тўртдан бири вафот этади. Касаллик Афинанинг ҳукмронлигига путур етказади ва тарихда “Фукудит вабоси” деб ном олади. Бу касалликнинг келиб чиқиши 2006 йилгача аниқ бўлмаган. Афина акрополидаги оммавий қабр қазишма ишлари давомида топилган тишларнинг таҳлили бу касалликнинг бактериялари мавжуд бўлмаганини кўрсатди.

Биринчи жаҳон уруши давомида пайдо бўлган ич терлама катта кўламга тарқалиб кетди. Мисол учун, Россия ва Полшада 30 миллионга яқин одам касалланган ва уч ярим миллиони вафот этган.

Ўткир респиратор инфекцион касаллик бўлиб, ҳозирда уни кўпчилик тик оёқда ҳам ўтказиб юборади. Бугунги кунда гриппнинг икки мингга яқин тури аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, йилига 250-500 минг киши ушбу инфекциядан ҳалок бўлади. Бу касалликнинг “Испан грипи”, “Осиё грипи”, “Гонконг грипи”, “Қуш грипи”, “Чўчқа грипи” каби турлари маълум. Уларнинг ичида испан грипидан1918-1920 йилларда 50-100 миллион киши ҳаётдан кўз юмган.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 8 миллионга яқин киши туберкулёз билан касалланади ва 2 миллиони вафот этади. XIX асрда бу касаллик катта ёшдаги Европа аҳолисининг тўртдан бирини ҳалок қилган. 1918 йил Франциядаги ўлимларнинг ҳар олтинчиси шу касаллик оқибати ҳисобланади. XX аср давомида юз миллион киши сил касаллигидан вафот этган. Ҳозирги кунгача бу касаллик ривожланаётган давлатларнинг асосий муаммоларидан биридир.



Ҳар йил 350-500 миллионга яқин киши безгак касаллигига дучор бўлади, шундан 1-3 миллион киши ҳалок бўлади. Бу касалликка чалинганларнинг 85-90 фоизи Африканинг жануби Сахара ҳудудларига тўғри келади. Асосан, 5 ёшгача бўлган болалар касалликни юқтириб оладилар.

Тарихий маълумотларга қараганда, безгак Рим империясининг қулашига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Шунга касаллик “Рим иситмаси” деган ном олган.

Юртимизда ҳам бу каби касалликлар охирги марта 1881-1896 йилларда тарқалган. Айнан ушбу пандемик ҳолат ватанимиз тарихида ҳам ўчмас қора кунларни чизиб кетди. Тарихимизда машҳур “Вабо исёни” айнан шу эпидемиянинг энг чўққига чиққан 1892 йилида содир бўлди. Афғонистонда тарқалган ушбу касаллик ўчоғи Ўрта Осиёга ҳам кириб келди. Май ойида Жиззахда, Сирдарё вилоятида ва июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалди. Бунинг оқибатида 24 июнда машҳур “Вабо исёни” ёки “Тошотар воқеаси” содир бўлди. Қўзғолончилар ўққа тутилиб, эртасига 80 кишининг ўлиги Анҳордан олиб чиқилди.

Касалликнинг биринчи ҳафтасида ўнлаб касал бўлганлардан ҳеч бири даволаниб чиқолмади. Касаллар 2-3 кун оралиғида жон бериб, уларнинг жасади, шу шифохона яқинидаги Хожа Исмат қабристонига яширинча дафн этилди. Бу эса маҳаллий аҳоли ўртасида ваҳима келтириб чиқарди. Бозорлар ёпилди, ҳукумат ҳаттоки шифохоналарни ҳам беркитиб ташлади. Карантин постлари Қарши ва Кармана йўлларида ҳам ўрнатилди. Касаллик оқибатида Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 417, эски шаҳар қисмида 1462 нафар, жами 1879 аҳоли касалликка чалинди. Улардан 1657 нафари (217 нафар янги шаҳарда, 1440 нафар эски шаҳар қисмида) вафот этди.

Шукрлар бўлсинки, ҳозирги пандемик шароитда мустақил юртимизда касаллик оқибатларини юмшатиш ва олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Аҳолининг иқтисодий ҳолати ҳам барқарорликда сақлашга ҳаракат қилинмоқда. Юртдошларимиз чуқур англаган ҳолда, эҳтиёт чораларини кўриб, барча қўйилган тартибларга риоя қилишлари нафақат ўзларининг, балки бутун мамлакатимиз хавфсизлиги учун жуда муҳим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб пандемик касалликлар ўчоғи Жанубий Осиё ва Хитой ҳудудларига тўғри келмоқда. Бу касалликларни келтириб чиқарувчилар асосан кемирувчилар бўлиб, биргина қора ўлат вабосининг тарқалишига суғур гўштининг Гоби чўлларида яшовчи мўғуллар томонидан севиб истеъмол қилиниши сабаб бўлган. Ҳозирдаги пандемиянинг ҳам келиб чиқиши айнан шу кемирувчиларга боғланяпти. Шунинг учун бўлса керак муқаддас ислом динимизда кемирувчиларни ейиш ҳаром қилинган. Шу билан бирга поклик ва озодалик турли касалликларнинг олдини олувчи омил эканини ҳозирда жаҳонда содир бўлаётган ҳолат яққол намоён этмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг чин мухлисиман



Фарход МУҲАММАДЖОНОВ.

Мен — Муҳаммаджонов Фарҳодман. 1954 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топганман. 1981 йил Ўзбекистон Миллий университетининг Филология факультети кечки бўлимини тугатганман. Тақдир тақазоси билан 1982 йилдан 2012 йилгача, яъни 30 йил давомида Ички ишлар вазирлиги тизимида турли лавозимларда ишладим. “Полковник” унвонига эга бўлдим. “Жасорат” медали соҳибиман. Ҳозирда нафақа гаштини суриб юрибман.

Ёшлигимда Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини ўқиб, Мирзо Бобур шахсига, унинг ижодига жуда қизиқиб кетдим. Ўша вақтдан бери Заҳириддин Муҳаммад Бобурга алоқадор ҳар қандай асарларни кўриб қолсам, албатта, сотиб олиб, мутолаа қиламан. Шахсий кутубхонамда Бобур Мирзо асарларига алоҳида жавон ажратганман. Айниқса, Бобур номли халқаро жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлимига тез-тез бориб, янгиликлардан хабардор бўлиб тураман.

Мирзо Бобурнинг мардлиги, жасорату шижоати, айниқса, ҳарбий маҳорати мени ҳар доим ҳайратга солади. Энг қийин дамларда ҳам йўл топа олгани, мусофир бўла туриб ҳам Ватани, ватандошларини қадрлаши, одамийлиги ҳаммамизга ибратдир. Каттаю кичик барчамиз, хусусан, ёш авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўлини чуқур ўрганиши фойдадан холи бўлмайди.

Мен бу улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва ижодидан доимий хабардор бўлиш мақсадида “Бобур ва дунё” журналининг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман. Ҳар бир сонини канда қилмай ўқиб бораяпман. Мен журнал ижодкорларига хайрли ва шарафли ишларида куч-қувват тилайман.

Келгуси ишларида омад ёр бўлсин. Журналнинг нуфузи бундан-да зиёда бўлиб, бутун элимиз, ҳатто дунё аҳли севиб мутолаа қиладиган нашрга айлансин. Зотан, Бобур Мирзо ҳаёти, мероси, шахсияти бутун инсоният учун қизиқ ва аҳамиятлидир.




Зиёдахон ТЕШАБОЕВА,
ЎзДЖТУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Муттоз адабиёт "Бобурнома" дунё олимлари томонидан жуда кўп ўрганилганлигига қарамай, унда яна таржимашунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш лозим бўлган масалалар бисёрки, асар нодир манба вазифасини ўтайди.

ЁЛҒИЗНИНГ ЁРИ ХУДО.

"БОБУРНОМА"ДА ДИНИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАЛҚИНИ



"Биз қадрни йўқотиб, қайта топган халқмиз. Масжидлар, муқаддас китоблар, унутилган байрам, удум, урф-одатларимиз қайтиб келган бир замонда, ўз она тилимиз, тарих ва маданиятимиз муносиб ўрин топган даврда яшамоқдамиз. Шундай экан, ўзбекман деган ҳар бир инсон ўз юртининг кечмишини ва ҳозирини мукаммал билмоғи, она тилисининг заргари бўлмоғи лозим". Ўзбек халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу фикрини келтирар эканмиз, маънавий қадриятлар, дин билан боғлиқ бўлган терминларни "Бобурнома"дан ўрганиш мақсадга мувофиқдир, зеро "Бобурнома" ҳар қандай соҳа учун маълумот манбаи ҳисобланади.

"Бобурнома" асари Бисмиллаҳдан (Басмала) сўнг "Тенгри Таолонинг иноятн билан..." жумласидан то охиригача собит эътиқод руҳида ёзилган асар бўлиб, унда диний манбалар ва терминлар жуда кўп қўлланганки, муаллиф ўй-кечинмаларини асарда акс этганини кўрамиз:

"Менинг кўнглумга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун". Ушбу кечинмада Заҳириддин Бобур Аллоҳнинг унга берган неъмати, фарзанди ҳақида қайғуриб, ўзининг жонини Ҳумоюнга тасаддуқ айлаши ва ҳар қандай отанинг ўғлига нисбатан оталик меҳрининг жўш уришини акс эттирган.

Бобурнинг жасорати фарзандини севиб, жонини фидо айлаши ва кетиш ихтиёри Аллоҳ муҳаббатига тенглаштирилган. "Бобурнома"да Тангрининг тез-тез ёдга олиниши ва муаллиф кечинмаларида турли ҳолатларда Аллоҳга мурожаат қилишини асарда кузатамиз.

Тенгри тушунчаси Мирзааҳмад Олимовнинг "Бобурнома"да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини" номли рисоласида Унинг исмлари тафсилотини келтиради:

Холиқу Қоҳиру Субҳону Азийм,
Розиқу Қодиру Раҳмону Раҳийм.

У Холиқдир — ҳамма нарсани яратган, йўқдан бор қилган Зотдир; Қоҳирдир — бутун мавжудотга ғолибдир, қиёмат куни баъзи бандаларига қаҳр қилгучидир, ҳамма нарса Унинг остидадир, ҳеч нарса Унинг ҳукмидан ташқари чиқа олмайди; Субҳондир - ҳар қандай айбу нуқсондан буткул пок ва муназзаҳдир; Азиймдир - улуғдир, улуғлик мартабаларининг энг юксак, энг буюк мартабасидир. Розиқдир - бутун махлуқотнинг ризқини хоҳлаган тарзида, хоҳлаганича берувчидир; Қодир - қудрат соҳибидир, хоҳлаган ишини қилади, хоҳламаган ишини қилмайди; Раҳмондир — беҳад меҳрибондир, дунё ҳаётида бутун махлуқотга меҳрибонлик қилувчидир; Раҳиймдир — охиратда фақат мўъминларга раҳм қилувчидир.

Суннийлик мазҳаби ва мотуридия таълимотига кўра, Аллоҳни бирор нарса ёки зотга ўхшатиш, бошқа нарсаларни ҳам Унга ўхшатиш ман этилади, ҳатто Унинг зоти ва сифатлари тўғрисида баҳс юритиш ҳам тақиқланади. Бошқа айрим мазҳаблар ва тасаввуф тариқатларида бу тақиқлардан четга чиқилган, Алишер Навоий ва Бобур асарларида эса бу талабларга қатъий риоя этилган:

"Бемонандлиғинға "лайса камислиҳи шайъун" гувоҳи содиқ, бепайвандлиғинға "лам ялид ва лам юлад" далили мувофиқ. Ҳар негаким ташбиҳ қилинса, ўхшамассен, яхши боқилса, ул Сендин дурур ва Сен ул эмассен" (Алишер Навоий. Муножот).

"Бобурнома" асарида Аллоҳнинг Тенгри сўзи билан зикр этилиши билан бирга диний терминлар фразеологик бирликлар орқали ҳам қўлланган. Улар: Тенгри таоло фазл ва карами била, Тенгри инояти била, Тенгри еткурса, Тенгри рост келтурса, Тенгри ҳукмини буткармоқ, Тенгри раҳматиға бормоқ, Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас, Тенгрининг қошида осий бўлмоқ, Тенгри таоло рўзи қилди, Тенгрига таваккул қилиб каби фразеологик бирликлар қуйидаги концептда янада кўзга кўринади:




Ушбу концептнинг тасвирда кўрсатилган мисолларининг барчаси фразеологик иборадир. "Рабиул аввал ойининг авохирида Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мусаххар қилди".

Бобур ҳаётида икки марта ҳеч қандай талафотларсиз ҳудудни қўлга киритган. Шундан бири Кобул ва Ғазни вилоятидир. Шунинг учун ҳам Тенгри таоло фазл ва карами била муяссар ва мусаххар қилганини "Бобурнома"да баён этган.

"Неча кундин сўнгра эр ўғул Тенгри карам қилди, хабардин бурна уч кун туққондин сўнгра онаси олидин хоҳи ва нахоҳи олиб уйимизга келтуруб сахлабтурлар. Чун валодатининг хабарини йибордук. Бҳирани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан отини Ҳиндол қўйдилар" дейилади яна бир ўринда.


Ғайбулла Саломов ва Неъматилла Отажоновларнинг "Жаҳонгашта Бобурнома" монографиясида Бобурнинг шугун тутиб (яхши ният қилиб) фарзандига Ҳиндол



деб исм қўйгани таъкидланган. Илоҳий тушунчалар реал воқеа-ҳодисаларга боғланган ва муаллиф фалсафасини акс эттирган.


"Бобурнома"да Тенгрининг когнитив ва концептуал талқини ва унга алоқадор бўлган фразеологик бирликларни қуйидаги тасвирда бир нечасини аниқроқ кўришимиз мумкин:

Заҳириддин Бобур тарихий шахслардан бири Султонимбегимнинг вафоти ҳақида шундай ёзади: "Бир қиз, бир ўғул, бўлуб эди. Қизини Шайбон султонларидин Йилибарс Султоннинг иниси Эсанқули Султонға чиқариб эди, ўғли Муҳаммад Султон мирзодурким, бу тарихта Қаннўж вилоятини анга беribтурмен. Султонимбегим Кобулдин ушбу тарихта



набирасини олиб, Ҳиндустонға келадурганда Нилобта Тенгри ҳукмини буткарубтур. Сўнгагини киши-қароси олиб ёндилар, набираси келди". Тенгри ҳукмини буткармоқ фразеологик бирлиги Темурий шаҳзодаларнинг завжаларига нисбатан қўлланган. Ушбунинг исботини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин:

"Яна Опоқбегим эди, андин ҳеч ўғул ва қиз бўлмади. Попо оғачаким, мунча суюклук эди, мунинг кўкалдоши эди, чун ўғул-қизи йўқ эди, Попо оғачанинг ўғлонларини ўғлидек сахлар эди. Мирзонинг беҳузурлуқларида бисёр яхши хизмат қилур эди, ҳарамларидин ҳеч ким мунча хизмат қила олмас эди. Мен Ҳиндустонға келур йил Ҳиридин келди. Мен ҳам таъзим ва эҳтиромларин иликдин келгунча қилдим Чандерийни муҳосара қилғонда хабар келдиким. Кобулда Тенгри ҳукмини буткармиш".



Одамларни иймон, эътиқод билан яшаб, ҳимматни баланд тутишга, дунёга ҳирс қўйган ғофил кишилардан йироқ юришга, нокас кишиларга мутеъ бўлиб қолмасликка, шайтонсифат одамлар кўйига кириб, ўзининг шарафини топтамасликка даъват этади. Шоир бир ўринда "ҳар нимаки қидирсанг, Ҳақдан қидир, лекин шуни билгилки, у сенга, одамларнинг ризосини тилаб иш тутганингда, топган неъматларингга шукрона қилиб яшаганингда, риёзатларни чидам билан енгиб борган тақдирдагина беради", деган ғояни илгари сурган.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" асаридаги Тенгри концепти жуда кўп фразеологик бирликларни ўз ичига қамраб олган ва уларнинг инглизча таржималарини чуқур ўрганиш лозим, зеро асар дунё тилларига қайта-қайта таржима қилинган ва ўрганилган. Уларни лингвокультурологик-лексикографик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, инглизча таржималарини аслият билан қиёслаш долзарб масалалардан бири деб қараймиз. "Бобурнома" муаллифи фиқҳ илмининг ҳомийси, унинг лексикаси эса уммон каби билим соҳиби эканига далилдир. Инсон куч-қуввати, иродаси етмайдиган ҳодисалар олдида ёлғиз Аллоҳга илтижо қилиши, фақат унинг кўмаги орқали нажот йўлига етиб бориши асарнинг кульминацион мазмунини ташкил этади. Ушбу қўлланган иборалар орқали муаллиф дунёқараши, ҳаёт фалсафаси ҳам ўзига хос тарзда акс этган. Заҳириддин Бобур бизга "Бобурнома"ни мерос қилиб қолдириши билан инсониятга эстетик завқ бағишлаб, ўқувчисини мунтазам тарбиялаб бориши, нафақат асар тили соҳибига, қолаверса, хорижий ўқувчисини-да ўзига ром этади.

Хайруллоҳ УМРЗОҚОВ,
Андижон давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси араб тили муаллими.

“Китобнинг ушбу нашри 2016 йилда чоп этилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар: библиография” (Москва: Шарқ адабиёти. 2016. 1183 бет) китобининг давоми бўлиб, унда Бобур подшоҳ ва Бобурийларга оид илмий, илмий-оммабоп, публицистик ва адабий маълумотларни бир мунча тўлароқ жамлашга ҳаракат қилинди. Ушбу жилд Мирзо Бобур ва унинг кўзга кўринган аждодлари билан зурриётларининг ҳаёти, ижоди ҳақида муайян давр, тарихий жараён мобайнида турли тилларда босилган қомусий мақолалардан иборат бўлажак тўрт жилдлик мажмуанинг дебочаси ҳисобланади. Бу китоб жозибали манба бўлиб, унда баён этилаётган турли хил воқеа-ҳодисалар жараёнида ўзига хосликни кузатиш мумкин бўлади”.

Шоҳ ва шоир ҳақидаги мақолалар мажмуаси

Бундай маълумотни Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси А.В. Дибонинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурийлар». энциклопедик, илмий ва илмий-оммабоп материаллар тўплами китобига ёзган сўзбошисида ўқиймиз. Китоб Россия Фанлар Академияси Тилшунослик институти ва Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди қошида арабшунос олим Ш.Ш.Рустамхўжаев муаллифлигида тайёрланиб, 2019 йили Москвада «Языки Народов мира» нашриётида чоп этилди.

Бобур подшоҳ ва Бобурийлар ҳамда уларнинг мероси ҳақида маълумот-

ларни жамлаб нашр қилиш долзарб мавзуга айланган эди. Филолог, шарқшунос ва ташаббускор тадқиқотчи Ш.Ш.Рустамхўжаев кўп йиллар мобайнида турли тилларда энциклопедия, илмий, илмий-оммабоп, публицистик ва адабий маълумотларни жамлаб, тартибга келтирди. Унинг саъй-ҳаракати ва бир қатор З.М.Бобурнинг мухлислари томонидан қўллаб-қувватлагани туфайли ушбу нашрни тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Аввало, Аллоҳ таолонинг марҳамати, қолаверса, «Санъат, фан ва спорт» фондининг мададисиз ушбу нашрнинг рўёбга чиқиши мушкул эди.

Китоб 878 саҳифадан иборат бўлиб, библиографиядаги 6884 та рўйхатдаги мақола номларидан 879 тасининг матни ёритилган. Китоб алифбо тарзида бўлиб “А”, “Б”, “В” ҳарфлари билан бошланган матнларни ўз ичига олган.

Муаллифнинг эътирофича, библиографияда кўрсатилган мақолаларнинг матни имкон қадар жамланган. Масалан, библиогарфиядаги “А”, “Б”, “В” билан бошланмаган мақоланинг матни китобнинг кейинги жилдларида ёритилади. Бу китобнинг аҳамияти шундаки, ўқувчи библиографиядаги мақолани ўқиши зарур бўлиб қолди. У мақолани топиб ўқиши учун ҳаракат қилиши керак. Агар мақола “А”, “Б”, “В” ҳарфлари билан бошланса, китобнинг биринчи жилдига мурожаат қилинса ўқувчининг муроди ҳосил бўлади. Масалан, библиографияда 385 рақамида қуйидагича маълумот берилган: “Алиев А. Бобурнинг ҳинд таржимони “Ишонч”. 2001. 13 июль. Б.4 (ўзбекча)”. Ушбу мақолани ўқиш керак бўлса, китобнинг 1-жилдига қаралса, 735 рақамда мазкур мақоланинг матнини топиш мумкин.

Библиографиядаги «А.Абдуғафуров «Бобурнома» учун илмий калит (Япон олимининг «Бобурнома» бўйича тадқиқоти иккинчи марта чоп этилгани ҳақида). «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1997 йил 24 январь (ўзбекча)” дея зикр қилинган мақолани ўқиш зарурати туғилса, матнлар китобининг 744 рақамига қаралса, мурод ҳосил бўлади.

Библиографияда 917 рақамда бундай маълумот бор: «Берк.С.М. Акбаршоҳ — Бобурийларнинг энг буюги / инглиз тилидан F.Сотимов таржимаси. Тошкент, “МУМТОЗ СЎЗ”, 2002. 288 бет (ўзбекча)». Ушбу мақоланинг матнини китобнинг 164 рақамида «Акбаршоҳ» номи остида ўқиш мумкин.

Библиографияда 3530 рақамда “Мирсайдуллаев М. Бобурнинг касаллик тарихи. “МУМТОЗ СЎЗ”, 2013. 176-бет» деган маълумот бор. Бу мақола матнини матн китобининг 729 рақамида ўқийсиз.

Бибилиографияда 5915 рақамидаги «С.Шокаримов Андижон. 2000 й.87 бет». Деган маълумотга зикр этилган мақолани матн китобининг 229 рақамида ўқийсиз.

Библиографияда 6749 рақамда «Ҳасанов С. Буюк қомусий асар. Тошкент, Шарқ. 2002. 334 б» дея хабар қолдирилган. Бу мақола матнини эса матн китобида 800 рақамда ўқиш мумкин.

Умуман айтганда, юқорида зикр қилганимиздек китоб муаллифи 6884 та мақолаларнинг матнини имкон қадар тўплаган. Ҳозирча “А”, “Б”, “В” ҳарфлари билан бошланган мақолалар матни жамланган. Бошқа ҳарфлардан бошланган мақола матнлари китобнинг кейинги жилдларида берилади.

Китобнинг афзаллиги ва китобхонга маъқул томони шуки, китобхон Бобур подшоҳ ҳақида ёзилган матнларнинг асли билан танишади. Қийналиб адабиёт излаб юрмайди. Умид қиламизки, китоб ҳазрат Бобур ижодини ўрганувчиларга асосий манба бўлиб қолади.

Муаллифга китобнинг қолган жилдларини ҳам давом эттиришида улкан ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

"Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг" дея лутф этади Мирзо Бобур рубоийларидан бирида. Чиндан ҳам, улуғ аждодларни ёд этиш, уларнинг беназир илмий ва бадиий меросини ўрганиш, ҳаёт йўлларини тадқиқ қилиш авлодларнинг бурчидир. Аслида Ватани тарихи билан қизиқмайдиган инсон бўлмаса керак. Айниқса, буюк шахсларнинг ҳаёти ва инсоний характери қизиқ ва ибрат олгуликдир.

Ситора
ТОЖИДДИНОВА

Ҳазрат Бобурнинг одамийлик ибрати

ПРИМЕР ЧЕЛОВЕЧНОСТИ ХАЗРАТА БАБУРА
HAZRAT BABUR'S EXAMPLE OF HUMANITY

Аннотация

Мақолада Мирзо Бобурнинг характер хусусиятлари, одамийлик фазилатлари "Бобурнома"даги воқеа-ҳодисалар мисолида илмий ўрганилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақида гапирганда, аввало, унинг Аллоҳнинг бир бандаси, инсон сифатида кўрган кечирганлари, мустаҳкам империя қуриш маҳорати ва машаққатлари, оталик меҳри, қариндошлик анъаналари, характеридаги тантилик ва мардлик каби сифатларни ўрганиш ва ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Темурийлар, Бобурийлар, Бобурнома, Нигорхоним бинта Юнусхон, Гулбаданбегим, Хожа Убайдуллоҳ.

Аннотация

В статье научно исследованы черты характера Мирза Бабура, его человеческие качества на примере событий в «Бабурнаме». Говоря о личности Захируддина Мухаммеда Бабура, прежде всего, важно изучать и обучать его качествам, таким как служение Аллаху, его опыту как человека, его навыкам и трудностям для построения сильной империи, отцовской любви, традиций родства, мужества и храбрости в его характере.

Ключевые слова: Темуриды, Бабуриды, Бабурнаме, Нигорханум бинта Юнусхан, Гулбаданбегим, Ходжа Убайдуллах.

Annotation

The article scientifically explores the character traits of Mirzo Babur, his human qualities on the example of events in «Boburname». Speaking about the personality of Zakhiruddin Muhammad Babur, first of all, it is important to study and train his qualities, such as serving Allah, his experience as a person, his skills and difficulties for building a strong empire, fatherly love, traditions of kinship, courage and bravery in his character.

Keywords: Temurids, Baburids, Baburname, Nigorhanum binta Yunuskhan, Gulbadanbegim, Khoja Ubaidullah.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақида гапирганда, аввало, унинг Аллоҳнинг бир бандаси, инсон сифатида кўрган кечирганлари, мустаҳкам империя қуриш маҳорати ва машаққатлари, оталик меҳри, қариндошчилик анъаналари, характеридаги тантилик ва мардлик каби сифатларни ўрганиш ва ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Эътироф этиш керак: бобуршунослик илмида заҳматкаш олимларимиз томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар, хулоса ва таклифлар илгари сурилган, ҳамон изланишлар давом этмоқда. Аммо тадқиқотчилар даврасидан ташқаридаги одамлар, оддий халқимиз бу жараёндан бехабарлиги, илмий янгиликларнинг оммабоп услубда тақдим этилмаслиги бу борадиги камчилигимиздир балки. Зотан, бу кучли шахс кўп жиҳатдан бугунги авлодларга ўрнак бўла олишини ҳар ким, айниқса, ёш авлод билиши, англаши фойдадан холи бўлмайди.

Биринчи галда Мирзо Бобурнинг ўта ростгўй инсон бўлгани таҳсинга лойиқ. "Бобурнома"ни варақлар эканмиз, унинг оқ қоғоз қаршисида ўзидан фаришта ясаб олмагани, бор гуноҳу савобини рўй-рост ёзганига амин бўламиз. У гоҳ гулларнинг турию рангини санаётган биолог, гоҳ ҳарбий санъатдан сабоқ бераётган саркарда, гоҳ сўзни, шеърни увол қилмасликни ўргатаётган адабиётшунос ва ҳатто касалликлар ташхисию даво йўллари ҳақида фикр билдираётган шифокор тимсолида гавдаланади. Нафақат шоҳ ва шоир, балки қомусий олим дея эътироф этилган Мирзо Бобур асарлари ҳануз Ғарб мамлакатларида севиб ўқилаётгани, қайта-қайта таржима ва янги нашрлар қилинаётганининг бош сабаби ҳам мана шу ростгўйликда бўлса керак. Муаллиф ҳатто ўз камчиликларини-да хаспўшламай айтаверади. У замондошларини ва биз авлодларини алдамагани учун ҳам ҳурматга лойиқ.

Тарихнавис Ғиёсиддин Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарида Мирзо Бобурнинг туғилган вақти ва болалигига доир шундай тасвирлар бор: "Мирзо Умаршайх ибн Мирзо Абу Саид ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн жаҳон олувчи соҳибқирони Амир Темур Кўрагонга атолар бахш этувчи ҳазрат хотини Нигорхоним бинта Юнусхонда бир ўғил каромат қилдиким, ҳам болалик айёми бошидан давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамолидин ялтирар, ҳам ўсиб-улғайиш замони аввалидан шавкат ва истиқлол аломати бахт келажакли манглайидан билиниб турарди".

Бола бошидан деганларидек, Хондамирнинг маълумот беришича, Мирзо Бобур болалигиданоқ "давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамолидин ялтирар", кейинчалик тарбияту илм кўра бошлагач "ўсиб-улғайиш замони аввалидан шавкат ва истиқлол аломати бахт келажакли манглайидан билиниб турарди". Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асаридан эса бу улуғ бобомизнинг исмлари ҳам шунчаки қўйилмаганини билиш мумкин. Яъни Заҳириддин Муҳаммад исми Хўжа Аҳрор Валий томонидан қўйилган экан. Шу ўринда эслатиб ўтайлик: даврининг китоб кўрган, маърифатли инсонлари билан бамаслаҳат фарзандларига исм қўйиш ота-боболаримизнинг яхши анъанаси бўлган. Шуни қайта ёдга олиш ҳам бугуннинг зарур эҳтиёжидир. Зотан, исмнинг жисмга, руҳга кўчиши ёлғон эмас.

Темурийлардаги маърифат аҳлига ҳурмат ва ҳомийлик хислати Мирзо Бобур характерида ҳам муҳим ўрин тутган. Биргина мисол: у бир хасталикка учрагач, Аллоҳ кўнглига "Волидия"ни назмий таржима қилиш ниятини солади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: "Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг "Волидия" рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдимким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби "Қасидаи бурда"нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидан халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур". Аллоҳнинг карамотини қарангки, таржимадан сўнг Бобур Мирзо жисмида касалликдан асар ҳам қолмайди. Подшоҳ мана шу таржимасидан нусха ва унга қўшиб бир қуйма олтин, битта қитъа Моваруннаҳрга ўша даврда Нақшбандия тариқати пешвоси бўлган Маҳдуми Аъзамга юборгани тарихий манбаларда қайд этилган. Маҳдуми Аъзам ҳам унга жавобан "Бобурия" асарини ёзиб, шоҳ ва шоирга туҳфа қилган экан.

Самарқандда яшаган бу тариқат пешвоси ва Бобур ўртасидаги руҳоний қувват воқеаси ҳам ибратлидир. 1527 йили март ойида

Читора ҳокими Рона Санго ва Бобур орасида жанг бўлиб ўтади. Бу жангда Бобур ва унинг аскарлари бир неча марта мағлуб бўладилар. Шунда жангчиларнинг кўнглида тараддуд ва умидсизлик пайдо бўлади. Бу ҳақда "Бобурнома"да "...улуқ-кичикта дағдаға ва тараддуд кўп эди. Ҳеч кимдан мардона сўз ва далирона раъй эшитилмас эди", дейилади.

Шунда Бобур бир вақтлар Самарқандга, яъни Ҳусайн Хоразмий ҳузурига кўп совғалар билан бир дарвишни жўнатгани, Ҳусайн Хоразмий эса табаррукан ўз ҳассасини юборгани, ҳассага ғилоф ясатиб хазинасида сақлаб қўйганини эслайди. У шайхнинг ҳассасини ёнига қўйиб, кучли ихлос билан ҳазратнинг ботинига юзланади.

Шундан кейин пешводан ғалаба башоратини олади ва эрталаб туриб буни лашкарларга етказади. Лашкарлар буни эшитганларидан кейин ғайрат-шижоат билан жангга отланадилар ва уларнинг қўли баланд келади.

Сўнгра Бобур махсус кишилари орқали Ҳусайн Хоразмийга ниёз тариқасида бир сиқим олтин танга юборади. Шу пайтда Ҳусайн Хоразмий Самарқандда бир ҳовлида яшаётган бўлиб, ернинг эгаси жой фақатгина тилла эвазига сотилишини айтиб турган бўлади. Шу мушкул пайтда Бобурнинг элчиси етиб келади ва омонатни шайхга топширади ҳамда бу фақат бир нишона, агар шайх бironта ишончли кишисини юборса, қолган ашрафий ва совғалар ҳам у орқали бериб юборилишини айтади. Шайх омонатни қабул қилади, лекин одам юбормайди. Мана шу маблағ сабаб уй сотиб олинади. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида Регистон майдонининг шарқида Ҳусайн Хоразмийдан қолган ёдгорлик жойлар мавжуд дейишади. Ажаб эмаски, улардан бири Бобур ҳиммати билан сотиб олинган бўлса.

Аҳли илм ва аҳли адабиётга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ихлосу ҳомийлиги ҳақида жуда кўп далиллар келтириш мумкин.

Мирзо Бобурдан инсоний ибрат олишга арзийдиган яна бир жиҳат унинг қариндош уруғ аёллар ва умуман хотин-қизларга меҳру муҳаббатли, самимий муносабатидир. Бу ҳақда ростгўй отанинг ҳақсўз қизи Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома"сида бир қанча ҳикоялар бор. Жумладан, у шундай ёзади: "Подшоҳ ҳазратлари Агра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума куни аммаларини кўргани борар эдилар. Бир кун ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: "Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума куни кўргани бормасангиз нима бўлади? Бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак", деб сўрадилар. Подшоҳ онамга мана бундай жавоб бердилар: "Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши таажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мирзонинг қизлари ўз ота ва бородарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?"

Мана шу мисолнинг ўзиёқ Заҳириддин Муҳаммаднинг нақадар олижаноб қалб эгаси эканини исботлайди. Бир жиян сифатида отасининг жигарлари - аммалари ҳолидан ҳар ҳафта, муборак жума кунида ҳол-аҳвол сўраши бугунги кун инсонлари учун ҳам ғўзал ибратдир. Баъзан вақт масаласи, иш кўплигини баҳона қилиб, аслида оқибатсизлик сабаб бизни соғинадиган, қўмсайдиган инсонларимизнинг ҳолидан хабар олмаймиз. Катта бир давлатга шоҳ, шоир ва қомусий олим бўлган Мирзо Бобур олдида биз киммиз?! Бу тарихий ҳикоя оқибат ҳақидаги гўзал қиссадир.

Яна бир тарихий далил: 1506-1507 йилларда Мирзо Бобур Ҳиротга кетганидан фойдаланган Мирзо Муҳаммад Ҳусайн қўзғалон кўтариб, шаҳарни қамал қилиб, Кобул тахтини эгаллаган. Бобур мирзо бу жойни қайта қўлга киритгач, Мирзо Муҳаммадни хоинлигига қарамай, кичик холаси Хўбнигорхонимнинг эри - поччаси бўлгани учунгина кечирган, нафақат кечирган, балки эҳтиром кўрсатган экан. Бу ҳақда Гулбаданбегим шундай ёзади: "...холаларининг хотирини қилиб, Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг гуноҳини кечдилар. Холаларининг кўнглида бўлиб ўтган кулфат ғубори қолмасин деб илгаригидан ортиқроқ ҳурмат қилдилар". Гувоҳи бўлганимиздек, холасининг кўнглини оғритмаслик ғамини еган Бобур бу борада ҳам кўпчилигимизга намунадир.

Гулбаданбегим онаси Моҳимбегим ва ўзига нисбатан подшоҳ отасининг меҳрини ҳам чиройли тасвирлаган. Чунончи, у ўзининг Қобулдан Ҳиндистонга келиш воқеасини алоҳида иштиёқ билан баён этади. Улар Аграга базм устига келишади. Бироздан сўнг Гулбаданбегим отасининг олдига бориб таъзим қилади, шунда Бобур Мирзо ундан ҳол-аҳвол сўраб, бир неча муддат тиззасига олиб ўтирган экан(Ўшанда малика олти ёшда бўлган). Бу ҳақда Гулбаданбегим "...ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвир қилиб бўлмайди" дей-

ди. Бундан ота ва қизнинг самимий руҳдаги муносабатини илғаш мумкин.

Айниқса, бувиси Эсон Давлат Бегимга бўлган ҳурматию меҳрини "Вақоe"дан илғаш мумкин. Зотан, Мирзо Бобур диний тарбия сабабиданми, асарда хотин-қизлар портрети, характери ҳақида деярли маълумот бермаган бўлса-да, биргина бувисининг ахлоқию маърифатини юксак баҳолайди.

"Бобурнома" мутолааси жараёнида кузатиш мумкинки, подшоҳ Бобур ўғиллар тарбиясида анчайин қаттиққўллик қилган кўринади. Бу Ҳумоюн Мирзога ёзган хатларидан сезилади. Аслида саройда ўз соҳасининг энг олди бўлган мутафаккир устозлардан тарбия олган йигитнинг имлоси ёмон бўлиши мумкин эмас. Шундай эмасми? Аммо, барибир, подшоҳ Бобурнинг Ҳумоюндан кўнгли тўлмайди. Имло устида, ҳуснихат устида кўпроқ ишлаш, эътиборли бўлишни қатъий талаб қилади: "Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқимайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқийолмас эдинг. Ўқий олмагандан сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўлур, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас. "илтифотни "то" била битибсен. Қулунжни "ё" била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур".

Мирзо Бобурнинг фарзандлар тарбиясида ўта эътиборли ота бўлганини эътироф этиш лозим. Агар ҳозир ҳам ҳар бир ота худди бу улуғ аждодимиз каби фарзандлари имлосига эътибор берса, саводсизлик деган ибора истеъмолдан чиққан бўлармиди?!

Яна бир ўринда ўғлига шундай насиҳат қилади: "Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсен". Мана бу сўзлардан ҳам кўриниб турибдики, подшоҳ Бобурнинг мақсади биринчи галда давлат ишларида маслаҳатли тадбир кўриш лозимлиги бўлса, иккинчи яширин ният эса "Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб" жумласида бор. Яъни, бу насиҳат тагидаги маъно ўғилларининг аҳил бўлиши ҳақидаги орзуси эди.

"Бобурнома"ни мутолаа қиларканмиз, муаллифнинг дўстлари, навкарлари даврасида нақадар мард, танти, қўли очиқ инсон бўлганини тасаввур қиламиз. Дўстлар даврасида мутойиба йўлида шеърлар ёзилгани, мушоиралар бўлганини ҳам эслайди. Айниқса, Иброҳим Лўдийга берган баҳоси тасвирланган ўринда унинг раҳбарлар характеридаги қайси жиҳатларни ёқтирмаганини аниқ илғаш мумкин: "Тенгри таоло рост келтурди не йигитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди. Қандин йигитини ризо қила олурким, табиатиға имсок (хасислик) кўп ғолиб эди. Ўзи ярмоқ йиғиштурмоққа беҳад толиб, бетажриба йигит эди. Не келиши саранжомлиқ эди, не туруши, не юруши эҳтимомлиқ эди, не уруши".

Айниқса, Бобур сийратидаги мулоҳазакорлик, босиқлик, танганинг ҳар икки томонини ҳам бирдай кўра олиш қобилиятини эътироф этиш лозим. У кимдир ҳақида маълумот берар экан, унинг фазилатларини санай туриб, камчилигини ҳам унутмайди. Ҳатто душманлари тасвирида ҳам уларнинг қусурларини санай туриб, ҳеч бўлмаганда "табъи назми" борлигини эътироф этади. Шу боис ҳам, унинг "Рости шу эдики, ёзилди" деган гапи мутлақ ишонарли.

Мирзо Бобурнинг Ватанга қайтиш мақсади умрининг охиригача юрагида бўлган. "Вақоe"да муаллифнинг бу ҳақдаги ички туйғуларига кўп марта дуч келамиз: "Бизнинг эҳтимомимиз ул сарилар бормоққа беҳад ва беғоятдур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб келадур. Тенгри таолодин умид андоқким, бу оранинг иши Тенгри таоло иноятидан бот саранжом топқай. Бу иш забтидин сўнг бетавақкуф, Тенгри еткурса, мутаважжиҳ бўлғумдур. Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотирдин чиқаргай".

Тан олиб айтамизки, бу маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахс сифатидаги қирраларини очишда денгиздан томчи кабидир. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, оммавий ахборот воситалари орқали, адабиёт кучи билан халққа Мирзо Бобур шахсини, кўнглини, илм-марифати, маҳорату шижоатини етказиш, унинг беназир меросини халқчил тилда бир кун эмас, ҳар куни баҳолиқудрат тарғиб қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

ИБН МУҚАФФАНИНГ «АЛ-АДАБ АЛ-КАБИР» АСАРИ ТАҲЛИЛИ

Сарвар САИДОВ,
Термиз давлат университети ўқитувчиси.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муқаффа VIII асрда яшаган мутафаккирлардан ҳисобланиб, форс ўлкасидаги ҳозирги Ферузобод шаҳри ўрнидаги Жур деб аталувчи қишлоқда таваллуд топган. Ибн Муқаффанинг асл исми Розбеҳ ибн Дадо бўлиб, Ислом динини қабул қилганидан кейин Розбеҳ исмини Абдуллоҳ номи билан ўзгартирган. Ибн Муқаффанинг аждодлари Сосонийлар ҳукмронлиги даврида давлат котиби, давлат девонида хизматчи, шунингдек, вазирлик лавозимларида ишлаб келган. Эрон араблар томонидан фатҳ этилгач, Ибн Муқаффанинг отаси Дадое ўзига "Ал-Муборак" номини қабул қилган ва Ироқда солиқ ишларини назорат қилиш билан шуғулланган.



Ибн Муқаффа араб халифалиги давридаги энг нотинч замонда яшаб, кўплаб фожеали воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Буларнинг энг асосийларидан бири 746-749 йилларда Хуросонда Абу Муслим бошчилигида Уммавийлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган қўзғолон бўлди. Қўзғолон натижасида 750-йилда Уммавийлар ҳокимияти тугатилиб, ўрнига янги сулола - Аббосийлар сулоласи халифалик тахтини эгаллади. Ибн Муқаффа тўртта халифа ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилди. Улардан учтаси Уммавийлар сулоласи вакиллари, биттаси эса Аббосийлар сулоласи вакили бўлиб, Аббосийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори халифа Мансур ҳукмронлиги даврида ҳалок бўлди.

Ибн Муқаффа араб адабиётининг энг машҳур намоёндаларидан бўлиб, юксак ахлоқли, улкан ақл ва чуқур билим соҳиби, нотиқлик санъатини аъло даражада эгаллаган шахс ҳисобланган. Шунингдек, Ибн Муқаффа олийҳиммат ва юксак қалб соҳиби, муҳтожлар ҳақида қайғурувчи ҳамда уларга ёрдам кўрсатувчи, ҳақиқат учун қаттиқ туриб курашувчи киши бўлган. Айниқса, гўзал муомала тарзи билан ажралиб турган. У ҳокимият ва забт этилган халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилган. Ибн Муқаффанинг дунёқараши жуда чуқур ва хилма-хил бўлиб, у ўзида форс, араб, юнон ва ҳинд маданиятларини сингдирган.

Ибн Муқаффа форс тилини чуқур билиши билан бирга араб тилини ҳам му-

каммал даражада эгаллаган ҳамда араб тилидаги адабий ва фалсафий китобларни чуқур ўрганиб, фалсафий таҳлил қилган. У буюк юнон файласуфи Арастунинг "Категория", "Аналитика" каби асарларини таржима қилган. Аббосий халифалар даврида Ибн Муқаффа "Калила ва Димна" асарини қадимги паҳлавий тилидан араб тилига таржима қилган. Ибн Муқаффанинг "Ал-адаб ал-кабир" ("Катта одоб китоби"), "Ал-адаб ас-сағир" ("Кичик одоб китоби"), "Рисолатус саҳоба" ("Саҳобаларнинг мактублари") каби асарлари ҳам машҳур. Мазкур асарларида муаллиф "Киши, аввало, ўз руҳиятини тетиклаштириши, ўз тафаккурини ойдинлаштириши керак, бу аждодларга муносиб олижаноб режаларни амалга оширишга ёрдам беради", деб ёзади. "Оқил киши ҳар бир ишда, айниқса, Аллоҳ йўлида қилинадиган савоб амалларда собит қадам бўлиши керак. Ҳар бир ақлли одам ўз айбларини билса, улардан фориғ бўлишга уриниши керак. Ўртада ўлим борлигини доимо эслаб, одамларга кўпроқ яхшилик қилишга шошилиш керак", деган ғояларни алоҳида таъкидлайди. Ибн Муқаффанинг "Ал-адаб ал-кабир", "Ал-адаб ас-сағир" асарлари форс манбалари, қисман ўрта форс тилидаги манбалардан фойдаланган ҳолда ёзилган бўлиб, ушбу асарларда форс, юнон ва ҳинд фалсафаси ва маданиятининг кучли таъсири сезилиб туради.

Ибн Муқаффанинг "Ал-адаб ал-кабир" асари ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, давлат бошқаруви масалаларига бағишланган асар бўлиб, унда муаллиф ҳаётнинг турли жабҳаларини ўрганган ҳолда ушбу масалаларга оид қимматли хулоса ва таклифларни илгари суради. Асарнинг биринчи қисми "Султонлар одоби" деб номланиб, унда мутафаккир давлат бошқаруви учун ҳукмдорларга зарур бўладиган фазилатлар хусусида баҳс юритади. Асарнинг иккинчи қисми эса "Дўстлик муносабатлари" деб номланади ҳамда ушбу қисмда ахлоқий тамойиллар ва дўстлик масалалари, шоҳларнинг фуқаролар ва халқ оммаси билан ўзаро муносабатлари ёритилади.

"Ал-адаб ал-кабир" асари ўз даврида биринчи навбатда раҳбарлар ва уларнинг ворислари, сарой амалдорлари ва бошқа юқори табақага мансуб шахслар мутолаа қилиши учун мўлжалланган, панд-насиҳат шаклида ёзилган асардир. Бунда асосий эътибор ахлоқ-одоб масалаларига, давлат ҳаёти ва унинг фуқаролар билан ўзаро муносабатларига қаратилган. Ибн Муқаффа ушбу китобида таъкидлашича, давлат бошлиғи сергайрат ва камтар бўлиши, ўз фуқароларига нисбатан қарорлар қабул қилишда шошқалоқликка йўл қўймаслиги лозим. Фуқаро ҳам ўз навбатида ўз ҳукмдорига нисбатан итоаткор бўлиши ҳамда тилёғлама ва хушомадгўй бўлмаслиги керак. Ҳукмдор бировга нисбатан нафрат туйғусида бўлмаслиги, ёлғон сўзламаслиги, қизғанчиқлик қилмаслиги, бировга нисбатан кек сақламаслиги керак. Китобда, жумладан, шундай гаплар бор: "Подшоҳ учун қаҳр-ғазаб муносиб эмас, чунки куч-қудрат қаҳр-ғазаб билан бирга мавжуд бўла олмайди. Подшоҳ учун алдаш ҳам муносиб эмас, чунки ҳеч ким уни ўзи хоҳлаган ишидан бошқасини бажаришга мажбур қила олмайди. Подшоҳга бахиллик, қизғанчиқлик ҳам муносиб эмас, чунки у камбағаллик хавфидан холи бўлган энг кам сонли шахслардандир. Қасамхўр бўлиш ҳам ҳукмдор учун муносиб эмас".

Ибн Муқаффа "Ал-адаб ал-кабир" асарининг асосий қисмида ҳукмдорнинг маслаҳатчиларига эътибор қаратади. Кўпчилик ёш ҳукмдорларга хос бўлган жўшқинлик ва шижоат туфайли улар нотўғри сиёсат юритишлари мумкин. Билимдон, донишманд кишилар ҳукмдор қалбини мағрурлик, шуҳратпарастлик, шафқатсизлик, очкўзлик ва зўравонлик каби касалликлардан фориғ бўлишига ёрдам берувчи табиблардир. Улар ҳукмдорни олижаноблик ва мурувватлилик руҳида тарбиялашлари, ҳукмдор эса уларнинг таъсири остида оддий фуқарога нисбатан ғамхўр ва илтифотли бўлиши ҳамда улар учун адолатли қонунлар қабул қилиши керак. Айнан билимдон ва донишманд маслаҳатчигина уларни нотўғри қарорлар қабул қилишдан сақлайди. Донишманд маслаҳатчи подшоҳни донишмандлик ва ақл асосида тарбиялаши ҳамда уни адолатсиз қарорлар қабул қилишдан сақлаб ту-

ришлари лозим. Билимдон маслаҳатчининг сўзи давлат ҳукмдори учун рад этиб бўлмайдиган кучга эга бўлиши керак. Бунда маслаҳатчиларга нотиқлик санъатини мукаммал билишлари қўл келиши мумкин. Ибн Муқаффанинг фикрича, инсон давлат, жамият ва қонунларнинг асосий яратувчисидир. Дин ва метафизика эса инсоннинг ақлий салоҳиятига, унинг конкрет ижтимоий ва сиёсий фаолиятидаги ишида мустаҳкам тиргак вазифасини бажаради. Ақл бошқара олиш қобилиятидир, яхши фазилат эса ахлоқий софлик ва сабр-қаноатли бўлишдир. Энг юқори машҳурлик — ахлоқий поклик, энг катта бойлик эса хоҳиш-истаклардаги меъёрнинг сақланишидир. Ибн Муқаффа давлат бошлиғини ахлоқий сифатлар билан боғланган шахс сифатида тасаввур қилади. Ибн Муқаффа нуқтаи назари бўйича сиёсий фаолиятни ахлоқ масаласисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Оқилона сўз қулоққа хуш келганидек, оқилона иш ҳам юракка маъқул келади. Ўзини муносиб равишда тарбиялаган инсон бошқаларга қараганда жамиятда кўпроқ обрў-эътиборга сазовор бўлади.

Ибн Муқаффанинг илмий фаолиятини тадқиқ этган араб тадқиқотчиси Юсуф Абу Халақа таъкидлаб ўтганидек, "Ал-адаб ал-кабир" асари қадимий донишмандлик намуналарини кўрсатиб беради, чунки муаллиф қадимий грек, форс ва ҳинд донишмандлигига мафтун бўлган ҳамда ушбу қадимий маданиятлар борасида жиддий тарзда тадқиқотлар олиб борган. Шу сабабли асарда келтирилган ҳикояларда юқори цивилизацияга эга бўлган халқларнинг қадимий донишмандлиги ҳақида умумий хулосалар келтирилган. Таниқли шарқшунос олим Хан Фахури ҳам Ибн Муқаффа асарларида форс, ҳинд ва юнон маданиятларининг таъсирини эътироф этади.

"Ал-адаб ал-кабир" асари қадимий донишмандлик намуналарини тадқиқ ва таҳлил этишга, улардан жамият тараққиёти йўлида фойдаланишга ундовчи асардир. Ушбу асар ўз даврида ҳукмдорлар учун ўзига хос йўриқнома бўлиб, унда ҳукмдорлик санъатига оид қимматли мулоҳазалар келтирилган. Ибн Муқаффа ўз сиёсий қарашларида ҳукмдорлик қилиш санъатини ахлоқий тамойиллар билан бирга ўрганиш заруриятини кўрсатишга ҳаракат қилади. Муаллиф учун ахлоқий фазилатлар ҳукмдорлик қилишнинг энг асосий шартларидан бири бўлмоғи лозим. Ҳукмдор мулоҳазакор, сабр-тоқатли бўлиши, нотиқлик санъати ва ҳарбий санъатни юқори даражада эгаллаган бўлиши, хасислик ва қаҳр-ғазабга берилиш, мақтовга мойиллик, шуҳратпарастлик каби иллатлардан фориғ бўлиши лозимлиги уқтирилади. Ибн Муқаффа назарида ҳукмдорнинг биринчи галдаги вазифаси жамиятдаги мувозанатни сақлаб туриш ва халқ фаровонлиги учун қайғуришдан иборат.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ибн ал-Муқаффанинг "Ал-адаб ал-кабир" асари сиёсий бошқарувни ахлоқ масаласисиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини, раҳбар биринчи галда ахлоқий сифатлар билан зийнатланган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу асар орқали Ибн ал-Муқаффа Ислом илм-фанида одил ҳукмдор тўғрисидаги илғор ғояларни илгари сурган.



Муаллиф ҳақида маълумот:

Саидов Сарвар — Термиз давлат университети Тарих факультети ўқитувчиси, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими. Ҳозирда "Ибн ал-Муқаффанинг "Ал-адаб ал-кабир" асарининг фалсафий-герменевтик таҳлили" мавзусидаги докторлик диссертацияси устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Воқеликни идиллик идроклаш ва талқин этиш, башариятнинг илк бадиий тажрибаларидан бўлиб, айни муаммо ҳақида сўз юритиш учун адабиёт тарихини архаик даврларидан бошлаб ўрганишга тўғри келади. Замонавий адабиётшунослик айни ҳодисага шундай луғавий маъно беради: "Идиллия юнонча eydyllion — кичик образ, кичик шеърий асар". Илк идиллия ёзган шоирлар сифатида эрамиздан аввалги 3-2-1- ва эрамизнинг 1-3-асрларида яшаб ўтган Феокрит, Моск, Бион (Юнонистон), Вергилий, Кальпурний, Немесиан (Рим)лар саналади[1]. Уларнинг идиллияларида башариятга оид табиий турмуш тарзи, деҳқончилик, чорвачилик, оилавий ҳаёт, умуман, тирикчилик билан машғул одам соф табиат тасвири билан уйғунликда, деталлаштириб ифодаланган. Бундай асарларнинг поэтик ритми ҳам башариятнинг ибтидоий турмуш тарзи каби сокин, вазмин ифода йўлига эга бўлган.

ОТАЛАР ФАЛСАФАСИ ёхуд идиллик наср ҳақида

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори.

ФИЛОСОФИЯ ОТЦОВ ИЛИ ОБ ИДИЛЛИЧЕСКОЙ ПРОЗЕ
PHILOSOPHY OF FATHER OR ABOUT IDYLLIC PROSE

Аннотация
Мақолада идиллик жанри моҳияти чуқур тадқиқ этилган. Архаик маъносига кўра, идиллия деҳқон ва чўпон қўшиғи деган маънони билдиради. Башариятнинг механика ва саноат давригача бўлган илк турмуш тарзи эса деҳқончилик, чорвачилик билан кечган. Бундан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, бани Одам асос солган илк сўз санъати намунаси идиллия бўлган.
Калит сўзлар: Идиллия, С.Н.Крамер, "Эстетика", "Алпомиш", "Гўрўғли", "идиллик типи", турмуш тарзи.

Аннотация
В статье подробно раскрывается сущность идиллического жанра. Согласно архаическому значению, идиллия означает песню фермера и пастуха. Первым образом жизни до эпохи механики и промышленности было земледелие и животноводство. Из этого можно сделать вывод, что первым примером искусства речи, основанного Адамом, была идиллия.
Ключевые слова: Идиллия, С.Н. Крамер, «Эстетика», «Алпамиш», «Гороглы», «тип идиллии», образ жизни.

Annotation
The article reveals in detail the essence of the idyllic genre. According to the archaic meaning, idyll means the song of the farmer and the shepherd. The first way of life before the era of mechanics and industry was agriculture and animal husbandry. From this we can conclude that the first example of the art of speech, founded by Adam, was an idyll.
Keywords: idyll, S.N. Kramer, «Aesthetics», «Alpamish», «Gorogly», «type of idyll», lifestyle.

Назарий адабиётшуносликда идиллиянинг поэзия жанри сифатида вужудга келиши, бадиий канонлари ёзма адабиётдаги намуналарига нисбатан белгиланган бўлса ҳам, туб моҳиятига кўра, унинг маншаъ-ибтидоси халқ ижодиётининг архаик давридан бошланади. Адабий тур ва жанрлар нуқтаи назаридан фақат лирикада эмас, энг қадимги фольклор жанрларининг эпик ва драматик, лиро-эпик, лиро-драматик шаклларида ҳам идиллиявий талқинлар кўзга ташланади. Кенг маънодаги идиллиявий талқин спецификаси эпик, лирик, драматик тур ёки жанрлардан исталган биттаси ўз поэтик имкониятлари доирасида табиий ва аниқ бир воқеани ифодалашга қаратилганида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, идиллиявий талқин одамзотнинг табиий турмуш тарзи, оилавий ҳаёт йўлидаги тажрибалари, фикр-қарашлари, одам ва олам ҳақидаги хулосаларининг бадиий умумлашмасидир.

Бундан келиб чиқадики, терминологик луғатларда қайд этилиб, назарий ва ўқув адабиётларида изчил такрорланиб келаётган “кичик образ, кичик шеърий асар” деган таъриф идиллиянинг ёзма шеърий намунасига нисбатангина тўғри ва ўзини оқлайди. Универсал эстетик тарих сатҳида эса, башарий турмушнинг барча босқичларини қамраб оладиган табиий-маиший, ани пайтда, ижтимоий-индивидуал ҳолат ва ҳодисалар бадиийлаштирилган шакли ҳисобланади.

Архаик маъносига кўра, идиллия деҳқон ва чўпон қўшиғи деган маънони билдиради. Башариятнинг механика ва саноат давригача бўлган илк турмуш тарзи эса деҳқончилик, чорвачилик билан кечган. Бундан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, бани Одам асос солган илк сўз санъати намунаси идиллия бўлган. Илк идиллияларнинг деҳқончилик ва чорвачилик билан боғланиши, маиший турмуш, оила, табиат қўйнидаги одамни акс эттириши бундай хулосага туртки беради.

Айни хулосанинг илк археологик далили сифатида Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидан топилган “сополкитоб” (клинопис)ларда ёзилмиш манба – “Инаннанинг ёр танлаши” деб номланган “идиллик баллада”[2]ни кўрсатиш мумкин. Шумершунос С.Н.Крамер бу сингари бадиий манбалар ёзувда акс эттирилган “сополкитоб”ларнинг майдонга келиш вақтини тақрибан эр. ав. 2500–3000 йиллар деб белгилайди[3]. Аммо мазкур шеърий асарларнинг ёзувга туширилгунига қадар қанча вақт ўтгани ҳеч кимга маълум эмас. Бундан маълум бўладики, ушбу асар идиллиянинг ўта қадимги намунасидир.

Идиллик балладада ҳикоя қилинишича, гўзал Инаннани акаси Уту қизни чўпон Думузига турмушга чиқишга ундайди. Чўпоннинг қўйлари, сут-қаймоғи кўп, ҳаёти фаравон экани, агар турмушга чиқса, бахтли яшаши ҳақида сўзлайди. Аммо сулув Инанна акасига эътироз билдиради. Чўпоннинг жун чойшабига ўраниб ётишдан кўра кўм-кўк экинлар етиштирувчи деҳқон Энкимдуга турмушга чиқишини айтади. Аммо Думузи билан учрашганида унинг ўзига ва қилаётган касбига берган узоқ таърифу тавсифларидан кейин деҳқонга тегиш фикридан қайтади. Думузининг, Инаннага қаратилган, йигирма сатрдан иборат монологида чорвачиликда етиштириладиган гўшт, сут, қаймоқ, пишлоқ, жун ва бошқа маҳсулотлар батафсил саналади. Деҳқон Энкимду етиштирадиган деҳқончилик маҳсулотлари: оқ буғдой, қора буғдой, арпа, тариқ, нўхот, ловия, фасол, олма, нок, олхўри, улардан олинадиган ун, шарбат ва бошқа ичимликлар билан солиштирилади. Деҳқон етиштираётган барча маҳсулотларга айрибошлаш учун унда керагидан ортиқ маҳсулот борлиги айтилади. Натижада Инанна чўпон Думузига турмушга чиқишга розилик беради. Асар Думузи ва Инаннанинг унашуви билан якун топади[4].

Асар сюжети бир қарашдаёқ барча илоҳий китобларда, хусусан, Қуръони

каримда ҳикоя қиладиган Ҳобил ва Қобил воқеасини эслатади. С.Н.Крамер ҳам ушбу асар матнини тўлиқ келтиргандан сўнг: “Ўқувчи бундаги Инжил мавзуси садоларини осон илғайди”, деган фикрни қайд этади[5].

Жаҳон мутахассислари қўлида мавжуд бадиий-тарихий манбаларнинг энг қадимги ёзма намунаси бўлган “Инаннанинг ёр танлаши” балладасидаги мубоҳаса руҳи, умумий мазмун кўлами, образлар, касб-корга доир жиҳатларнинг деталлаштириб тасвирланиши, бошлама ва якун бизни шундай хулосаларга олиб келади: а) башарият томонидан илк бор бадиий шаклга солинган асар одамларнинг романтик тасаввури, ҳиссий-хаёлий фантазияси маҳсули эмас, балки унда илоҳий китобларда келган, Ер ҳаётига доир воқеа – Одам ато ўғиллари Ҳобил ва Қобил ҳақидаги реал тарихий ўтмиш баён этилган; б) башариятнинг илк тирикчилик машғулоти, материалистлар айтганларидек ов эмас, деҳқончилик ва чорвачилик бўлган[6]; в) одамлар ерда турмуш бошлаган илк даврларидан эътиборан деҳқончилик, чорвачилик билан стихияли тарзда шуғулланмаганлар, балки етиштирган маҳсулотларидан ун, нон, турли шарбатлар, сут, қаймоқ, пишлоқ каби егулик ва ичимликлар, жун, мато, тери сингари маиший турмуш маҳсулотлари ва буюмларини тайёрлашни жуда яхши билганлар; г) уларни ўзаро айрибошлаб, ижтимоий, иқтисодий, маиший ва савдо муносабатларни йўлга қўйганлар; д) маиший-оила муносабатларини белгилаш ва ҳал этишда масаланинг ҳиссий-руҳоний жиҳатларига эмас, кўпроқ амалий-прогматик жиҳатларига эътибор қаратганлар, яъни ёрга бўлган ишқ-муҳаббатдан бурун эрнинг оилани эплаши, турмуш ўртоғини боқа олишини муҳим санаганлар; е) энг муҳими, саналган жараёнларнинг барчасини моҳирлик билан бадиий шаклга солганларки, айни бадиий ижод намунасига хос поэтик компонентларнинг барчаси уни илк идиллия деган тўхтамга келишимизга асос беради.

Қуръони каримда келишича, деҳқон (Қобил)нинг Оллоҳга атаган қурбонлиги қабул бўлмайди. Чунки у етиштирган маҳсулотларининг ўта сифатсизини қурбонлик қилган эди. Чўпон (Ҳобил) эса сурувидаги энг семиз ва чиройли қўчқорни қурбонлик келтиради. Оллоҳ унинг қурбонлигини қабул қилади: “(Эй Муҳаммад), уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳаққирост тиловат қилинг. Ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида (қурбонликлари) бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у “Қасамки, сени ўлдираман”, деганида, биродари айтди: “Оллоҳ фақат тақводорларнигина (қурбонликларини) қабул қилур” (Моида, 27-оят)[7]. Шундан сўнг Одам отонинг Иқлима (Рабғўзий) исмли гўзал қизи чўпонга никоҳлаб берилади. “Инаннанинг ёр танлаши”да эса бу икки эпизод йўқ. Қизга етиша олмаган деҳқон асар сўнгида тақдирга тан беради. Чўпон билан муросага келади, унинг тўйига ўз маҳсулотларидан тўёна беришини айтади.

Илоҳий китобларда батафсил ҳикоя қилинадиган Ҳобил ва Қобил воқеасининг Шумер вариантидаги фарқ, бизнингча, икки сабабга кўра юзага келган бўлиши мумкин: биринчи сабаб, “сополкитоб”нинг топилмаган ёки мутахассислар ўқий олмаган қисмларида тушиб қолган эпизодлар мавжуд бўлган; иккинчи сабаб, бу воқеа укасини ўлдириб, Одам ато оиласидан қувилган Қобил томонидан юмшатиб ҳакоя қилинган, унинг авлодлари томонидан тўлдириб айтиб юрилган, кейинроқ “китоб”га кўчган.

Кўринадики, манбалар асосидаги дастлабки хулосаларнинг ўзиёқ идиллиянинг “кичик образ”лар акс эттирилган “кичик шеърий асар” эмаслигини, унга башарият илк реал тарихига доир маиший-эпик воқелик асос бўлганини, ундаги образлар одамизотнинг бош бўғинига мансуб машҳур шахслар эканини исботлаш учун етарли бўлади.

Идиллиянинг кейинги тараққиёт босқичи халқ эпосларида юз кўрсатади. Эпос марказидаги асосий оилавий турмуш бўлган эпизодлар тасвири (эр-хотин, болачақа, фарзандсизлик, фарзанд сўраш, фарзанд кутиш, фарзанд кўриш, фарзанд тарбиялаш, уларни унаштириш, тўй, айрилиш, излаш, топиш, қайта бунёд этиш, хонадон, рўзғор, меҳнат, мол-ҳол, парранда, деҳқончилик, ейиш-ичиш, каби); эпос қаҳрамонлари аро муносабат ва қаҳрамонлар характерига хос индивидуаллик, айни пайтда, муайян оилага мансубликнинг устуворлиги; миллий бирлик, давлатчилик, халқни бошқариш тамойилларининг пировард-оқибатда оила ва оилавий қонуниятларга қурилганлиги; барча эпосларда муқаррар тарзда учрайдиган уруш эпизодининг ҳам оила қуриш, оиланинг бўлиниб кетиши, оилага хос қоидаларнинг бузилиши оқибатида содир бўлиши мазкур жанрнинг идиллиявий ибтидога эга эканидан далолат беради. Г.В.Ф.Гегел ўзининг “Эстетика” асарида: “Эпос умумий ҳаёт воқелигидан олиб ўз фонига мослаштирадиган ҳолатлар индивид учун хусусий воқелик шакли бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, уларнинг оилавий турмуш тарзи билан боғлиқ мустаҳкам алоқаси ҳам сақланиб қолади... Биз эпосда фақат объектив ҳаёт ва ҳаракатнинг субстанциональ умумийлигини эмас, айни пайтда, ҳаётнинг бундай ҳаракатида бир қарашда унутилгандек туйиладиган индивиднинг субъектив эркинлигини ҳам кўрамиз”, дейди8 . Бу фикрга қўшилиш мумкин. Негаки, қайд этилган барча жиҳатлар халқ эпосларининг “Билгамиш”, “Рамаяна”, “Махабхарата”, “Илиада”, “Одиссея” сингари архаик хоссаларини мукаммалроқ сақлаб қолган қадим ёзма намуналаридан бошлаб, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Дада Қўрқуд китоби”, “Манас” каби оғзаки анъаналарда давом этаётган намуналаригача, нисбатан кейинроқ ёзма усулда бунёд этилган “Энеида”, “Сид ҳақида қўшиқ”, “Ролланд ҳақида қўшиқ”, “Нибелунглар ҳақида қўшиқ” асарларида ҳам тўла маънода акс этган. Гегель Гомер “Илиада”си қаҳрамони Агамемнон атрофида тўпланган шоҳ, шаҳзода ва туманбошилар, биринчи навбатда, шоҳлар шоҳининг истаги ёки талаби билан эмас, ўз эрклари, шахсий хоҳишларига кўра урушга киришганларини айтади. Уларнинг ҳар бири ўз салтанати, яъни ўз оиласининг вакили сифатида миллий субстанцияни ташкил этганларини таъкидлайди. Чунки “Илиада” эпоси сюжетига кўра ҳам, худди “Рамаяна” ва “Махабхарата”даги каби, оила қоидалари бузилган. Оила бошлиғи шаъни хавф остида қолган. Барча ҳукмдорларни оилавий ахлоқ, маиший турмуш қоидалари хусусидаги муаммо бир жойга жамлаган. Шунингдек, Гегель Гомер асарларидаги от ва унинг анжомлари, алпнинг қуроли, кийим-кечаклари, ейиш-ичишига оид натурал тасвирларни, у юрадиган йўл, йўл бўйлаб жойлашган географик ҳудудлар, табиат тасвирини ҳам эпосдаги идиллиявийлик белгиси сифатида кўрсатади. Бундай жиҳатларни исталган миллат эпосларида, хоссатан, “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркумига оид миллий эпосларимизда ҳам керагича учратиш мумкинки, айни бадиий компонентлар эпоснинг идиллиявий асосга қурилганини узил-кесил исботлайди.

Бизнингча, адабиётшунослик луғатларида идиллиянинг ибтидоси ўлароқ саналган лирик жанрдаги асарлар айни ҳодисанинг адабий-тарихий жараёндаги учинчи босқичини ташкил этади. Феокритнинг инсон кундалик турмуш тарзи, табиат билан бирлиги, интим ҳолатлари ифодаланган идиллиялари марказида деҳқон, чўпон, балиқчи образлари туради. Уларнинг табиий, покиза ва соғлом турмуш тарзлари, фикр-ўйлари, одам ва оламга доир жайдари фалсафалари ижтимоий муносабатлар чигаллашадиган шаҳар ҳаётига зид қўйилади. Вергилий “Георгикалар”и ва “Буколикалар”инининг бош қаҳрамонлари — деҳқон

йигит билан деҳқон қиз, чўпон йигит билан чўпон қизни оқсуяк Рим кишиларидан устун деб ҳисоблайди.

Аммо одамизот қулайликка интилиб, цивилизациялашгани, шаҳарлашгани сайин идиллик турмуш қадрини унута борди. Идиллик фаолият, идиллик турмуш тарзи, идиллик жасорат ва идиллик тафаккурдан узоқлашди.

Михаил Бахтин романнинг "идиллик типи" ҳақида сўз юритар экан, қадимги даврлардан келаётган бу типларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини алоҳида таъкидлайди. Соф идиллик типлар сирасида муҳаббат, деҳқончилик, косиблик, оилавий идиллияларни қайд этади. Уларни бирлаштирадиган асосий жиҳат сифатида фольклорга хосликни кўрсатади. “Уларга хос баъзи умумий чизгилар фольклорча замон бутунлигини белгилайди. Бу, аввало, идиллиядаги замоннинг маконга нисбатан муносабатида акс этади. Ҳаёт ҳодисаларининг она диёрнинг барча пучмоқларига, қадрдон тоғлар, водийлар, кенг яйловлар, дарё ва ўрмонлар, уларнинг туғилган хонадонга нақадар узвий боғланганида кўринади. Идиллик ҳаёт ва унга доир воқелик ушбу боболар, оталар яшаган, болалар ва набиралар ҳам яшайдиган конкрет макон бурчакларидан айри ҳолатда мавжуд бўла олмайди”, деб ёзади бу ҳақда олим[10]. Идиллик романда хусусий макон бирлиги муҳим ҳисобланади. Ундаги воқеалар, сюжетлар ўзга макон воқелиги билан кесишмаслиги мумкин. Аммо аждодлар ва авлодларнинг доимий ўрин алмашиб турадиган чек-чегарасиз — бешикдан қабргача бўлган умр йўллари шу макон ичида кечади. Бундаги бадиий замонни қуёшнинг чиқиб-ботиши, ҳафта кунлари, ойнинг чиқиши, тўлин ой, фасллар ва йил алмашинуви, мучалларнинг айланиши, тўй, болаларнинг туғилиши, ўлим, деҳқончилик, чорвачилик, косиблик меҳнатига хос мавсум ўзгаришлари белгилайди. Романда тасвир этиладиган бундай идиллик ҳаёт йўлини М.Бахтин шундай таърифлайди: “Муҳаббат, туғилиш, ўлим, никоҳ, меҳнат, егулик ва ичкилик, умр фасллари — мана идиллик ҳаётнинг асосий реалиялари”[11].

Тўғри, бир қарашда идиллик ҳаётга хос бундай бирхиллик, кундалик икир-чикирлар ўта зерикарли туйилади. Аммо айни такрорланувчи, зерикарли бирхилликка мазмун бағишлайдиган шундай бир ҳаётий унсур борки, буни Гегель ҳам, Бахтин ҳам “сублимация” термини остида ифодалайдилар. Сублимациянинг идиллик асардаги содда изоҳи маиший турмушнинг одамийлик фалсафаси билан, уйланишнинг муҳаббат билан, туғилмоқ ва емоқ-ичмоқнинг яшамоқ билан, ўлимнинг авлодлар алмашинуви билан мазмун касб этишидир.

Идиллиявийликнинг башарий ҳаёт ибтидоси ва цивилизациялашган босқичлар билан муносабати парадоксал моҳиятга эга. Яъни башарият ўз ҳаётини қулайлаштириш учун ибтидоий, содда турмуш тарзидан воз кечади, аслиятидан – ота-боболари, туғилган макони, анъаналаридан узоқлашади. Аммо узоқлашган сари цивилизациялашган дунё ва “мен”и ичра аёвсиз зиддиятни ҳис этади, асл моҳиятини қўмсайди ва унга интилишдан тўхтамайди. Гегель идиллиявийликдан йироқлашган жамиятларни, айни жараёнлар кечаётган даврларни башариятнинг “фабрикалашуви” деб атайди. Олим айтган “фабрикалашув” жараёни, бадиий адабиётда цивилизацияга хос бирхиллаштирилган жамиятлар (типовой уйлар, умумий ишхона, умумий қизиқишлар, умумий овқатлар) ичида бир мурватча ўлароқ яшаётган “дайди”, “сойир”, “мусофир”, “шаҳарлик”, “толиб” фарзанднинг сублиматив хотиралари тарзида акс этади. Энди фарзанд ўз хотираларидан таскин излайди. Фабрикалашган жамият ҳаётини идиллик ҳаёт билан солиштириш натижасида қўмсаш, изтироб, тушкунлик ва танқидий нуқтаи назар майдонга келади.

XVII асрдан кейин пайдо бўлган англиялик Л.Стерннинг “Сентиментал сайё-

ҳат”, германиялик Гриммельсгаузеннинг “Соддалар соддаси”, И.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, франциялик Ж.Руссонинг “Юлия ёки янги Элиоза”, Т.Маннинг “Буденброклар”, япониялик Кавабата Ясунарининг “Тоғ ингроғи” романлари ва саналмаган қатор бадиий асарларда айни жараёнлар ўз ифодасини топган. Рус адабиётида А.Пушкин, М.Лермонтов, Л.Толстойлар ижодида, Ф.Достоевскийнинг “Телба”, “Жиноят ва жазо”, “Оға-ини Карамазовлар” романларида идиллиянинг “фабрикалашган жамият” ҳаётига доир палотнолаштирилган тасвирларини кузатиш мумкин.

Совет тузуми асл ўзлик, миллийлик, оилавий анъаналарни пролетариат бирлиги ғоясига қурбон қилди. Идиллиявийлик, шу тариқа, зимдан олиб борилган, аммо ўта тажовузкор таъқибга учради. Адабиёт қолиплаштирилди. Аммо, шунга қарамасдан, рус ва собиқ иттифоқ таркибидаги миллатлар адабиётига хос идиллиявийликка барҳам бера олмади. М.Шолоховнинг “Тинч оқар Дон”, “Дон ҳикоялари”, В.Распутиннинг “Омон бўлсанг унутма”, “Ёнғин” асарлари, В.Шукшиннинг қатор ҳикоялари, “Любавинлар” романида социалистик тузум ичидаги одамнинг идиллиявий қарашлари, асл инсоний табиати, драматизмга бой характери акс эттирилди. Идиллик одам мазмун-моҳияти “халқдан чиққан одам”, “кичкина одам”, “чудак” каби образларда ўз ифодасини топди. Грузин ёзувчиси Н.Думбадзенинг “Ҳелладос” ҳикоясида, Ч.Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ҳикояси, “Жамила”, “Оқ кема”, “Алвидо Гулсари” қиссалари, ""Қиёмат” ва “Асрга татигулик кун” романлари идиллик талқиннинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, “Асрга татигулик кун” романидаги Эдигей бўрон образи, унинг идиллик турмуш тарзи, соф идиллик тафаккури совет даврида майдонга келган идиллик образлар орасида алоҳида ажралиб туради.

“Қиёмат” романи ичида берилган “Олтовлон ва еттинчи” ҳикояти қаҳрамони чекист икки лагерга бўлиниб кетган миллат фожиасини ифодалайди. Советларга қарши курашаётган миллатдошлари орасига жосус ўлароқ суқилиб кирган, ишонч қозонган, улар билан бирга яшаб, бирга еб-ичиб, бирга қўшиқ айтган чекистнинг елкасини битта бурч – касб бурчи юки эзғилаб турар, у оқлар тўдасини ташкил этган олти биродарини отиб ташлаши лозим эди. Чекист бурч тақазосига кўра, олдига қўйилган махфий топшириқни бажаради. Ўз биродарларини отиб ташлайди. Аммо маълум вақт унинг юрагини эгаллаган, чекист бўлиш ва қизиллар топшириғини бажаришга олиб келган алдамчи бир туйғу — бурч туйғуси, миллий таомлар ейилиб, миллий ичимликлар ичилган, айниқса, миллий қўшиқ куйланган лаҳзада изсиз йўқолади. Қалби тубида чўкиб ётган асл ўзлик фалсафаси айнан қотиллик рўй берган сонияда бош кўтарадики, бу миллий тафаккурнинг советларнинг қаттол тузумига қарши исёни эди. Шундай идиллик фалсафа ва идиллик хулоса “еттинчи”нинг чекистлар фуражкаси изи қолган ўз пешонасига қарата ўқ узишга олиб келади. Аммо, моҳиятан, “еттинчи”ни тўппонча ўқи эмас, идиллик туйғу, ўзи шаклланган оила, асл ҳаётий ахлоқ, миллий ўзликка садоқат руҳи ҳалок этган эди.

Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти тарихида идиллик талқин анъаналари XX асрга қадар изчил давом этган. Улкан манбавий қамровга эга ушбу масалани ўрганишнинг ўзи алоҳида мавзу. Аммо бу анъананинг янги адабиётдаги давомийлиги у қадар изчил эмас. Масалан, жадид адабиёти вакиллари ижодида бу жиҳат 30-йиллар қатағонига қадар давом этган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қиссасида оила, хусусий турмуш тарзи, деҳқончилик, касб-ҳунар, аждодлар макони, “ташқари ҳовли”га хос ҳаёт фалсафаси, ота йўли, ота насиҳати, она ризолиги, “ичкари ҳовли”га доир рўзғор ташвишлари, можаролар, муҳаббат, тўй, туғилиш, ўлим, егу-

лик, ичикулик, “хонадон дастурхони”, тарзида акс этган бўлса, Чўлпон ва Ойбеклар ижодида баъзи унсурлари кўзга ташланади. Шундан сўнг, токи “оттепель” даврига қадар бундай талқиндаги насрий асарлар учрамайди. Шеъриятда Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Миртемирлар ижодининг халқона руҳи миллий идилликанинг баъзи қирраларини поэтик акс эттиради. Кейинроқ Э.Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” типидаги шеърларини танқидий руҳдаги идиллика намунаси сифатида эслаш мумкин.

А.Ориповнинг “Одамлар” шеъри эса халқона фалсафа билан туташувчи, замонавийлаштирилган миллий идилликанинг юксак намунасидирки, шеър матни ва унинг мухтасар таҳлили фикримиз далили бўлиб хизмат қилади:

— Эй йўловчи, бўла қол қўноқ,
Уйда борин кўрармиз баҳам.
Тағин ўзинг биласан, бироқ,
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.
Йўлчи қолар овулда, мезбон
Келтиради топган-тутганни.
Отамлашар сўнгра икковлон
Ёдга олиб ўтган-кетганни.
Ҳорғин йўлчи мудрар ичиб чой,
Чўзилади мезбон ҳам аста.
Тонгда йўлчи товуш қилар: — Ҳой,
Мен кетдим. — Қол! — Раҳмат,
Шу басда!
Ажралишар, улар ҳаттоки
Исмларин сўрашмаслар ҳам.
Улар қайта учрашар балки,
Балки қайта учрашмаслар ҳам...[12]

Мазкур шеърда маиший ҳаётга оид кичик лавҳа акс этган. Овлоқ қишлоқ хонадонларидан бири. Кўча бўйлаб номаълум бир йўловчи ўтиб кетяпти. Ногоҳоний йўловчига кўзи тушган уй эгаси уни бир кеча қўноқ бўлишга чорлайди. Бу шунчаки ҳавасдан айтилган гап эмас, теран идиллик тажриба, ота-боболар удумига кўра қилинган мурожаат эди. Зотан, осмон қорайиб келмоқда, йўл эса узоқ... Буни яхши билган йўловчи ҳам ортиқча мулозамат кутмай, қолади. Мезбон эса ўз қўноғини борича сийлайди. Саҳарлаб меҳмон уй эгасига раҳмат айтиб, йўлида давом этади. Шеърнинг умумий мазмуни шу. Шеърда яқин ўтмишимизда ҳам учраб турадиган бир типик воқеа ҳикоя қилинган, холос. Аммо шеърдаги идиллиявийлик ҳикоя қилинган воқеада эмас, шу воқеа замирига сингиб кетган миллий турмуш тарзи ёки миллий фалсафада.

Бинобарин, ҳар қандай идиллик талқин ҳам воқеа кечадиган макон, ундаги идилликка оид деталларда намоён бўлмайди. Булар идиллик муҳитни ташкил этувчи, истисно қилиб бўлмайдиган, воситадан бошқа нарса эмас. Аммо бу воситалар марказига индивидуал, оилавий, миллий, Одам атога хос умумбашарий фалсафа, хулоса қўйилмас экан, бундай асарнинг идиллик талқинга мутлоқ дахли бўлмайдики, бундай “дахл”сизлик “анъана”си кейинги даврлар ўзбек адабиёти, театри ва кино санъатида миллий ўлароқ тақдим этилаётган “асарлар”да яққол сезилади. Замон миллий, макон миллий, ундаги барча интерьер ва бадиий декорациялар миллий. Аммо уларда асарга жон ва руҳ бағишлайдиган сўз ҳаракати етишмайди. А.Орипов шеърида эса айнан мана шу вазифани охирги тўрт сатр бажаради. Шу нуқтаи назардан, шеърнинг умумий идиллик руҳи ўқувчини, тафаккур даражаси, миллий қиёфасига қараб “Меҳмон — атойи Худо”, “Яхшилик қил — дарёга сол, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар”,

“Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан” каби халқ ҳикматларига олиб боради. Бошқа томондан мусофирга киройи ҳурмат кўрсатган Пайғамбарлар турмуш тарзи, комил ахлоқини ёдга солади.

“Оттепель” давридан кейин рус замонавий насри, қисман Европа романчилиги таъсирида ўзбек адабиётида ҳам идиллиявий талқинга қурилган роман, қисса, ҳикоялар пайдо бўлди. Хусусан, Асқад Мухторнинг “Чинор” романи, Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, Ўлмас Умарбековнинг “Севгим, севгилим”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссалари, Ш.Холмирзаевнинг “Одам” ҳикояларида воқеликни идиллик талқин этиш тамойиллари кузатилади.

Айниқса, 80-йиллар насрида кўзга ташланадиган урбанизациядан хавфланиш, ўзликдан йироқлашувдан чекилмиш изтироб ва пушаймон, оила, қадрдон ҳовли, ота ватан, аждодларни қўмсаш, ота-она олдидаги қарздорлик ҳисси, қондошлик бурчи сингари мотивлар, қишлоқ йўли, таниш дарахт, тоғ, тепалик, дарё, анҳор, ариқ деталлари миллий адабиётимизнинг ўзлик томон қадам боса бошлаганини кўрсатади. Бизнингча, бундай эврилишлар асосида миллий туйғуларнинг уйғониши, қисман “оттепель” резонанси, айни пайтда, жаҳон насри анъаналарини англаш ётади.

Шу типдаги асарларнинг ёрқин намуналари сифатида М.М.Дўстнинг, “Галатепага қайтиш”, Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, Т.Муроднинг “Она ер қўшиғи” асарларини кўрсатиш мумкин.

М.М.Дўстнинг “Галатепага қайтиш” асарида муаллиф тилидан қисса қилинган ўн беш эпизоднинг ҳаммаси асар марказий қаҳрамони Тошпўлат Ғайбаров атрофида айланади. Бу жиҳат асар жанрининг қисса эканига шубҳа уйғотмайди. Айни пайтда, сюжет, фабула ва композицион тизим кўламдорлиги асарни роман жанрига яқинлаштиради. Қиссада акс этган романга хос тафаккур тарзи айнан биз ўрганаётган идиллиявий кўламда намоён бўладики, асарнинг мазкур тадқиқот учун муҳимлиги ҳам шунда. Асарнинг ўлим ва дафн манзараси тасвири билан бошланиши, илк эпизоддаёқ, уни идиллиявий талқинга хослайди. Ундан кейинги асоциатив эпизодларнинг аксарияти ҳам идиллиявий асосга қурилган. Фақат Соқол билан боғлиқ эпизодни айтмаганда, бошқа идиллиявий эпизодларда ирония йўқ. Аксинча, ота-боболардан қолган улуғвор, вазмин мушоҳада руҳи, кичик-кичик лавҳалар тасвири асардаги идиллик руҳини уйғун мувозанатда ушлаб туради. Идиллик баён ва тасвир сатҳида Тошпўлат Ғайбаров ва унинг “фабрикалашган жамоаси” энг қуйи сатҳни эгаллайди. Муаллиф кўнглида бош кўтарган идиллик тафаккур ва мушоҳада тарзи уни ўз жамоаси, айни пайтда, ўзига нисбатан ҳам юқоридан туриб нигоҳ ташлашга олиб келади. Ҳатто ота ва каттаоталар мезонида ўлчанган қишлоқ кишилари, туғилган хонадон вакиллари қиёфаси ҳам бундай мезон олдида кичрайиб, ночор тус олади. Фақат ота билан боғлиқ мўъжаз лавҳаларда бадиий баён вазминлиги, салмоқдорлик бўртиб кўринади. Амма билан бола Ғайбаров ўртасида кечган диалог, Райим оқсоқолнинг мулла Чори билан суҳбатлари, айниқса, асар сўнгидаги Ғайбаров-Мурод амаки ўртасида кечган суҳбат асардаги туғилиш, ўлим ва боқийлик хусусидаги юксак идиллиявий фалсафани намоён этади. Қишлоқнинг Галатепа деб номланиши шунчаки тасодиф эмас. У табиий равишда туғилиш, ҳаёт ва ўлим фалсафаси билан боғланади. Айни пайтда, “фабрикалашган” жамиятдан чарчаган қаҳрамон (муаллиф)нинг руҳий узлати, танатологик кайфиятини ҳам ифодалайди: “Ёлғизоёқ йўлнинг четларида — пасту баланд, лекин усти бирдай ясси тепачалар. Улар гўдак Ғайбаровга ғалатироқ бўлиб кўринди... Амма тепачаларни гўр деб атамади, шунчаки, тепача деб ту-

шунтирди, кейин яна бир гапни қўшиб қўйди: “Буларни одамлар ясаган, тагидаям одамлари бор”[13]. Бола Файбаров бундай тушунтиришдан ҳайратланади.

Қизиғи шундаки, қиссадаги теран идиллиявий фалсафа бошқа бирор образ эмас, қишлоқ девонаси Мурод амаки тилидан айтилади: “Файбаров унинг ортидан эргашди. Ниҳоят, Мурод амакига етиб, енгидан ушлаб тўхтатди. Мурод амаки илкис ўгирилди, кўзларида қўрқув кўринди.

— Сизни яхши кўраман, амаки, — деди Файбаров.

— Раис яхши, — деди Мурод амаки. — У ўлмаган.

— Йўқ, амаки...-деб хомуш бош чайқади Файбаров.

— Раис ўлмаган... Сен унинг ўғлисан-ку!

Файбаров ҳайратланди: Мурод амаки соппа-соғдай тийрак, осуда боқиб турарди...” (таъкид бизники — У.Ж.)[14] Аммо бола Файбаров ҳайрати билан “саодатманд Тошпўлат Файбаров” аро фарқнинг ер билан осмонча эканини ўқувчи бир қарашдаёқ англайди.

Улғайиб олим бўлган, “фабрикалашган жамият”нинг бир бўлагига айланаёзган, айни дамда отасидан ажралган Тошпўлат Файбаров хотирасида бундай лавҳаларнинг тикланишида бирйўла учта идиллик хулоса аён бўлади: ўткинчи дунё, йўқотилган ўзлик, ўлимни қўмсаш. Асар сюжети бир томондан А.Камюнинг “Бегона”сини эслатади: ўлим, шаҳарлик ўғилнинг жанозага келиши, дафн ва ундан кейинги ҳолатлар... Аммо бу ўринда битта нозик фарқ бор. Шундай ҳам экзистенциал кайфиятда яшаб келаётган Камю қаҳрамони она ўлимидан кейин идиллик ҳаётдан тамомила узилади. М.М.Дўст қаҳрамонини эса ота ўлими чинакам ҳаётга, идиллик тафаккурга, асл ўзликка қайтаради. Ўқувчини эса оила муқаддаслиги, авлодлар давомийлиги, энг муҳими, одамийлик фалсафасига чорлайди.

Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асарида “шаҳарлик ўғил” ўзининг болалик ва ёшлик йилларини соғиниб яшайди. Соғинч аланга олган сари аслиятидан узоқлашаётганини ҳис этади, ҳис этгани сари соғинч оловида ёнади. Т.Муроднинг “Момо ер қўшиғи” қиссаси қаҳрамони эса ҳали бу даражага чиққан эмас. У момо ер қўшиғини тинглашга ожиз. Ўз ҳолатидан ғофил.

Мазкур уч асар қаҳрамони ва идиллик дунё муносабатида уч хил позиция кўзга ташланади: “Галатепага қайтиш” асари қаҳрамони идиллик оламни ичкаридан кўради, ботинан ҳис этади. “Анойининг жайдари олмаси”да идиллик оламга параллел равишда “шаҳарлик ўғил” позицияси ҳам мавжуд. У аксар вазиятларда “фабрикалашган дунё ҳақиқати”ни тўғри деб ҳисоблайди. Идиллик ҳақиқатларга эса ҳар доим ҳам қўшилавермайди. Кетганидан кейин мавҳум пушаймонлик ҳиссини туйган бўлса ҳам, “қишлоқи” Рамазондан қутулганидан енгил тортади. Паҳлавон Даҳо идиллик дунёдан анчайин четда. Қишлоқ ҳаётини тарк этган кунидан эътиборан унга ирганиб қарайди. Бобо-ю момолари, ота-онаси эъзозлаган қадриятлар унинг учун турмушнинг “примитив” бир кўриниши, холос. Шу боис асар бошдан охир аччиқ ирониянга қурилган. Қисса сўнгида Паҳлавон Даҳо ниманидир илғагандек бўлади. Аммо эндиликда Даҳонинг оёғи ердан узилган эдики, буни ҳеч иккиланмай фожиавий якун дейиш мумкин.

Шу ва шу каби ўзбек роман, қисса ва ҳикояларида идиллиявий насрга хос “мусофир ўғил”, “қишлоқдан чиққан зиёли”, “эл одами”, “халқдан чиққан одам”, оила, фарзанд, ўлим муаммолари ўз аксини топган.

Аслиятдан йироқлашиш жаҳон цивилизацияси билан параллел кечаётган ҳодиса. XXI асрга келиб бу муаммо глобал миқёс касб этди.

Хулоса:

1. Идиллик талқин инсоният илк бадиий тафаккури учун асос вазифасини ўтаган бўлиб, унинг илдизлари илоҳий китобларда баён этилган илк тарих, башариятнинг ибтидо паллаларида бўлиб ўтган реал воқеаларга бориб боғланади.

2. Бадиий адабиётдаги идиллиявийлик дастлаб воқеабанд шеър (идиллик баллада), сўнг халқ қаҳрамонлик эпоси, халқона услубдаги қадимий ёзма лирика, роман тафаккуридан иборат тўрт муҳим босқичдан ташкил топган. Давр нуқтаи назаридан улкан кўламга эга.

3. Бадиий адабиёт айнан идиллиявий талқин воситасида оила, табиат, инсонлараро муносабатларнинг асл илдизларига томон интилади.

4. Идиллиявий асар марказида асл ўзлиги, миллийлиги, соф табиатни излаётган, аждодлар анъанасини сақлаш йўлида изтироб чекаётган одампарвар образи туради.

5. Соф идиллиявий талқинни намоён этувчи оила, ота-она, туғишганлар, муҳаббат, туғилиш, ўлим, меҳнат, ейиш-ичишга оид тасвирлар, шулар негизида келадиган қишлоқ, шаҳар, уй, тоғ, дала, яйлов, денгиз, дарё, анҳор, ариқ сингари бадиий маконлар фақатгина идиллиявий тафаккур, идиллиявий фалсафа, идиллиявий хулоса билангина эстетик мазмун-моҳият касб этади.

6. Миллий адабиётларда идиллик асарларнинг мавжудлиги айни миллат вакилларининг аслиятдан йироқлашмаганидан далолат беради.

7. Идиллик роман эса, миллат ўтмиши, бугуни ва келажагини комплекс қамраб олиши нуқтаи назаридан ўта долзарбдир.

8. Умуман, дунёда битта бўлса ҳам оиласи томон интилаётган одам мавжуд экан, адабиёт идиллик талқиндан, унинг марказида турувчи идиллик одам образидан холи бўлмайди. Зотан идиллиявийлик, юқорида асослашга уринганимиздек, умумбашарий муаммодир.

---

[1] Қаранг: Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.

[2] Гарчи, С.Н.Крамер айни асар жанрини “поэма” деб кўрсатган бўлса ҳам, бу ўринда шартли “идиллик баллада” истилоҳини қўллаяпмиз. Асос шуки, ушбу манбада деҳқон ва чўпон турмушига оид кичик бир воқеа шеърий йўлда ҳикоя қилинади. Асар ўз поэтик мазмун қамрови, ифода услуби, композицияси, бадиий пафоси нуқтаи назаридан поэмага тўғри келмайди (У.Ж.).

[3] Крамер С.Н. История начинается в Шумере. – М.: Наука, 1991. – С. 114-115.

[4] Крамер С.Н. Кўрсатилган асари. – С. 146-149.

[5] Шу асар. – С. 149.

[6] Бу далил қатор Шарқ ёзма манбаларида, хусусан, Алишер Навоийга нисбат бериладиган “Пайкон рисоласи”да ҳам учрайди (У.Ж.).

[7] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 94.

[8] Г.В.Ф.Гегель. Эстетика. Том третий. – М.: Искусство, 1971. – С. 333-434.

[9] Г.В.Ф.Гегель. Эстетика. Том третий. – М.: Искусство, 1971. – С. 474-475.

[10] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 218-219.

[11] Шу асар. – Б. 219.

[12] Орипов А. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 187.

[13] Муҳаммад Дўст М. Галатепага қайтиш. – Т.: F.Ғулом номидаги АСН., 1983. – Б. 15.

[14] Шу асар. – Б. 237.

Тоғ одамлар

Нигора ТУРДИҚУЛОВА,
ўқитувчи.

Ҳамроҳларим билан ҳайбати юракка ғулғула солгувчи баланд тоғнинг ёлғизоёқ йўлидан ўтар эканмиз, гулхан изларига кўзимиз тушди. Бу ерда аёзнинг совуқларидан кимдир жон сақлаган бўлса керак. Бунда гуркираган олов учқунлари дарёнинг нариги чеккасидаги қишлоқ одамларига ҳам кўрингандир. Нима бўлганда ҳам бу чўққидаги кул уюми одам тафтини эслатиб турибди...

Эҳ-ҳе, бу тоғ умри давомида қанча-қанча йўловчиларга макон бўлгандир-а? Балки у энг тоза қалб эгаларини ҳам, виждони лойқаланганларни ҳам жимгина кузатгандир. Балки аслида коинотдаги энг кичик қум заррасидан ҳам майда мавжудот эканини унутганларни кўрганида ачинган-у, юрагида эзгу ҳислар мавж урувчи олийжаноб инсонларга ҳавас билан боққандир.

Ҳайтовур, бу тоғнинг дардини ҳеч ким билмайди. У ҳам суйганидан айрилган ошиқ каби изтироб чекармикин? Ёки ҳар тонг қуёш кўз очаётганини кузатиб шодланармикин?

Унинг дарди кўз ёш-у, ҳайқириқлардан каттароқ, шодлиги эса фарзанд кулгусидан ҳам баландроқ бўлса керак. Шу боис у изтиробни ҳис қилмайдиганлар олдида доимо мағрур, доимо сукутда. Балки тоғ шундай улуғвор бўлгани учун ҳам одамлар унга ҳавас қилишар.

Ҳаётнинг ёлғизоёқ йўлларида азобга дуч келганида чидаб, шодлик дамларида ҳаволанмай масрур яшаган инсонларни кўрганимда ўша баланд тоғлар ёдимга тушаверади...

«ДОНИШМАД СИЗИФ» – ФАЛСАФИЙ ЭССЕ

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди.



Х. Дўстмуҳаммаднинг янги романи “Донишманд Сизиф”да ҳам неомифологизм унсурлари бўртиб кўринади. Мазкур роман илк бор “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. Сўнгра, китоб шаклида ҳам нашр қилинди[1]. Бу китобга ёзувчининг иккита романи “Бозор” ҳамда “Донишманд Сизиф” киритилган.

“Донишманд Сизиф” романи ҳам олимлар ва ёш тадқиқотчилар ўртасида анчагина шов-шувли баҳсларга сабаб бўлди. Хусусан, бу сирада Й.Солижонов, Н.Афоқова, О.Эшниёзова ҳамда “Адабий жараён” телекўрсатувининг (2019 йил, август ойида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи таҳлилига бағишланган сони) махсус сонида бўлиб ўтган баҳслар ва таҳлиллар фикримизни тасдиқлайди. Буни қарангки, олимларимизнинг “Донишманд Сизиф” романи ҳақидаги фикрлари ҳам бир-бирига қарама-қарши. Дейлик, Й.Солижонов, О.Эшниязовалар романга тамомила ижобий баҳо беради. Н.Афоқова эса Сизиф метафораси моҳиятдан узоқлашиб, нотўғри талқин этилганликда ёзувчини айблайди. Олима шундай ёзади: “Википедия энциклопедиясида ёзилишича, даврлар ўтиши билан “Сизиф образи одамларда ҳамдардлик, ачиниш туйғуларини уйғотадиган бўлди... Унинг гуноҳлари унутилди, юнон аристократияси таомилида эса Сизифни ўзининг афсонавий аждодлардан билиш

шон-шараф саналадиган бўлиб қолди. Оғир жазо энди гуноҳга яраша ажр эмас, худоларнинг ўч ва қасоскорлиги рамзига айланиб олишди". Ким билсин, нафси амора ҳукмига тобе ўша зодагонлар оғир гуноҳларини эл кўзида оқлаш учун шаккок Сизифдан қаҳрамон ясаб олишгандир? Агар бу фараз тўғри бўлса, севимли ёзувчимиз ҳам тимсолни тўғри англамаган бўлиб чиқади. Начора..."[2]. Олиманинг фикрларида жон бордек, назаримизда. Аммо "Донишманд Сизиф" романини таҳлил этмасдан туриб, бу фикрга қўшилиш ҳам қийин. Олдин янги романни таҳлил қилайликчи? Қандай хулоса келиб чиқади?

Аввало, ёзувчи бизга "роман" деб тақдим этаётган асар ҳақиқатан ҳам "роман" жанри талабларига жавоб берадими? Бизнингча, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Донишманд Сизиф" асари роман эмас, фалсафий эсседир. Асарни икки қайта ўқиб чиқдик. Роман деб тавсия этилаётган мазкур асарда на романий тафаккур бор, на-да романий қаҳрамон, на-да романий воқелик бор. Ёзувчи "роман" жанрининг адабий канонларини тамомила бузяпти. Аммо фалсафий эссе дейилса, бу асар тамомила ўзини оқлайди.

Қадим юнон афсонаси қаҳрамони Сизиф ҳақида жаҳон адабиётининг машҳур адиблари Ҳомер, Овидийдан тортиб, Камюгача ёзишди. Масалан, Альбер Камюнинг "Сизиф ҳақида афсона" эссеси абсурд фалсафасининг назариясини ўзида ифодалаган. Бу ҳақда яна олима Н.Афоқованинг фикрларига суянамиз: "Фаранг мутафаккири диққатини тортган воқелик – ижтимоий фаолият намояндаларининг турли-туман идораю маҳкамаларида одамлар сариқ чақалик фойдаси бўлмаган юмушлар билан бандлиги. Унингча, шу юмушбозлик – абсурд, уни англаш эса фожиадир. У боши-кети йўқ шу бенаф машғулликни мажозан мақсаддан маҳрум этилган "Сизиф меҳнати"га муқобил қўяди.

Альбер Камюнинг кўпчиликни мафтун айлаган кашфиёти – тош думалаб пастга тушган муддатда Сизиф хаёлидан кечган ўйлар. Қаҳрамоннинг маҳкум бўлса-да, ўзини озод ҳис этиши. Тафаккур қилиши, абадий жазо ичидан мазмун топиши! Сизифнинг Камю кашф этган исёни, ирода кучи, эркинлиги мана шу!"[3].

Табиийки, Сизиф нима учун жазоланди? — деган саволга қадим юнон афсоналари жавоб беради. Бу ҳақда Н.А.Куннинг "Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари" китобида шундай ёзилади: "Сизиф барча шамоллар султони тангри Эолнинг ўғли бўлиб, у қадим замонларда Эфира деб аталган Коринф шаҳрини қурган.

Бутун Юнонистонда биронта ҳам одам маккорлик, айёрлик ва зийраклиқда Сизифга тенг кела олмасди. У мана шу айёрлиги туфайли Коринфда бемисл бойлик тўплайди; унинг беназир хазинаси ҳақидаги овоза узоқ-узоқларга кетади.

Мана, вақт-соати етиб, унинг қошига ўлим худоси бадқовоқ Танат келади: у Сизифни Аидни ғамгин салтанатига олиб кетиши керак. Лекин Сизиф ўлим худоси яқинлашиб келаётганини сал олдинроқ сезиб қолади ва Танатни ғаддорлик билан лақиллатиб, кишанбанд қилади. Шундан бошлаб ер юзида одамлар ўлмай қўяди. Энди ҳеч ерда дабдабали мотам маросимлари қилинмайди, жанозалар ўқилмайди, ер ости салтанати худоларига атаб ҳеч ким қурбонлик, эҳсон қилмай қўяди. Ер юзида Зевс жорий қилган тартиблар бузилади. Шунда чақмоқдор Зевс Сизифнинг олдига уруш худоси Аресни юборади. Арес Танатни кишандан озод қилади, Танат эса Сизифнинг жонини олиб, уни руҳлар салтанатига олиб бориб қўяди.

Лекин Сизиф бу сафар ҳам худоларни алдайди. У хотинига: "Ўлганимда жасадимни дафн ҳам этма, ер

ости худоларига бағишлаб хайр-худойи ҳам қилма”, — деб тайинлаган эди. Хотин эрининг айтганини қилади. Аид билан унинг хотини Персефона Сизифнинг дафнидан сўнг қилинадиган қурбонликни узоқ вақт кутадилар. Лекин ундан ҳамон дарак йўқ! Ниҳоят, Аиднинг тахти пойига Сизиф келиб шундай дейди:

— О, марҳумлар руҳининг султони, иқтидорда Зевсмонанд бузург Аид,- ёруғ дунёга бориб келишимга ижозат бер. Бораману сенга атаб беназир қурбонликлар қилишни хотинимга тайинлаб айтиб, яна дарров бу руҳлар салатанатига қайтаман.

Сизифнинг гуноҳи халқ орасида тарқалган турли хил юнон афсоналарида ҳар хил изоҳланади. Дейлик, Хуршид Дўстмуҳаммад фойдаланган афсонада Сизиф Зевснинг ёмон ишига гувоҳ бўлиб қолади. Яъни Зевс Крона ва Реянинг фарзанди Асопнинг қизи Эгинани ўғирлайди. Зевс Эгинани ҳарамига яшириб қўяди. Бунга Сизиф гувоҳ бўлиб қолади. Шунинг учун Зевс уни жазога маҳкум этади. Нима бўлганда ҳам, замонавий адабиёт вакиллари дейлик, француз ёзувчиси Альбер Камю Сизифнинг жазоланиши ва маҳкум одам қиёфасини XX аср одами ҳаётига метафора сифатида фалсафий эссесида теран бадиий ифодалайди. Умуман олганда, Камю юнон мифологик қаҳрамонлари Сизиф, Прометей, Калигула образларига мурожаат қилиб, гўзал бадиий эсселар ва бир драма ёзди. Калигула юнон афсоналарида талқин қилинишича, хотираси лаънатланган одам. Камю “Калигула” драмасида шу афсона асосида императорнинг (Император — бу Калигула — изоҳ бизники. — М.Қ.) кунлардан бир куни йўқолиб қолиши, қайтиб келгач эса, ўз озодлиги ва инсон эрки ҳақида исёнкорона фикрлаши ҳақида ноанъанавий бир саҳна асари яратади. Умуман, юнон мифологик қаҳрамонлари табиатидаги “исёнкорлик” А.Камюни ўзига жалб этган бўлса керак. Ёки уларнинг пешонасига битилган “лаънатланганлик”, “маҳкумлик”, “гуноҳкорлик”, “қарғиш олганлик” ёзувчини оҳангрободек ўзига тортган. Табиийки, Камюни изтиробга солган фалсафий ўй-мушоҳадалар Хуршид Дўстмуҳаммадни ҳам қуюшқондан чиқарди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” фалсафий эссесида яратилган неомифологик Сизиф образини баъзи бир адабиётшуносларимиз “Ўзбекона Сизиф” деб алқашди. Асарни икки қайта ўқиб чиқиб ҳам камина Сизифни ҳеч тўн ва дўппи кийган Ўзбек қиёфасида тасаввур қила олмадим. Чунки, Сизиф антик юнон афсонаси қаҳрамони сифатида лунги тақиб олиб, катта харсангтошни думалатиб, ёки елкасига ортмоқлаган ҳолда каминанинг тасаввурига қаттиқ ўрнашиб қолган. Сизиф қандай қилиб, ўзбек бўла олиши мумкин. Тўғри, уни айнан миллий қаҳрамонга айлантиришни ёзувчи бадиий мақсад қилмаган. Аммо тан олиш керак, истеъдодли адиб юнон афсонасини ўз ижодий лабораториясида шу қадар зийнатлайдики, натижада неомифологик образ Сизиф қайтадан ҳозирги ўзбек насрида тимсолли рамзий образга айланади. Сизиф ҳақидаги юнон афсоналарида унинг ақлли, айёр, фирибгар, шаккок, қайсар, исёнкор, тадбиркор каби ўнлаб қиёфалари очилади. Назаримизда, Хуршид Дўстмуҳаммад ўзи яратган Сизиф характерига ақл ва донишмандликни асосий одамийлик сифатида юклайди. Харсангтошни чўққига олиб чиқишдек машаққатли меҳнат қаршисида эзилиб кетган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Сизифи худди ўзбек эркаклариdek, тошни бўралаб сўкади, унинг лексикасида нечта сўкиш бўлса, барчасини қалаштиради. Аммо бу сўкишлар аста-секин эркалашларга айланади. Энди, у тошни силаб-сийпалаб, худди ўз ёрини, ёки эгасига суйкаланган мушукдек, кучук-

дек харсангтошни қучоқлайди. Хуллас, ақл ва донолик билан Сизиф тошнинг қалбига йўл топади. Демак, Хуршид Дўстмуҳаммад яратган Сизиф тимсолида биз ақлли ва донишманд одам қиёфасини кўрамиз. Бугунги фикрлар курашига айланаётган Глобал дунёда Инсон фақат ақл ва тадбиркорлик билан яшаб қолиши, ўз мақсадига эриша олиши мумкин деган бадиий-фалсафий ғоя бу эссенинг моҳиятини ташкил қилади.

Хуршид Дўстмуҳаммад юқорида баён этилган афсона мотивини ўзбек халқ эртаги “Ёрилтош” мотивлари ҳамда “Қуръони карим” сураларида баён этилган оятлар (масалан, “Ҳуд” сурасида учрайдиган “сижжил” ҳақида) билан синтез қилишга уринади. Асар бошдан-оёқ Сизифнинг ички монологи асосига қурилган. “Донишманд Сизиф” фалсафий эссесида ягона қаҳрамон Сизиф тошни чўққига олиб чиқиш иши билан машғул бўлади. Ёзувчи қаҳрамон машаққатларини беришда унинг ички руҳий драмасини маҳорат билан чизади. Айниқса, қаҳрамон нутқи ниҳоятда қофияли, насрий сажъ асосига қурилган. Жумлалар шеърий мисралардек ўқилади. Масалан: “Сизиф ортиқча ўйлаб ўтирмади, нима қиларини билмай боши қотган одам сингари чаккасини қашлаб ҳам турмади, балки иккала кафтини бараварига харсангтошнинг тагига суқди, этимушаклари пўлатга айланиб кетган кўкси ва елкаси аралаш тошга қапишди, оёқларини ерга тираганча — ҳа-а юмалоқ, ҳа-а думалоқ, ҳа-а бақалоқ деганча жон-жаҳди билан харсангни жойидан силжитди”[4]. Парчада “юмалоқ-думалоқ-бақалоқ” сўзлари насрий сажъни ташкил қилган. Нима учун XXI асрда яшаб ҳам, Хуршид Дўстмуҳаммад яна қайта бу образга мурожаат этди? – деган савол яна олдимизда кўндаланг туради. Бизнингча, Камю XX аср бошида Сизиф образига мурожаат қилиб, ўзининг абсурд назариясини Сизиф ҳаёти ва қисмати тимсолида метафоралаштирган бўлса, худди шу эҳтиёж туфайли Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам бу образга мурожаат этишга ўзида эҳтиёж ҳис қилади. Ёзувчи билибми-билмайми, Абсурд адабиёт ғоясини ўзбек миллий адабиётида қайтадан бадиийлаштирилган шаклда яратди. Адиб роман жанрида эмас, фалсафий эссе жанрида Сизиф образини бугунги XXI аср кишиси ҳаёти ва қисматига уйқаш тарзда тимсолли образ яратишга муваффақ бўлади.

Хуршид Дўстмуҳаммад қалами билан яралган янги Сизиф неомифологемаси ундан олдин яратилган Сизифлардан фарқли равишда меҳнат машаққатларига катта куч-ирода, меҳнат сарф этиб, ўз гуноҳларидан ва маҳкумликдан фориғ бўлади. Назаримизда, айнан шу янгилик Хуршид Дўстмуҳаммаднинг неомифологик Сизиф образини янгилаган, деб айтишга асос беради.

Асарда Сизифга қисматдош яна бир образ бор. Бу Асопдир. Асоп ҳам юнон мифологик қаҳрамони. Асарда Асоп чол қайиқда энгашган ҳолда Сизифнинг кўзига бир неча бор кўринади. Гоҳ қора қайиқ, гоҳ қайиқ ўрнига қора тобут шаклида кўринади. Ёзувчи Асоп образини яратиш орқали Сизифга қисматдош иккинчи бир маҳкум одам образини асарга илова қилади. Назаримизда, метафораларни қалаштириб ташлашда Хуршид Дўстмуҳаммад баъзан мавҳумликка йўл қўяди. Масалан, Сизифнинг кўзига кўринаётган асардаги қора тобут бадиий мантиқсизликдек кўринади. Балки, қора тобут — ўлим рамзидир. Сизиф — иродали, меҳнаткаш, маҳкум, гуноҳкор банда тимсоли. Асоп ҳам худди шу рамзий ифодаларни ўзида мужассамлаштиради. Харсангтош — жазо, қисмат, шахсий ғам-ташвиш рамзларига ишора беради. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Сизифи харсангтошнинг қалбига йўл топади. Харсангтош билан гаплашади, Сизиф қариб, қўлла-

ри, оёқлари тошдек-тарашадек бўлиб кетади. Тош эса емирилиб-емирилиб адо бўлади. Бундай рамзий тасвир орқали муаллиф Инсон ҳаётнинг машаққатларига чидади, аммо тош чидамади, деган ҳаётий бадиий фалсафани урғулаб кўрсатади. Ёзувчи бундай тасвир орқали XXI аср кишиси учун ҳаётнинг янада мураккаблашиб кетганига рамзий ишора қилади. Энди бугунги кун кишиси учун "Янги Ирода керак" деган бадиий фалсафа билан асар якунланади. Сизиф Хуршид Дўстмуҳаммад талқинида ҳам Камю талқинидаги каби "Абсурд қаҳрамон" вазифасини бажаради. Бинобарин, асардаги қуйидаги парчага диққат қаратамиз: "Бу дамларда у ўзини курраи заминнинг энг эркин ва озод бандаси деб билар, чунки унинг оёқларига урилган кишаннинг узунлиги ернинг исталган чеккасига довур боришига монелик кўрсатмас, бироқ шу билан бир вақтда ер сатҳидан бир қадам нарига одим босишига йўл қўймас, чунки кишан занжирининг узунлиги ҳисоби эди. Айни чоқда у ўзини бепоён осмоннинг энг эркин ва ҳур бандаси деб ҳисоблар, чунки унинг бўйнига урилган само кишани осмонларнинг исталган сарҳадларига бир бахя бўлсин, нари кетишига изн бермасди. Шундай бир ҳолатда у заминга тушиш истагида бетоқатлангандай бўлса, само кишани бўғзидан тортар, само сари интилган тақдирда эса — замин кишанлари ортиқча бирор қадам ташлашига йўл қўймас, яъни унинг эркинлиги ва озодлиги мана шу икки кишан узунлиги орасида эди..."[5].

Демак, Хуршид Дўстмуҳаммад Сизиф тимсолли неомифологик образида инсоннинг ҳам руҳоний жиҳатдан, ҳам ижтимоий жиҳатдан маҳкум, гуноҳкор, масъулиятли қилиб яратилганига рамзий метафорик ишоралар беради. Энг жиддий гап эса, Ижтимоийлашган-Глобаллашган бугунги кунда Инсон эрки ўз қўлида эмас, деган исёнкорона фикр "Донишманд Сизиф" фалсафий эссесининг мазмун-моҳиятини ташкил этади, назаримизда. Хуршид Дўстмуҳаммад Сизиф ҳақидаги эссеси орқали ҳозирги ўзбек насрида илк бор "Абсурд фалсафаси"ни бадиий жиҳатдан асослаб берди.

Ёш тадқиқотчи О.Эшниязова ҳам мазкур асар ҳақида "Сизиф ҳақида янги асар" мақоласи билан чиқиш қилди[6]. Хусусан, тадқиқотчининг қуйидаги фикрлари эътиборимизни тортди: "Харсангтошнинг вазни енгиллашган сайин Сизиф билан харсанг ўртасидаги муносабат ўзгарди. Орадаги рақиблик, ғанимлик кайфияти барҳам топди. Харсангтош ҳар думалаганда ундан япасқи-япасқи парчалар ажралиб тушар, буларнинг бари Сизифнинг кўз ўнгида рўй берар эди. Буларни кўрган Сизифнинг хаёллари парчаланиб, пароканда бўлаётган эди..."

Адибнинг бу романини тасаввуфий маънода инсон умри давомида сарсон-саргардон ниманидир қидиради, нималарнидир ахтаради ва алалоқибат ўзлигига қайтади, деган ҳақиқат асосига қуради. Бу хатти-ҳаракатлар, изланишларнинг барчаси Яратувчи томон қўйилган қадам эди. Ўзлигини англашга, ўзи учун яратилган ҳаётни ва дунёни ўз ақли ва тафаккури билан тартибга солишга интилаётган инсон исёни ва изтироблари китобхонни уйғоқликка чорлайди"[7]. Кузатаётганимиздек, адабиётшунослигимизда асар ҳақида кўпгина ва серқирра илмий талқинлар пайдо бўлди. Н.Афоқова айтганидек, асар у қадар ёмон ёзилмаган. Тадқиқотчи О.Эшниязова тўғри таъкидлаганидек, Сизиф харсангтошнинг ёрилтош сингари ёрилиб, унинг ичидан Сисиф чиқишини орзулайди. Сисиф баъзи бир юнон афсоналарида учрайдиган Сизифнинг иккинчи номи. Демак, бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки, Сизиф ўзини ўзи излаётган худди "Лисонут-тайр"

достонидаги қушлар каби ҳаётдан, жамиятдан маъно излаётган Инсоннинг метафорик тимсолидир. Хуршид Дўстмуҳаммад бундан анча йиллар олдин итальян ёзувчиси Дино Буцатти ҳикоясига назира таризида “Жимжитхонага йўл” ҳикоясини ёзган эди. Муаллиф ғарб одами билан шарқ одамининг ўлимга ҳозирлигини, икки хил дунёқарашни жуда катта маҳорат билан очиб беришга муваффақ бўлганди. “Донишманд Сизиф” эссесида ҳам муаллиф шарқ ва ғарб одамининг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини синтез қилишга эришади.

Хулосаларимиз:

Мифлар ижодкорлар учун бадиий архитип вазифасини ўтайди. Неомиф асар ва унда акс эттирилган неомифологемалар (образлар) жамиятдаги муайян ижтимоий, маиший, маънавий-ахлоқий, руҳоний ҳодисаларнинг тимсолли ифодасидир;

Воқеликнинг, руҳият қатламларидаги муайян оний кайфиятлар ва ҳолатлар, вазиятларнинг метафорик, рамзий ифодаси учун мифлар бадиий шартлилик вазифасини ўтайди. Неомиф асарларда мифлар сюжети, мифологик қаҳрамонлар баъзан очиқ-ошкора муайян, аниқ бир халқ мифига ишора бериб турса, баъзида эса ёпиқ, яширин ҳолатда келади. Неомифологик асарнинг иккинчи шаклида танқидчи ёзувчининг дунё халқлари мифологиясидан фойдаланганини мантиқий тафаккур орқалигина англаб етиши мумкин;

Жумладан, ҳозирги ўзбек насрининг таниқли вакилларидан бири бўлган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”ида (юнон мифологик қаҳрамони Сизиф) Сизиф образи ўзбек миллий ижтимоий-маиший ҳаётидаги, қолаверса, глобал инсоний ғояларни ифодалаш учун метафорик шартли восита бўлиб хизмат қилган. Гомердан тортиб Камюгача ўнлаб маротаба яратилган Сизиф тимсоли Хуршид Дўстмуҳаммад томонидан ҳам яна бир бор янгиланди. Адиб Сизиф неомифологемаси орқали ҳозирги ўзбек насрида Абсурд адабиётга хос бадиий фалсафани асослаб берди, шунингдек, ёзувчи Сизиф тимсолли образига донишмандлик, ақллилик фазилатини юклаш орқали глобаллашув жараёни тобора кескинлашиб кетаётган мураккаб даврда мана шундай кишиларга эҳтиёж кучлилигига урғу беради.

---

[1] Дўстмуҳаммад Х. Донишманд Сизиф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 360 б.

[2] Афоқова Н. Мен Сизиф тошига эгаман бошим // Тафаккур. 2019. №3. – Б. 60-61.


[3] Афоқова Н. Мен Сизиф тошига эгаман бошим // Тафаккур. 2019. №3. – Б. 59.

[4] Дўстмуҳаммад Х. Донишманд Сизиф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 251.

[5] Дўстмуҳаммад Х. Донишманд Сизиф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 355.

[6] Эшниязова О. Сизиф ҳақида янги асар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2018. №3. – Б. 93-98.

[7] Эшниязова О. Сизиф ҳақида янги асар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2018. №3. – Б. 97-98.



Улуғ аждодларимизни танийми?

Шуҳрат ҲАЙИТОВ,
“O‘zbekiston” телерадиоканали бош муҳаррири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Агар эътибор қилсангиз юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзидан етишиб чиққан истеъдодлари, мутафаккирлари туфайли дунёга донг таратган. Масалан, Ал-Бухорий, Насафий ва Термизийлар, Самарқандий ва Косонийлар, Тошкандий ва Фарғонийлар бунга яққол мисолдир. Бу бир қарашда барчамизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотса, иккинчидан, “Бугун биз уларни қай даражада билаяпмиз, ўрганаяпмиз, ижодларини тарғиб эта олаяпмиз?” деган ҳақли саволни келтириб чиқаради. Ҳақиқатдан ҳам, бугун аждодларимиз илмий-адабий меросига бўлган қизиқишимиз қай даражада? Асарларини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларни қандай баҳолаш мумкин? Ҳарқалай бу борада сўз кетганида барчанинг ўз фикри, кузатишларига таяниб айтадиган мулоҳазалари бор.

Назаримизда, инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири китобнинг яратилиши ва у XX асрга келиб энг юксак чўққига кўтарилгани бўлса, XXI асрга келиб эса унга бўлган меҳр ва муносабат анчайин сусайди. Чиндан ҳам, тан олиш керакки, бугун аждодларимиз меросини билиш, асарларини ўқишдан бир мунча узоқлашдик. Бугун китобнинг ўрнига бизни чалғитадиган кўплаб омиллар пайдо бўлди-

ки, ҳаётнинг турли ташвишлари билан андармон бўлиб, гоҳо яхши-яхши асарларни ҳам ўқимай қўйдик. Моддийликни маънавиятдан устун билдик, тўйлар қилиб, машиналар олдик, данғиллама уйлар қилдику фарзандимизга китоб сотиб олиб беришга келганда пул топа олмадик ёки ҳафсала қилмадик! Гоҳида вақтимиз ҳам етишмаяпти. Бу билан эса айрим ҳолларда ёшларимиз онгида китобсиз, аждодларимизнинг бой адабий меросини ўқимасдан, ўрганмасдан ҳам кўп нарсага эришса бўлади, деган пуч ва ёт ғояни сингдирмоқдамиз. Баъзи ҳолларда жамиятда китоб ўқиган одамдан кўра, ўқимаганнинг обрўйи, мартабаси ва топиш-тутиши баланд эканлиги ёшларимизнинг бу борадаги қарашлари тегирмонига сув қуяётгани ҳам бор гапдир. Минг афсуски, бу ҳақда сўз борганда бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўқитиш ва ўргатиш ҳақида ҳам худди шунга ўхшаш хулосаларга келиш мумкин. Тасаввур қилинг-а, бугунги маълумотларга кўра, дунё китоб фондларида мамлакатимизга тегишли аждодларимизнинг 100 мингдан зиёд асарлари қўлёзмалари сақланмоқда. Жаҳондаги бирорта машҳур кутубхона йўққи, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёзма асар бўлмасин. Британия музейи, Париж миллий кутубхонаси, Оксфорд, Кэмбриж, Сорбонна, Харвард, Голландия, Германия, Испания, Италия кутубхоналари ҳамда Россия, Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистондаги кутубхоналарда ўзимиз вақтида асрай олмаган кўплаб ёзма адабиётларимиз намуналари авайлаб асраб келинмоқда.

Биргина Ҳазрат Бобур қаламига мансуб асарларнинг нусхалари Франция, Ҳиндистон, Туркия, Эрон каби мамлакат кутубхоналаридан жой олган. Улар асосида минглаб тадқиқотлар, китоб ва рисолалар чоп этилган ҳамда юзлаб диссертациялар ёзилган. Бир сўз билан айтганда, дунё маърифат аҳли улуғ аждодларимиз ва ватанимизга тегишли бой адабий-илмий меросга қизиқиб, уларни таржима қилиб ўқиётган, ўрганаётган бир пайтда бизнинг ҳолимиз бундай бўлса, нима қилмоқ керак? Буни XXI аср инқилобининг бизга келтирган энг катта талафоти, фожиаси деймизми ёки айбни ўзимиздан ахтариб чорасини кўришга интиламизми?

Ривоят қилишларича, Навоий ва Бобур яшаган замонда Ҳирот шаҳри бозорларида савдолашиш ҳам вазну қофия билан шеърий йўлда



қилинар экан. Балки бу муболағадир, лекин ҳазрат Навоий “Мажолисун нафоис”да беш юздан ортиқ, Бобур Мирзо эса ўз асарларида юзлаб замондош шоирлар ижодини тадқиқ қилганлари аниқ. Хўш, бугунчи? Биз адабиётга, аждодларимиз меросига қай даражада қизиқаяпмиз, суҳбату гурунгларимизда, чойхоналарда булар ҳақида оз бўлсада тўхталаяпмизми? Хуллас, саволлар кўп. Яқинда телевидение орқали буюк қомусий олим, ўзининг “Ал-Ҳидоя” асари билан дунёга маълуму машҳур (асарнинг биргина Туркиянинг ўзида 205 та қўлёзмаси бор) улуғ фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний ҳақида кўрсатув тайёрлаш баҳона кўчада, кенг жамоатчилик орасида, асосан ёшлар ўртасида “Бурҳониддин Марғиноний ҳақида нималарни биласиз?” деган саволга жавоб изланди. Афсуски, олинган жавоблар қониқарсиз. Айримларгина номини эшитганлигини айтишди. Ҳолбуки, яна бошқа кўплаб улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўқиш ва ўрганиш борасидаги вазият ҳам худди шундай. Тўғри, кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Мустақиллик йилларида айниқса, бобуршунослик соҳасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Бобур номли халқаро фонд ва илмий экспедиция ўз фаолияти мобайнида Бобур ва бобурийлар қадами етган юртларга экспедициялар уюштириб, Африка қитъасидан то Ҳинди — Хитой ярим ороли, Европа — Америка давлатларигача етиб борди. Энг муҳими, ана шу илмий экспедиция сафарлар давомида кўҳна тарихимизга оид ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган 700 дан зиёд ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга келтирилди ва улар асосида 50 дан зиёд турли жанрга хос асарлар тайёрланиб, нашр этилди.

Жумладан, мамлакатимизда жорий йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши ва йил дастуридан ўрин олган буюк алломалар ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб этиш ва ўрганишга доир белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Бобур фонди ташаббуси билан “Бобурнинг тўла асарлар тўплами” ва “Куллиёти»нинг нашрга тайёрланаётгани (ваҳоланки, бу иш шу пайтга қадар бобуршуносликдаги энг катта масалалардан бири бўлиб келаётган эди), шунингдек, “Бобур энциклопедияси”нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги учинчи нашри устида иш бошлангани, албатта, бу борадаги ишларнинг бугунги кўламини кўрсатиб беради.

Мадомики, сўз Бобур ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб этиш, Бобур халқаро фонди томонидан қилинган ишларнинг асл моҳиятини халқимизга етказиш ҳақида борар экан, шу ўринда яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиздир. Масалан, бугунги кунга қадар Бобур илмий экспедицияси томонидан уюштирилган сафарларнинг ҳар бири бир олам воқеликларга бой ва бу сафар таассуротлари шу кунгача фақат тор доирадаги асарларда ёки мақолаларда акс этиб қолмоқда. Улар кенг жамоатчиликка, халқимизга ва айниқса, ёшларимизга тўлиқ етиб бормаяпти. Тўғри, ҳужжатли фильмлар тайёрланган, аммо уларнинг қайта-қайта намойиш этилмаётгани бор гап. Шу нуқтаи назардан бугун амалга оширилган ҳар бир сафар ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида бир эмас, кўп серияли махсус ҳужжатли фильмлар тайёрлаб, уларни, айниқса, ёшлар томоша қиладиган телеканаллар орқали кенг намойиш этиш жоиздир.

Шунингдек, бугун Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда дунё олимлари томонидан амалга оширилган ишлар, хусусан, «Бобурнома»нинг ҳар бир таржимасига илмий баҳо бериш, шоир асарларининг дунё

кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида кенг омма учун мўлжалланган асарлар яратиш лозим. Бундай асарлар яратилган, аммо улар етарли эмас. Борларида ҳам турли чалкашликлар мавжуд. Бугун Бобур адабий меросининг хорижда сақланаётган манбаларини тўлақонли равишда ўрганиш, уларни тавсиф ва чуқур таҳлил этиш, олимларнинг шоир ижоди юзасидан яратган асарларига қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан илмий баҳо бериш каби масалалар ҳам бобуршунослик соҳасида ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган, ўз ечимини кутаётган жиҳатлардан дейиш мумкин.

Шу пайтга қадар қанча кўп изланишлар олиб борилмасин, бобуршунослик илмида ҳамон очилмай турган қирралар кўп. Биз шу пайтга қадар Бобур ҳаёти ва ижодига оид амалга оширилган жамики ишларни эътироф этган ҳолда, бу борада ҳали ечимини кутаётган айрим масалалар ҳақида тўхталмоқчимиз. Эътибор берсак, тенгқурларимиз ва ёшлар орасида мумтоз адабиётга, хусусан, қўлёзмалар билан ишлашга бўлган қизиқиш кам. Бу борада мутахассис кадрлар етишмаслиги, бўлса ҳам саноқли экани афсусланарли. Балки шунинг учундирки, бошқа кўплаб нодир қўлёзмалар қатори Бобур асарлари қўлёзмаларига ҳам кам эътибор қаратилмоқда. Тўғрироғи, бугун матн билан ишлаш амалиёти суст. Қўлёзмалар табдили ва тавсифи билан боғлиқ мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда ягона бир илмий хулосалар берувчи тадқиқотлар жуда оз. Масалан, Бобур асарларининг Париж, Истанбул, Теҳрон ва бошқа қўлёзма нусхалари ҳақидаги қарашлар турли манбаларда ҳар хил. Мактаб, коллеж, академик лицей дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларида “Улуғ шоир 1519 йилда Кобулда, 1528-1529 йилларда Ҳиндистонда шеърлар тўпламини тузган. Бу икки тўплам ўша жойлар номи билан “Кобул девони” ва “Ҳинд девони” деб аталади. Аммо бугунга қадар “Кобул девони” топилган эмас” тарзидаги маълумотларга дуч келамиз. Ваҳоланки, шоир аслида битта девон тартиб этгани кейинги тадқиқотлардан маълум бўлмоқда. Ҳалиям шукрки, кейинги йилларда Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси билан “Бобур энциклопедияси” тайёрланиб, кенг омма ва илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиши бу каби юзлаб хато ва чалкаш фикрларга ойдинлик киритди. Бугунга қадар “Бобурнома” дунёнинг 17 тилига ўша миллат вакиллари томонидан таржима қилинган (Ваҳоланки, бу маълумот ҳам турли манбаларда ҳар хил келади. Масалан, дунёнинг 22 та, 31 та, 41 та тилига тарзида). Хўш ўқувчи учун қай бири тўғри? Ёки шоир шеъриятининг ҳажми, сони, ва жанрларини белгилашда ҳам турли қарашлар бор. Адабиётлардаги бу борадаги маълумотлар бир бирига мос келмайди. Танқидий матн, асарларининг тўлиқ статистикаси, уларни илмий ўрганиш, айниқса, таржималарни қиёсий ўрганиш масаласида ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп. Илгари Ҳазрат Бобур ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги асарлар жиддий кўрикдан ўтказилган бўлса, бугунга келиб палапартиш, хом-хатала ва тарихий манбадан мутлақо бехабар, тарихий ҳужжату қўлёзмаларни чуқур ўзлаштирмаган муаллифларнинг асарларини муҳокамасиз, илмий экспертизасиз чоп этиш одат тусига кира бошлади. Шундай экан, биринчидан, тарихимизга оид, шу жумладан, Мирзо Бобур шахсияти ва фаолиятига оид асл манбаларни мукаммал бир тартиб асосида нашр этишни йўлга қўйишимиз керак. Иккинчидан, ўтган аждодларимизга бағишланган дунё илми ва адабиётидаги илмий-ба-



дий асарларнинг тўлақонли каталоги муфассал баёни, камчиликлари-ю ютуқлари қайд этилган шарҳлар билан тайёрлашимиз зарур.

Яна бир жиҳат, дунё адабиётида Подшоҳ Бобур ҳақида жуда кўп китоблар нашр этилган. Улар орасида ўзбек китобхони ўқиши лозим бўлганлари ҳам талайгина. Уларни жиддий танлов йўли билан нашр этиш учун тил биладиган ёш таржимонларни, маслаҳат беришга қодир тарихчиларни жалб этиш даркор. Бинобарин, "Бобурнома"га асрлар мобайнида катта қизиқиш билан қараб келинаётганини, хорижий тилларга қилинган таржималари қайта-қайта нашр қилинаётганлигини кўп бора ифтихор билан тилга оламиз. Аслида ҳам шундай. Бу бизнинг кимлигимизни, қандай аждодлар авлоди эканимизни яққол кўрсатади. Аммо шу билан биргаликда таржималардан сон-саноқсиз камчиликлар топамиз. Тўғри, манбани қиёсий таҳлил қилиш, камчиликларни кўрсатиш, тўғрилаш ҳам бир илм. "Бобурнома"нинг инглиз, француз, рус ва турк тилларига қилинган таржималари, айниқса, камчиликлардан холи эмас. Бу кейинги йилларда қилинаётган диссертацион тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтилаяпти. Эътибор қилинса, ҳар қайси таржимада учрайдиган умумий камчиликлардан бири матн ва сўзни илғамаслик, нотўғри тушуниш, у сўзнинг ўша тилда муқобили йўқлиги билан боғлиқ ҳолда кўринади. Бу фикр асарнинг барча тилларга қилинган таржималарига хосдир. Аслида бу каби нуқсонларни кўп айтамиз. Бироқ савол бермаймиз: хўш, шунча камчилик бор экан, нега биз ўзимиз уларга нуқсонсиз таржима қилиб тақдим эта олмаймиз? Нега энди, Бобур асарларининг орасида фақат "Бобурнома"гина хорижий тилларга таржима қилинган? Демак, чет эллик шарқшунос олимлар бу асарга катта қизиқиш билан қарамаганида, майли камчиликларга йўл қўйса-да таржима қилмаганида, нашр эттирмаганида шу кунга қадар бу буюк асарни дунё оммаси билмас эканда? Бундан ташқари, шоирнинг бошқа асарлари, дейлик, шеърий асарларини хорижий тилларга мукаммал ҳолда нега таржима қилмаймиз? Бу каби саволлар кўп. Тан олиш керак, олимларимизнинг кекса авлоди бобуршунослик соҳасида қатор салмоқли ишларни бажарди ва айримлари томонидан бугун ҳам муайян илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўплаб адабиётшунослар Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини ўрганиш, қўлёзма нусхаларини қидириб топиш ва уларни илмий истеъфодага киритиш юзасидан қатор тадқиқот ишларини амалга оширгани, мазкур ишлар бу борадаги кейинги илмий изланишларга ҳам асос бўлиб хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Эҳтимол, улар хорижий тилларни мукаммал билишганида шоир асарларини жаҳон тилларига юксак маҳорат билан таржима қилиб чиқарган бўлар эди. Афсусланарлиси, бугун ёшларга кенг имконият берилаётган бир пайтда, камида 2-3 та тилни мукаммал биладиган ёш мутахассисларимиз бор, уларда аждодлар асарларини чет тилларига таржима қилиш лозимлиги ҳақидаги фикр кам. Яна бир жиҳат, модомики, Бобур ижодини чуқур англаш ҳақида гап борар экан, галдаги долзарб масала — таълим муассасаларида шоир ҳаёти ва ижодини ёшларга муфассал ўқитиш. Нима деб ўйлайсиз, адабиётимизнинг шоҳ асарларидан бири – "Бобурнома"ни бугун кимлар ўқимоқда? Ёшларимиз ўқияпти, тушунаяпти, деб ўйлайсизми? Агар ўқимаётган ва тушунмаётган бўлса, нима қилиш лозим? Қандай усуллардан фойдаланмоқ жоиз? Бунинг учун нималар қилишимиз керак? Бундан ташқари, бугун мактаб дарсликларида Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган дарс соатлари тақсимоти қай аҳволда? Шу пайтга

қадар биз буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ёшлар қалбига сингдиришда бадиий адабиётларнинг ўрни ва таъсирини катта деб биламиз. Хўш, шундай экан, бугун Бобур ҳақида (албатта, айрим улуғ адибларимиз асарларидан ташқари) бадиий адабиётларда етарли даражада акс этаяптими? Эҳтимол етарлидир. Аммо улар ўқувчи қўлига, айниқса, энг олис туман ва қишлоқларга етиб бораяптими ва ўқилаяптими? Бобур ижодини тарғиб этишда яна бир жиҳат, XXI аср – интеллектуал авлод асри, деб аталаётган бир даврда, наҳотки, интернет имкониятларидан шу йўлда ижобий фойдаланишнинг имкони бўлмаса... Шу кунга қадар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ёритишга ихтисослашган махсус интернет сайтининг ташкил этилмагани, этилган бўлса-да, кичик доираларда эканлиги, интернетдан унумли фойдаланилмаётгани афсусланарли бўлмайдими? Маълумотларга кўра, Германиянинг буюк шоири, атоқли мутафаккир ва олим Иоганн Вольфранг Гёте номида Германиянинг ўзида 13 та ва жаҳонда 150 дан зиёд илмий тадқиқот муассасаси фаолият юритади ва улар фақат Гёте меросини ўрганиш, тарғиб этиш ишлари билан шуғулланади. Тасаввур қилинг, агар бизда ҳам Ҳазрат Бобур номида алоҳида илмий тадқиқот муассасасими ёки институт ташкил этилса, бу муассаса фақат юқорида айтиб ўтилган масалалар ечими билан шуғулланса. Яна бир жиҳат Мирзо Бобур асарлари тили, у ишлатган сўзлар, ибора, паремалар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо афсуски, шу кунга қадар Бобур асарларининг тўлиқ ва мукаммал луғати яратилган эмас. Бобур асарларининг тил хусусиятлари ҳақида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор. Масалан, “З.М.Бобур ўз асарларида қанча сўз ишлатган?” деган оддийгина саволга ҳали ҳануз асосли жавоб тополганимизча йўқ.

Ўзбек адабиётида ижоди энг кўп ўрганилган адабий сиймолардан бири, шубҳасиз, Ҳазрат Бобур экани, юзлаб китоблар чоп этилгани ва тахминан шу миқдорда диссертациялар ёзилганига қарамасдан ҳали-ҳамон бобуршуносликда муаммолар кўп. Келгусида бу улуғ ижодкор ҳаёти ва ижоди борасида энг саҳиҳ ва мукаммал илмий асарлар яратилиши ва халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида шоир асарларини кенг тарғиб этишнинг энг замонавий усул ва воситалари ишлаб чиқилиши, айниқса, бунда интернет тизимидан, ижтимоий тармоқлардан ўринли фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бугун буюк аждодларимиз, хусусан, Бобур шахсини том маънода халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига, юрагига чуқур сингдириш учун нимаики зарур бўлса аямаслигимиз лозим.

Президентимиз жорий йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор масалаларни тилга олиб ўтди. Шулар қатори, илм-фан, адабиёт, жумладан, Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ шоирларимиз ҳақида ҳам муҳим ва ибратли фикрларни айтди. Олий минбардан айтилган бундай фикрлар, ўйлайманки, Бобур Мирзо ижодига бефарқ бўлмаганлар, адабиёт ихлосмандлари, шунингдек, унинг бой илмий-адабий меросини тадқиқ этиб, ўрганиб ва ўргатиб келаётган кўплаб олимларимиз, умуман, бутун халқимизни руҳлантиради. Бу эса ўз навбатида барча бобуршунос олимларимиз зиммасига янада катта масъулият юклайди ва келгусида шоир ҳаёти ва ижодини кенг тадқиқ этиш ва унинг тарғиботи билан ҳам шуғулланишлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Фарҳод ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси.

Ушбу мақола юртимизда яшаб, ижод қилган ислом уламолари ҳаёти тўғрисида. Хусусан, Насаф диёрида фаолият кўрсатган олимлар мероси ҳақида маълумотлар келтирилади. Уларнинг илмий сафарлари ва асарлари баён қилинади. Маълумотлар даврларга ажратиб келтирилади. Ушбу маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

НАСАФ – УЛАМОЛАР ШАҲРИ

НАСАФ — ГОРОД УЧЕНЫХ
NASAF IS A CITY OF SCHOLARS

Таянч сўзлар: Насаф, Мовароуннаҳр, Темурийлар, илм, фан, маърифат, дин, мерос, асар, тарбия, ҳадис, тафсир, олим, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, тақводор, солиҳ, зоҳид, шайх, машойих, ҳофиз, анъана.

Эта статья о жизни исламских ученых, которые жили и работали в нашей стране. В частности, он предоставляет информацию о наследии ученых, работающих в Насаф. Их научные путешествия и работы описаны. Информация периодически разделяется. Эта информация поступает из надежных источников.

Ключевые слова: Насаф, Мавераунахр, Темуриды, наука, просвещение, религия, наследование, работы, обучение, хадис, тафсир, ученый, мухаддис, факих, муфассир, благочестивый, праведный, захид, шейх, машайх, хафиз, традиция.

This article is about the life of Islamic scholars who lived and worked in our country. In particular, it provides information on the heritage of scholars operating in Nasaf. Their scientific journeys and works are described. The information is periodically separated. This information comes from reliable sources.

Key words: Nasaf, Maveraunnahr, Temurids, science, enlightenment, religion, inheritance, works, teaching, hadith, tafsir, scholar, hadith scholar, faqih, mufassir, pious, righteous, zahid, sheikh, mashaikh, hafiz, tradition.



Насаф Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкент шаҳарлари каби илм-маърифатнинг юксак марказларидан бири бўлган. Насафлик олимлар бошқа илмий марказ олимлари каби Мовароуннаҳр ва умуман мусулмон оламининг илмий-ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир ўтказиб, соғлом диний-маънавий муҳит, ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик таълимотини шакллантиришга улкан замин яратган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов "Насафий" тахаллусига эга ўндан ортиқ олимлар ўзларининг бебаҳо илмий мероси билан ислом оламини бойитганини, юрт шон-шуҳратини юқори кўтариб, ўзбек халқининг фахри ва ғурурига айланганини таъкидлаган эди [2,4].



Шундай экан, биз мазкур аждодларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини теран ўрганишимиз, уларнинг буюк хизматлари олдида ўзимизни муносиб тутган ҳолда, жамиятимизда кузатилаётган бидъат-хурофотларни бартараф қилиш барчамизнинг олий бурчимиздир. Шуни назарда тутилса, ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш ва бу борада аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий мерослар билан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг: "Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш — жуда катта тарбия [7]", — дея билдирган фикрларида мана шу вазифанинг нақадар устувор масала эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлган қадим Насафнинг илму маърифатда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарлардан қолишмайдиган жиҳатлари кўп бўлгани боис "Насафий" нисбатли олимлар ўз асарлари билан нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонган десак муболаға бўлмайди. Насаф Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган ва у муттасил равишда ривожланиб борган. Лекин 1219 йилда Ўтрорни олти ойлик қамалдан кейин забт этган Чингизхон Самарқандга бостириб кириб, сўнгра Насафга йўл олади. Мўғуллар 1220 йилда Мовароуннаҳрни деярли тўлалигича эгаллайди ва кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларни ер билан яксон қилади. Улар барчани — эркак, аёл, ёш ва қарини қиличдан ўтказади, меъморий обидалар, масжиду мадрасалар, сарой ва қалъаларга ўт қўяди. Жумладан, XII аср олими Самъоний айтиб ўтган Насафнинг қишлоқ ва қасабаларининг кўпи вайрон этилади. XIII аср охирига келиб илмий, маданий ва иқтисодий манзиллар деярли тўхтаб қолган эди. Кейинчалик мўғул хонларидан Кебекхон (1318-1326 йиллари) Насафнинг

олдинги жойидан 12 чақиримлик масофада Қарши шаҳрига асос солади. Шу йўсинда Қарши мўғул лашкарбошилари учун қароргоҳга айланади[5,359].

VII аср охири ва IX аср бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фиқҳшунослик мактаблари вужудга келган. Шунингдек, бу ерда тафсир илми ҳам IX асрдаёқ йўлга қўйилган ва бунда, айниқса Иброҳим ибн Маъқил Санжоний, Муҳаммад ибн Наср Насафий каби олимлар пешқадам бўлганлар. Мазкур мактабларда мусулмон оламининг турли ўлкаларидан келган талабалар сабоқ олар эдилар. IX асрда Муъоз ибн Яъқуб Насафий, Халаф ибн Сулаймон Дириздаҳий, X асрда Асад ибн Ҳамдавайҳ Варсиний, Аҳмад ибн Муҳаммад Тадёний, Муҳаммад ибн Осим Устуғдодизий, Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Астрободий [1,226], XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий, XII асрда Абу Бакр Насафий, XIII-XIV асрларда Азизуддин Насафий, Лутфуллоҳ Насафий Кайдоний, Нажмуддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1070-1143), Абулфазл Муҳаммад Бурҳон Насафий (600-679/1201-1281), Абу Али Ҳусайн Насафий (ваф. 424/1034) каби олиму уламолар бутун ислом оламида шуҳрат топдилар. Кейинги асрларда ҳам бу илмий анъана муваффақият билан давом эттирилди.

Абу Абдурраҳмон Муъоз ибн Яъқуб Насафий IX асрда яшаган тақводор ва солиҳ олим эди. У ҳадис илмида шуҳрат қозонган, асосан зоҳидликка оид ҳадисларни жамлаган, манбаларда кўплаб шогирдлар ундан сабоқ олганлиги таъкидланади.

Абу Саъид Халаф ибн Сулаймон Дириздаҳий муҳаддис олимлардан ҳисобланиб, у Насафнинг Дириздаҳ қишлоғида туғилган. Илм талабида Ироқ, Шом шаҳарларида бўлган ва 300/912-3 йилда вафот этган.

Абулҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳ Варсиний Насафий тарихчи ва ҳадисшунос олим сифатида танилган. У Насаф вилоятининг Варсин қишлоғида туғилган. Ўз замонасининг Туфайл ибн Зайд Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим Fубдиний ва Абу Исо Термизий каби йирик олимларидан таълим олган. Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларида шогирдлари бўлган. У зот 315/927-8 йилда вафот этган.

Абулфаворис Аҳмад ибн Муҳаммад Тадёний насафлик йирик олимлардан ҳисобланади. Ундан кўпгина Насаф машойихлари таълим олганлар. Муҳаммад Тадёний 366/977 йилда вафот этган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Осим Устуғдодизий Насафнинг муҳаддис, фақиҳ ва солиҳ кишиларидан бўлган. Унинг фарзандлари ҳам ҳадис илмида машҳур бўлган. Вафоти 378/988-9 йилларга тўғри келади.

Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Астрободий Идрисий Журжон, Бағдод ва Марвнинг йирик олимларидан таълим олган. Хуросон ва Ироққа бориб, кўплаб муҳаддислардан ҳадис ёдлаган. Ривоятларга қараганда, у юз минг ҳадисни ёд билган. 406 йил Зулҳижжа/1016 йил июн ойида Самарқандда вафот этган.

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий 1018 йилда Насафнинг Устуғдодиза қишлоғида таваллуд топган. У ҳадис борасида қобилиятли бўлгани боис, "Ҳофиз ал-ҳадис" номига мушарраф бўлган. Нахшабий илм талабида Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, замонасининг йирик

олимларидан таълим олган. Илм сафаридан яна ўз юртига қайтиб келиб, у ерда сабоқ бериш билан шуғулланган. У 457/1066 йилда Нахшабда вафот этган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий насафлик машҳур олимлардан. У Абул Аббос Мустағфирий, Абу Наср Аҳмад ибн Али Момарғий каби олимлардан таълим олган. 504/1111 йилда вафот этган.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Насафий XII аср охири XIII аср бошида яшаган олим ва шоир. "Лубоб ал-албоб (Энг сара ақл)", "Жавоми ал-ҳикоёт ва лавомиъ ар-ривоёт (Ҳикояларнинг йиғиндиси ва ривоятларнинг чақмоғи)" каби асарлар ёзган. Самарқанд мадрасаларида дарс берган.

Азизуддин Насафий 1240-1300 йиллада яшаган мутасаввиф, файласуф ва шоирлардан бири. Унинг барча асарларида комил инсон тасаввури илгари сурилган. Унинг, айниқса, "Зубдат ал-ҳақоиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи)", "Мақсад ал-ақсо (Олий мақсад)", "Кашф ал-ҳақоиқ (Ҳақиқатларни очиш)" каби асарлари машҳурдир.

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган фиқиҳ Лутфуллоҳ Насафий Фазил Кайдоний. Олимнинг "Матолиб ал-мусаллий" номли асари машҳур бўлган. Асарнинг яна бир номи "Фиқҳ ал-Кайдоний" бўлиб, у Ўрта Осиёда оммавий қўлланмалардан бири сифатида мадрасаларда ўқитилган. Олим 1349 йилда вафот этган.

Шу тарзда анъанага кўра, X-XI асргача бу ерда ҳам араб тилида асарлар ёзилган бўлса, XI аср охири ва XII аср бошларида форс тилида ижод қилина бошланди. Темурийлар даврида эса, араб, форс ва турк тилларида китоблар ёзилди. Носир Муҳаммад ўзининг "Насаф ва Кеш алломалари" номли китобида элликдан зиёд насафлик алломалар ҳаётини тилга олган. Тадқиқотларда зикр этилишича, VII-XII асрларда Мовароуннаҳрда 3000 дан зиёд муҳаддислар яшаган бўлиб, улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода ва 400 дан ортиғи Насафда, қолгани эса Мовароуннаҳрнинг бошқа минтақаларида фаолият олиб борган[6,14].

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, инсоният тараққиёти тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг фаолияти маҳаллий, маданий ҳудуд чегарасидан ташқарига чиқибгина қолмай, балки даврлар чегарасини ёриб ўтиб, ғоялар ривожланишида умумжаҳон жараёнининг бир қисмига айланган. Уларнинг асарлари барча нодир ҳодисалар сингари аввал ўтганлар тажрибаларни энг қимматли томонларини ўзида гавдалантиради, жамият илмий фикри ҳамда маънавий маданиятнинг кейинги кўп асрларда содир бўладиган олға ҳаракатини белгилаб беради.

Юқорида зикр қилинганидек, юртимизда ислом шариати ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимоти асосида ривожланди. Шу қатори ҳанафий олимлари, имом Мотуридий издошлари шаклланди ва фаолияти ривожланди. Бунда насафлик олимларнинг ўрни жудда катта десак муболаға бўлмайди. Зеро, ислом илмини келажак авлодга етказишда уларнинг жонбозлик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Мақола маълумотлари ва хулосасига биноан қўйидагича таклифлар бериш мумкин:

1. Мотуридия таълимотини шаклланиб, ривожланишида муҳим ўрин тутган уламолар, хусусан, бу борада насафлик олимларнинг ҳам ҳиссасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Мазкур уламоларнинг илмий фаолияти ва меросини ўрганиш ва маълум муаммоларни бартараф қилишда аҳамиятини кўрсатиб бериш галдаги вазифаларимиздир.



АССАЛОМ, САОДАТ ТОНГИ

Зулфия МЎМИНОВА.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира.

Етти иқлим интилаётган Бухорога навбатдаги зиёратим бугунги кун мўъжизаларидан бири — “Боқий Бухоро” мажмуасидан бошланди. Халқимиз тиклаган миллий қадриятлар, унинг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси олий даражага кўтарилганига бу ерда ишончингиз комил бўлади. Ушбу мажмуада истиқлол шарофати ила илоҳий меҳрга тўлган Бухоро юрагинг ичра қад ростлайди гўё. Ушбу шариф шаҳарнинг ҳар қарич ери инсоният тарихининг гавҳари, шамчироғидир. Бу юртда ўтган мутасаввуф донишмандлар ислом оламининг, жаҳон маънавият мулкининг хазинасига айланган.

Бу гўзал боғда туриб бошинг баланд, кўксинг тоғ бўлади. Бухоронинг фозил фарзандлари юртнинг ори деб яшайдилар. Шунинг учун меҳнатлари она сутидек ҳалол, уларга ярашади ғуруру иқбол.

* * *

Ғиждувон ҳақиқаттан ҳам мўъжизакор гўша. Бир ён юрсанг димоғингга олмалар, бир ён юрсанг бол аралаш зардолилар бўйи урилади. Дашту чўл томон юрсанг, ғаллаю нон ҳидидан энтикасан. Эрка шамол димоғингга атиргуллар ифорини олиб келади. Муродбахш жума куни етти пирни зиёрат қилиш учун тараддудландик. Албатта, зиёратни мусулмон оламида Хожаи Жаҳон деб шарифланган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний пирим ётган нурли макондан бошладик.

* * *

Хилват эшигини ёпдим суҳбат — чун,
Дийдор эшик очди муҳаббат учун.
Тавофга келувдим ҳидоят учун,
Ғунчалар тиловат айлар бўстонда,
Муқаддас, мўътабар юрт Ғиждувонда.

Хожаи Жаҳон зиёратгоҳида имом Қуръон тиловат қилдилар. Кўздан оқаётган ёшларни сидирмасдан қалбан унинг овозига қўшиламиз. Шундай лаҳзаларга етказганига қайта-қайта шукрлар қиламиз.

Тош қудуқдан сув ичдик. Бу тош қудуқдан буюк пирим ўзлари сув ичганлар. Улар шу ердан туриб бутун дунёга ақл нурларини таратганлар. Одамларни тинглаганлар, кузатганлар, ҳаққа яқинлашмоқнинг шариат ва тариқатларига амал қилганлар. Қадимда бу ерда чиллахона ва қирқ зинали нарвон бўлган экан. Ҳа, қадимда бу ер гўзал боғ ҳам бўлгандир, бу фирдавсмонанд боғда минг турли гуллар ғунчалагандир, бу ғунчалар очилиб, ҳазратимга эгилиб салом берган-дир. Бу ерда инсон онги, қалби, сезгиси, кўзи ислом динининг эзгулигидан зиёланган ва то ҳануз зиёланмоқда.

Ҳазратим фақат кўнгил кўзи ила дунёга боққанлар. Кўнгил ичра яшаганлар. Бизнингда кўнгил тарафга қўяётган қадамларимизни Оллоҳим бешикаст қилсин.

* * *

Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муборак зиёратларидан сўнг Шофирконга, буюк пирнинг тўртинчи халифаси Хожа Ориф Ревгарий — Хожа Ориф Моҳитобоннинг зиёратларига бордик. Бу зот “Силсилаи Шариф” дан ўн биринчи ҳалқанинг пири сифатида зикр қилинган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний билан Хожа Ориф Моҳитобон учрашиб, суҳбатлашадиган қишлоқ ҳам бор. Унинг номи Рўйбинон — юз кўришмоқ, дийдорлашмоқ маъносини англатади.

Ё, Оллоҳим, ўзингнинг ишқинг султон айлаган икки табаррук зот учрашмоғидин, суҳбатлашмоғидан ҳам гўзал анжуман бормикин дунёда?

Ўзингнинг йўлингда сирланган, дурланган, нурланган икки буюк суҳбатидан ҳам нафосатли мажлис бормикин дунёда?

Дейдиларки: улар суҳбатлашмасдан ҳам бир-бирига кўз қараш ила бир-бирининг юракларидан не кечаётганини англар эканлар.



Дейдиларки: улар учрашган куни атрофда ёруғлик кўпаяр экан, ҳарорат кўпаяр экан, яхшилик кўпаяр экан. Қаердандир минг турли қушлар учиб келиб, минг турли жонбахш овозда хониш этиб, гуллар ғунча очиб, борлиқ яшилланиб, олам меҳрига, эътиборга, эҳтиромга тўлар экан.

Мустақиллик йилларида бағри бойликларга кон, меҳнаткаш халқи ила довруғи достон Шофиркон янада кўркамлашди, шу жумладан Ревгарий қишлоғи ҳам. Бу зиёратгоҳ гулларидан кўзлар шифоланди. Ширин лутфли уламолар билан суҳбатлашдик. Биз Хожа Ориф Моҳитобон масжидидан узоқлашар эканмиз, юрагимиз қанотлари кенгайганини ҳис этдик.

* * *

Хожа Ориф Ревгарийдан таълим олган “Силсилаи шариф”даги ўн иккинчи пири муршид Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг зиёратгоҳларидамиз.

Бу ерни Анжирбоғ деб атайдилар. Вобкент туманида жойлашган бу кўркам гўша доим ям-яшил бўлиб киши хотирасида туради. Бу ерга биз олдин ҳам кўп келганмиз. Шу боис ҳар бир дарахт, гуллару майсалар, ариқлардан оқаётган сув, ёқимли шабада ҳам қадрдондек туюлади. Гўё гуллар қошида фаришталар чилтор чалаётгандек бўлади. Отлар кишнаши, шамширлар жаранги аро тошларни уйғотиб, чархи гардун айланади. Фақат илм, ақл, эътиқод ғалаба қилгай, фақат маърифат, садоқат, тариқат, эзгулик дилларни поклагай.



* * *

Хожи Али Рометаний — Хожи Азизоннинг қабри Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғидадир. Ул зоти муборак Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида қуйидаги табаррук жумлаларни ёзганлар:

“Агар Абдулхолиқ Ғиждувоний фарзандларидан бири ер юзида бўлганда эди, Мансури Халлож асло дорга осилмас эрди”.

Хожаи Азизонга нисбат берилган қуйидаги байтда шундай ёзилган:

Бо ҳар ки нишасти нашуд жамъ дилат,
В – аз ту нарамид суҳбати обу гилат.
Зинҳор зи суҳбаташ гурўзон бибош,
Варна накунад руҳи Азизон биҳилат.

Мазмуни: ким билан ўтириб турдингки, кўр, агар юрагинг ундай одамлар суҳбатидан баҳра олмай, хижил тортса, зинҳор алар билан қайта ҳамсуҳбат бўлма, йўқса Азизон руҳи сени кечирмайди.

Нега Хожаи Азизон “суҳбати озор, тили заҳар одам олдидан қочмоқ керак, уларнинг тайин — тутуриқсиз суҳбатларидан юрак гулини хазонлиғдан асрагандек, кўнгил қушни ҳалокатдан ҳимоялагандек олиб қоч”, деб уқтиради? Сабаби, инсон қалби, юраги илоҳий ҳислар билан суғорилишга лойиқ. Инсон юраги муқаддасдир. Шу муқаддасликни мусибатга тутсанг, сени кечирмайман, дейди буюк пир.

“Мақомати Шоҳ Нақшбанд”да ёзилишича, Рамазон ойида бир кун Хожаи Азизонни ўн саккиз жойга ифторга таклиф қилибдилар. Хожа Али ҳаммасига бормоққа ваъда беribдилар ва бир вақтнинг ўзида ўн саккиз жойда пайдо бўлиб, ифтор қилибдилар.





* * *

Ромитаннинг Самос қишлоғига борганимизда айни туш пайти бўлиб, саратон иссиқлик салтанатини намойиш этарди. Зиёратгоҳда экилган атиргуллар шундай ажиб ҳид таратар эдики, беихтиёр жаннатнинг ифори шундай бўлса керак, деган ўй хаёлигингиздан ўтади. “Силсилаи Шариф”даги ўн тўртинчи пири муршид Бобойи Самосий Саййид Мир кулолга таълим берган. Саййид Мир кулолнинг эса ўн тўртта халифаси бўлиб шулардан бири Хожа Баҳоуддин Нақшбанддир.

Демак, пирнинг зиёратига боришдан олдин устозлари зиёратига бордик. Устозларнинг зиёратидан олдин устознинг устозига устозлик қилган пири комил зиёратида бўлдик.

Жомийнинг “Нафоҳатул унс”ида таъкидланишича, Бобойи Самосий ўз кулоҳини ёш Баҳоуддинга берган. Оллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардонлик карорматини ато қилган экан.

Силсилаи Шарифнинг ўн бешинчи халқаси пири муршид ҳисобланмиш, тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири Ҳазрат Амир кулолнинг зиёрати учун Сухорга келдик. Ҳазрат туғилиб ўсган қишлоқ ғоят сўлим ва осудалиги билан қалбга яқин туюлади. Ул зоти муборак ҳақида эшитганларимиз тўқима ёки ясама чўпчаклар эмас, айни ҳақиқат эканига ишондик.

Ҳазрат Саййид Ато билан Амир кулолнинг оталари дўст бўлганлар ва дўстларига шундай деганлар: “Эй биродар, сизга Ҳақ Субҳоноллоҳ ва таоло бир фарзанд каромат қиладики, унинг файзи жаҳоннинг бошидан охиригача етади. Албатта, унинг исмини Амир калон қўйинг”.

Дарҳақиқат, оз фурсат ўтгандан сўнг Ҳазрат Саййид Атонинг айтган башоратлари амалга ошган ва Амир кулол муҳтарама оналарининг ботиний вужудларида пайдо бўлган.

“Мақомат”да шундай таъкидланди: Саййид Амир кулол Ҳазратлари Саййидларнинг энг аълоларидандир ва у кишининг саййидликларида, ҳеч қандай қусур, нуқсон йўқдир. Ҳазрат ҳам насаб, ҳам хасаб, яъни ҳам насл ва зотлари Муҳаммад САВнинг авлодидандирлар, ҳам эришган даража ва амалиётлари Расулуллоҳнинг йўлларига мос тушади.

Пайғамбаримиз САВ айтганларки: “Одоб насабдан устундир”. Бу ҳадисдан сўнг манбаъда қуйидаги байт келтирилади:

Ҳазор хеш, ки бегона ас худо бошад,
Фидои як тани бегона, ки ошно бошад.

Мазмуни: Аллоҳдан йироқ бўлган мингта қариндошдан кўра Аллоҳга яқин бўлган битта бегонага фидо бўлсанг арзийди.

Ҳазрат Амир кулол сўнгги дамлари яқинлашаётганини сезиб фарзандларига юзланиб айтганлари орасида шундай назмий парча ҳам бор:

Шодамки, ки зи ман бар дили кас боре нест,
Касрози ману, коре ман озоре нест,
Гар нек шуморанду гар бад гўянд,
Бо неку бади ҳеч кас коре нест.

Мазмуни: Мен жуда хурсанманки, менинг туфайли бирор кишининг қалбида оғирлик йўқ. Мен ва менинг ишларимдан ҳеч ким озор чекмаган. Мени ёмон ёки яхши десаларда, мен уларнинг яхши ва ёмонлари билан ҳеч ишим йўқ.

Дарҳақиқат, бу дунёда ҳеч бир кишининг қалбида оғирлик қолдирмай яшаб ўтмоқ энг олий машаққат ва шарофатдир. Бундан ўзга таъриф йўқ. То ҳануз ул зоти шарифдан ўргандилар, ўрганаяпмиз, ўрганурлар.

* * *

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидамиз. Албатта, уларни тавоф қилишдан олдин оналарининг зиёратгоҳларида бўлдик. Дарвозадан кириш билан оқ ва қизил атиргулларга кўзингиз тушади. Бу ернинг шаббодалари сирдош, қушчалари фикрдош. Бунда нигоҳлар меҳрли, нигоҳлар илтифотли. Бу ерда инсон бўлиб, инсон бўлганда ҳам мусулмон бўлиб яралганингга шукроналар айтасан.

Қуръон тиловатидан сўнг зиёратгоҳ дарахтларида учиб юрган қушдек, гулларга қўнган капалакдек енгил ҳис этасан ўзингни. Шу ерда ўзингга ўзинг яхши бўлиб туюласан ва мен ҳам яхши одамман — дейсан, шивирлаб. Кўзингдан тўкилаётган маржонларни яширмоқ учун қиблага — макка томонга юз тутасан.

Яхшиҳамки рўмолинг юзингни яшириб туради. Айрим одамлар сенга ажабланиб қараётганини ҳис этасан. Хижолат бўласан. Аммо бу ерда сенингдек руҳий юксакликка кўтарилганлар жуда кўп. Уларнинг-да бошлари эгик, улар ҳам саждададирлар, Балогардон пиримиз хоки пойини кўзга суртадирлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг зиёратгоҳлари таниб бўлмас даражада кўркам қиёфа касб этган. Зиёратгоҳга келадиган йўллар кенгайтирилиб, таъмирланган. Йўл ёқалари гулу гулзор, дарвозалар нақшинкор.

Баҳоуддин Нақшбанд пиримиз ва оналари қабри оралиғида катта боғ барпо қилинди. Она ва бола руҳлари хушманзара боғда кезиб юргай, кўнглингизни сезиб юргай.

Бу боғда минг турли гуллар очилган,
Бу боғда кўнгилга кўнгил туташгай.
Ҳазрати Нақшбанд онаси томон —
Оқ гуллар очилган, оқ йўл туташгай.
Минг йиллик чанқоғим қонди, ё раббим,
Қудуқдан сув ичиб дарёландим мен.
Юракка йўл топдим, ғафлатни ёпдим,
Ёруғ ўйлар билан зиёландим мен.
Олов нур югургай томирларингга
Покланмоқ йўллари юраклардадир.
Кимга не тиласанг ўзингга қайтгай,
Келгусинг ниятда, тилаклардадир.
Бунда тасбеҳлар ҳам нозик тебранур,
Ҳар битта нафасда умидворлик бор.
Юрагинг кенгаюр беун, беканор,
Бунда илтижо бор, демак нажот бор,
Бунда сокинлик бор, улуғворлик бор.
Пойафзални ечдим, тупроқ бир илиқ —
Бармоғим сеҳрини, сирни ҳидласин.
Илоҳий меҳрни сезсин вужудим,
Тиз чўкдим, тиззалар ерни ҳидласин.
Ассалом, кўзларни очган ҳикматлар,
Балони қайтарган мардон, ассалом!
Ассалом, мушкулдан кушод неъматлар,
Баҳоуддин балогардон, ассалом!
Ассалом, ерларга тегмаган елка —
Нақшбанд юракка тизган Бухоро!
Пирларни эмизган онажон, она —
Ассалом, истиқлол кезган Бухоро!



Устоз-шогирдлар ҳамиша бир-бирларини тўлдириб юрадилар. Уларнинг маракалари, эл-юртнинг йўқловлари, тадбиру тантаналари ҳам бир-бирига уланиб кетади ҳар гал. ЮНЕСКО ҳомийлигида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги кенг тантана қилинган 1993 йилда буюк бобомиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 890 йиллик саналари ҳам нишонланган, кенг жамоатчилик диққат-эътибори шогирддан устозга қаратилган эди.

Буни қарангки, ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтган пири комилимиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги тантаналари Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 685 йиллиги шодиёналарига уланиб кетган эди.

Бу йил Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 915 ҳамда Баҳоуддин Нақшбандийнинг 700 йилликлари нишонланади. Жорий йилнинг 16-17 февралида Бухорои шарифга ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Марзиёев етти пирларни мустаҳкам боғлаб турувчи ягона ва равон йўл қурилишига кўрсатма бердилар. Бугунги кунда Бухорода бу ишлар такомилига етмоқда. Энди улуғ зиёратларга келганлар ягона йўл билан муқаддас масканларга бора олади.

Бугунги кунда бу ердан дунё мусулмонларининг қадами аримас, бу нурли маскан асрлар оша биз улуғлар вориси эканимизни келажак авлодларга сўзлаб тургусидир, иншооллоҳ.

Гўдакларнинг қўлчаларин ушлаб келинг,
Келинларга оқ рўмоллар ташлаб келинг,
Куёвларни зиёратга бошлаб келинг,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Тушкин, ғамгин хаёллардан ғолиб келинг,
Кексаларга поёндозлар солиб келинг,
Юролмаса елкаларда олиб келинг,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Ҳовуз ичра такбир кўрдим, таъсир кўрдим,
Чумолилар карвонида бир сир кўрдим,
Мусаввирлар чиза олмас тасвир кўрдим,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Бу чиройни айтиб адо этиб бўлмас,
Бу ерлардан шунчаки ўтиб бўлмас,
Бу боғларни тиллоларга топиб бўлмас,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Тонгларингни саодатли кўрдим юртим,
Кунларингни фароғатли кўрдим юртим,
Ҳар лаҳзангни карорматли кўрдим юртим,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Сайраб турган қушлар билан жўр бўлайин,
Ғунча очган гуллар билан бир бўлайин,
Бўйларингдан айланайин, ўргилайин,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.
Келганларнинг товонида чақин турар,
Юракларни нурли турар, ёрқин турар,
Бу боғлар-ки, Оллоҳимга яқин турар,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Мискин дилим, кел, биз томон



Замира РЎЗИЕВА

«БОБУР БОҒИ» ЗИЁРАТИДА

Соғинчим сув ичди ариқларидан,
Юрдим. Пари йўллар бағрига олди.
Кўнглимнинг қон сизган ёриқларидан
Хасталик йўқолди, ҳасрат йўқолди.

Сал нари сеҳрга тўла зайтунзор,
Шовуллаб ўқийди «Бобурнома»ни.
Гавжум сўриларда илиқ суҳбат бор,
Қат-қати ифтихор, қат-қати маъни.

Чеҳраси ёришиб тинглайди осмон,
Қушчалар чуғурлаб ўқиса ғазал.
Бунда мўъжизани танишинг осон,
Юзингни шамоллар сийпаган маҳал.

Ўрик дарахтларин ҳур нигоҳидан,
Улуғликлар топдим, салобат топдим.
Зокиржон Машрабнинг қароргоҳидан,
Покдомон руҳларга тиловот топдим.

Музей бор. Ноёблик ғазнаси қадар,
Бойитиб боради онгу шуурни.
Кўксимнинг чапроғи симириб яйрар,
Бобурий назмни, Бобурий нурни.

Сайр этганим сари ишончим кўпроқ,
Табаррук ҳисларга йўғрилганимга.
Шукурлар қиламан шу она тупроқ,
Бобур диёрида туғилганимга.

БОБУР ИСМЛИ БОЛАЛАРГА

Бобуржон, табаррук жуда исмингиз,
Кўнглингиз боғ бўлсин, бодом гулласин.
Юртга доим баҳор хуснин беринг сиз,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Мен сизни севайин Қутлуғ Нигордай,
Хонзодабегимдай беназир суяй.
Савтингизда йўлбарс шаҳдини туяй,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Эътиқод яшаса, олам гўзал, тинч,
Умр-уй. Мустаҳкам имон унга синч,
Юракни маконим деб билсин соғинч,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Сизга жону-жаҳон бўлсин Она Ер,
Билинг, Калом нима, нима забар, зер,
Китобга дўст бўлинг, ёдлаб туринг шеър,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Донишфикр бўлиб камолга етиб
Улғайинг, донғингиз тўрт тараф кетиб,
Ватан сизни болам десин фахр этиб,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Зулматлар йўлиқса бўлинг чарс ёғду,
Эл корига яранг чекса ғам, қайғу,
Асрларга зиё тутган исм бу,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

Исмингиз қадрини билинг ҳар нафас,
Муҳаббат юртидан бериб яшанг сас,
Унутманг Бобуржон бўлиш осонмас,
Бобурбобо руҳи сизни қўлласин.

МУТОЛААДАН СЎНГ...

Сохирсўз «Бобурнома»
Кўздан ёш тома-тома,
Сени ёниб ўқидим.
Бор эдим ҳайратбоғда,
Бор эдим ғуруртоғда,
Вале совуқ, севгисиз
Маконларда йўқ эдим.
Мен ахир сени... сени...
Олов, чўғни ўқидим.

Сохирсўз «Бобурнома»,
Сен кипригимга қўнган
қонталаш бир гул бўлдинг,
Тақдир ҳукмига қўнган
беназир булбул бўлдинг.
Куйларингда жон кўрдим,
Шеър, ғазал, достон кўрдим,
Армони бисёр юрак

рангин нафармон кўрдим,
дардин беомон кўрдим.
Кўрдим кажрафтор фалак...
Сира тиниқ тортмаган
Сербулут осмон кўрдим.
Дўл, жалада ўлмаган
Соғинчни омон кўрдим.

Сохирсўз «Бобурнома »...
Бағринг чин тарих эди,
Ва унинг дарди семиз,
шодлиги ориқ эди.
Ўртанган бағир тўла
надомат, оғриқ эди.
Чиройи кам бир толе
тақдирга боғлиқ эди.

Сохирсўз «Бобурнома »...
Ўқиган сарим сени,
фикрим улғайиб борди.
Ўқиган сарим сени
юрагим бойиб борди.
Беш асрким минг-минглаб
юракларни бойитдинг.
Воқеотларинг сўйлаб
дилни дилга танитдинг.
Ҳақиқатни юксалтиб
қуёш этдинг, ой этдинг.
Она юрт деб куймоқ не,
Куйиб-куйиб суймоқ не,
тавсифин чирой этдинг.
Оламни соғинч, меҳр,
сўз сеҳрига бой этдинг.
Сен ёруғ тафаккурнинг
дафтарисен табаррук.
Заҳириддин Бобурнинг
Авлодларга аталган
Айтарисан табаррук.
Сохирсўз « Бобурнома».

* * *

Мискиндилим, кел, биз томон,
Дўсти улфат бирламиз.
Ғам-ғурбатинг арир бу он,
Ёруғ суҳбат бирламиз.

Иллат-ўзга. Кулфат -ўзга,
Харидор йўқ тушкун сўзга.
Бахт улашиб киприк, кўзга,
Сохиркудрат бирламиз.

Кирланмаган руҳга ёрдам,
Келар сабру саботлардан.
Донишфикр аждодлардан
Мерос ҳикмат бирламиз.

Умидланиб боққинг қиё,
Биздан эмас ёлғон, риё,
Сахий кўнгил ичра зиё
ҳам мурувват бирламиз.

Тўн ичра йўқ ханжар тиғи,
Кўкси гулу боғ ошиғи.
Тилдан қўймас зўр қўшиғи-
Эрк, ҳақиқат бирламиз.

Ечилгай не синоат, сир,
Толе қасрин топиб охир,
Жилмаяди Зуҳро, Тоҳир,
Ишқ-муҳаббат бирламиз.

Дил илоҳий бир тафтга ёр,
Ёқимлидир ёзми... баҳор...
Ёмғирлари — мўъжизакор,
Жонга роҳат бирламиз.

Қаролик йўқ. Оқ, оқ — азиз,
Босканимиз тупроқ азиз,
Жонимиздан кўпроқ азиз,
Чин садоқат бирламиз.

Замиралар онам деган,
Эркаланиб нон туз еган.
Ўзбегимга Худо берган -
Ватан — хилқат бирламиз.

ЯНГИ НАБИРАМГА

Қутлуғ бўлсин ер тушканинг,
Гулзор унгин, боғ унгин.
Қайда бўлма ўз гўшангни
Бобуршоҳдай соғингин.

Исмингни ёз япроғига,
Шивирласа суйингин.
Кўксингни тут ингроғига
Чўлпон каби куйингин.

Кунларин беомон кўрсанг,
Ёғий шахди бўлса чин.
Томоғингга тўлиб харсанг,
Алпомишдай отга мин.

Наъранг девор бўлсин метин,
Бобоюртинг гирдига.
Зарра қўрқув кўрмай этинг,
Айлан МАНГУБЕРДИга.

Унутма ҳеч қулоғингга
Шоирбувинг деганин.
Эслаб яша ҳар чоғингда
Улуғ ўзбек эканинг.

ҚУЛАЙ

Санжар ТУРСУНОВ

У ҳозир тирик бўлсаю лекин кўзлари кўрмаётган, кимдир ўқиб бераётган ёки қулоғи эшитмаётгану яна бошқа бир кимдир ҳаракатлар билан тушунтираётган ё ҳаммасидан бенасиб — бу дунёдан ўтиб кетган, тириклик дарёси қуриб, ҳаёт боғи вайрон бўлган эса-да, — барибир ич-ичимдан, у мендан хафа эмасдай, ҳа, ёздингми, михладингми ишқилиб, таги тешикмасми, дегандай бўлаверади ва шунинг учун ҳам уни сизга таништиришни истадим.

У ўзининг исмини — бу шафқатсиз дунёю ва унда яшаётган танбалларга, ишёқмасларга, текинхўру пасткашларга — борингки, бори одамзодга — Қулай деб таништирди. Қутлимурод, Қулмурод, Қулфиддин, ҳатто Қултой ҳам демади. Кейинчалик — ундан сўраганимда, — нега Қулай, бошқа исм айтсанг сендан биров ҳужжат сўрармиди, деганимда, индамаган, — хиёл қисилган кўзларида шўх табассум ўйнаб, сўнг қандайдир маъюслик, йўқ, маъсумлик аксланган ва мен, начора унга шу исм ёқса керак, деган хулосага келганман.

Қулай деганда дастлаб кўз ўнгимизда қоп-қора йигит гавдаланарди. Бўйи Раҳим калтанинг қулочи билан ўлчанса бир ярим, Шоди дарознинг эса бир қулочига ҳам етмас эди. Ҳар ҳолда ёши катталарнинг Қулай калта деганини эсласам, — у пакана эди. Ўлгудай чайир, билаклари заранг дарахтидай қаттиқ, ҳамиша бир хил уст-бошда юрар эди: қора, нўхотдай сочмалари ўзига ярашган кўйлак, икки тиззасию сони оқарган женси шим, яна анча уриниб қолган катта патинка. Унинг бор бойлиги — Зулпин кампирнинг дейишича — дунёси — устида эди. Дарвоқе, чиройли тумор ва уни бўйнида тутиб турган занжири ҳам бор эди.

Момонинг айтишича, унинг ёши мендан катта, менга қараганда – беш-олти тут пишиғини кўрган экан.

Қиш кўрпа ёстиғини орқалаб олис-олисларга кетишга чоғланаётган, ер тўлғоқ тутган хотиндай лоппиллаётган, осмон — ёш боланинг кўз ёшидай — ёқимли ёмғирини заминга сочаётган бир пайтда Сувқайнарда пайдо бўлди у.

— Одам ҳам шунча туссиз бўладими, — деган Нозим бобо кейинчалик кўп афсус қилиб, — Ўзи қора бўлсаям ичи оқ экан уни — дея тўй-маъракаларда гапириб юрганини ҳамма эшитган.

— Қоп-қора эканми? Кечаси йўлингдан чиқиб қолса, бирор бузоқ деб босиб ўтасан, ё юрагинг тарс ёрилиб ўласан, — деган экан Амрилло такси.

— Қорами, хунукми, алвасти ё ажинами — у энди шу ерда — менинг уйимда яшайди. Ўтинимни олиб келади, бедамни ўради, олмамни теради — дебди Карим катта худди ҳозир кимдир илиб кетадигандай, бирор нима ваъда қилиб айнитадигандай жаҳлланиб.

Карим каттанинг нонини биров яримта қилмади, боғига кириб келаётган сувни уриб қолмади, билъакс, ярим нонни бутунга, бир ариқ сувни тўлиб тошишига ҳисса қўшди — Қулай умумий мардикорга айланди. Кимнинг уйида, боғида, даласида иши бўлса — ўтоқми, ўтинми, ер ағдаришми, чакана қўй боқишми, саратонни иссиқ демай, қаҳратонни совуқ демай, — берилган ҳақни Карим катта қанчалик оғринмай ишлатса, Қулай ҳеч хафа бўлмай, жилла қурсин, бўйин товламай ишини қилиб юраверди. Ора-сира тўй-ҳашам, байрам, ҳайит бўлиб қолса, унга худо беради — тўйиб овқатланади, ўйнайди, ичади ва “Ҳеч кимга маълум эмас, ҳоли паришоним менинг”, деб қўшиқ бошлаб юборади. “И-е, бу қип-қизил артист экан-ку, қани, бир куйласин”, дея баъзи ҳангоматалаблар ўртакашга уч-тўрт сўм қистириб, навбат олиб беришса, тап тортмай микрофонни олади-да, ўша бир мисра қўшиқни такрор-такрор айтади. Уёғидан ўтсангиз ҳам, буёғидан ўтсангиз ҳам қўшиғини куйлайверади, битта сўз қўшмайдиям, тушириб ҳам қолдирмайди. Тебраниб тураверади. Курашларда ўн бор йиқилса ҳам яна олишади, кўпкарида эса... бирор марта бўлсин борган эмас. Ўша тун нега кўпкарига бир мартаям бормайсан деганимда, отлар туёғи остидаги улоқни кўрсам титраб кетаман, деган эди.

Энди, яшириб нима қилдим, аввалари у билан саломлашишдан ор қилганман — ижарғанишми, менсимасликми, ёки, ҳа, уни ўзимга тенг кўриш уёқда турсин, гапимга ҳам раво кўрмаганман. Биздек, — ота-онасининг бағрида қорни тўқ, усти бут, учқур орзулару катта мақсадлар оғушида улғаяётган ўсмирлар қаёқдаю у қаёқда. Лекин...

Лекин, ўзинг истаган чизиқдан эмас, аввалдан белгилаб қўйилган йўлдан юришингни ким билибди, дейсиз?

Қишнинг чилласи эди.

Онамнинг тоби қочиб кулчадай бўлиб олган, оҳ ўламан, дейди тўлғониб. Отам нима қиларини билмай нуқул пешонасининг терини артар, сингилларим чирқиллаб йиғларди. Мен бўлсам худди бўғзига пичоқ тортилаётган қўзичоқдай чорасиз — кимга, кимгадир нажот нигоҳи билан боқаману аммо ўша нигоҳнинг айни дамда йўқлиги — вужудимни музлатиб юборганди. Шу чоғ отам тараддуланиб:

— Бўлди, бўлди, йиғламанглар, мен ҳозир дўхтирни опкеламан...

Гўё ҳозир отам кетса онам ўлиб қоладигандек, фақат отамгина уни сақлаб тураётгандек, хаёлимга келган ўй шу бўлди ва ўзим эшикка отилдим:

— Сиз ўтира туринг, мен... ўзим олиб келаман...

Отам, чамамда: қўрқмайсанми, йўл-йўлакай Нодир ўртоғингни олиб кет, деди. Аммо мен ёлғиз ўзим, катта кўчадан югуриб борардим.

Касалхона қишлоқнинг қуйруқ томонида бўлиб, унинг кенг ҳовлиси даштга туташиб кетган эди. Тун зим-зиё. Майдалаб қор ёғиб турар эди. Икки қадам нарини кўриб бўлмас — кўп ўтганим, ёдимда ўрнашиб қолгани учунгина йўлдан қоқилай борардим. Шифохона билан бизнинг маҳалла ўртасини дарё ажратиб турарди. Кўприкка етганимда, билмадим, негадир оёқларим ўзимга бўйсунмай қолди, сочларимни тикка — худди жайранинг сиқидай бўлаётганини ҳам сездиму беихтиёр юрагим шиғ этди ва бир муддат бутун баданим музлаб кетганини ҳис қилдим.

Менда икки қадамлар нарида — бир жуфт кўз яшил чироқдай ёниб турар эди. Бўри, хаёлимга келган биринчи сўз шу бўлди ва энди мени

тилка-пора қилишини ўйладимми, ё кўзимга кўриниб кетдими, ҳарҳолда адо бўлган эдим. Гўё оёқ-қўлим қотиб қолгану фақат кўз олдимдан тасвирларгина лип-лип ўтиб турарди. Эсимни таниганимдан тортиб то шу кунгача нима қилганим, ҳатто неларни ўйлаганим ҳам менга кафтдагидай кўринар ва эшитганларим: бўри чиллада маст бўлиши, одамни ҳеч иккиланмай олишию бундай пайтда кишининг тили танглайига қотиб қолиши, бежизга жондорда Азроилнинг бир туки бўлмайди дейишларини кимдир — қулоғим остида шивирлаб гапирарди гўё.

Ўн олти йиллик ҳаётим бор бўйи басти билан қаршимда турар, кимни ранжитганим, кимдан хафа бўлганим ва энди шундай осонгина — зим-зиё тунда йўқ бўлиб кетишим, уйимизни, ота, онам, сингилларимни ҳеч қачон кўролмаслигиму мана, шу тоғ, дарё, дарахтлар, йўллар борингки, барча жисмларнинг ушлолмаслигим, бир гап билан айтганда, ўлим қаршимда, мендан икки қадам нарида турар эди. Тамом, ўлдим, шўрлик онам, — онам кўз олдимда гавдаланди, мана, мени кутиб отам ташқарига бир-икки қаради, нега бу кечикди, экан, дея хавотирга тушиб бир хаёли ортимдан келмоқчиям бўлди, кеп қолар, ора яқин-ку, дедими яна уйга онамнинг ёнига бориб – келаётган бўлса керак, итлар ҳураяпти дегандай бўлди. Онам эса, ҳозир доктор келса, жони ором топиб, оғриқ босилаётгандай бошини бироз кўтариб сингилларимга қараб жилмайгани ва уларнинг энди онам ўлмайди, тузалиб кетади деган хаёлга борганию чеҳралари ёришиб докторга жой тайёрлагани — икки қават кўрпача солиб, печкага олов ёққанию нариги уйдан мева-чева олиб келаганигача мен кўриб турардим. Яна онам мени кутади, кутаверади, орадан бир соат, икки соат, уч соат вақт ўтар, кейин... мени излаб отам чиқар ҳеч жойдан тополмай, уйга боришга юраги бетламай — кўчани айланиб юрар, бир икки қўни-қўшнини уйғотар, барибир тонггача топишолмай, саҳар эса — кўприкнинг устидаги қон изларини кўриб, кийимимнинг йиртиғини таниб ана ундан кейин қиёмат қойим бўлишини — онам дод деб ўзини ҳар ёнга уриши, отам боши эгик нуқул юрагини чангаллаши, сингилларимнинг чирқиллаб йиғлашлари, қишлоқдошларимдан ким эшитса, маҳзун бўлиб қолишию, кўзларида ёш ғилтиллаши, ўн олти ёш-а, ҳали бола эди-ку, дейишлари — ҳамма-ҳаммасини кўриб, эшитиб турар эдимки, энди гапнинг рости, ўлимдан қўрқмаётган, мен сабаб онам тузалганими, билмадим нимадир менга хотиржамлик бераётган, нима бўпти, туғилиш бу ўлиш дегани, бугунми, эртами қачон бўлмасин барибир ўлар эканман, майли, ҳозир ўла қолай деган ўзимни чалғитишми, ёки, алаҳсирашми эҳтимол, қаттиқ қўрққанимдан сезгиларим заифлашиб — айни ўша лаҳзаларда қайси бир аъзоларим фаолиятдан тўхтаган ё умуман, ўлим қўрқувдан устун келган бўлса керак... Энди ўйлаб кўрсам, ўшанда барча ўйларим миямга шунчалик тез келиб кетган экан-ки, қанийди бир умр шундай тез фикрласам дейман, энди ўзимга-ўзим.

Бироқ, ўшанда ҳамма нарсага — ахир қаршимда бўри ва у орқали мени бўғзимдан оладиган ўлим бор эди холос, — мен шунга тайёр эдим.

Бўрига мағрур қарадим. У бўлса мендан кўзини узмай бир қадам босдию илкис ортга ўгирилди ва одамнинг, ҳа, айнан одамзоднинг

“Ўлдираман сени” деган овози эшитилди. Бўри ўзини дарёга отди. Қаршимда кўзлари ёниб Қулай турар эди. Иккимиз ҳам бир-биримизга тикилиб қолдик. Сўнг ўзимга келдиму онам эсимга тушди, касалхона томонга югуриб кетдим. У бўлса кўприкнинг ўртасида қолаверди...

Яна баҳор келди.

Осмонни тўлдириб қалдирғочу турналар, булутларга елкадош бўлиб бургутлар учди.

Ерни ёриб бойчечаклар чиқди. Қир-адирларда алвон-алвон қизғалдоқлар очилди. Капалаклар момоқаймоқларга қўниб-қўниб, тол шохида қушлар ғужурлашди, сирлашди. Тилла қўнғизлар ялпизлардан тириклик тотини тотишди.

Шамоллар тоғдан боққа, боғдан адирларга, дарахтларни тебратиб, уйларга гулларни сочиб эсаверадилар. Терак барглари бўса берган ўн етти ёшли қиздай титрай бошлади.

Чўққидаги қорлар жилғага айланиб, ариқларни, зовурларни, ирмоқларни тўлдириб оқди. Боғлар энди тили чиққан бола сингари барг ёзди, куртак очди, мева тугди... дарахтларнинг деворлардан ошиб ўтган шохларидаги мевалар йўлларга тўкилди.

Боғлардан қушлар кетмай қолди. Гала-гала бўлиб гоҳ жанубга, гоҳи шарққа парвоз қилиб, боғлардан боғларга салом етказди улар.

Табиатда неки бор гиёҳдан тортиб дарахтгача, қумурсқадан тортиб йўлбарсгача баҳор кайфияти юрагига кўчаётган бир пайтда, ҳамма ўзгарувчанликни бошидан ўтказаётган лаҳзаларда фақат Қулай ўзгармади, у ўзича — ўша уст-бошу хизматкорлигича қолаверди. Аксинча иши кўпайгандан кўпайиб тиним билмас, бир кун унинг боғига борса, бошқа сафар тоққа, адирда, томорқада ишлаб юрарди. Тан олиш керакки, қўли гул уста экан, даладан қайтгач — одамларнинг деворини уради, теп-текис, чиройли, кўзингиз қувнайди.

Карим каттанинг қорни чиқиб, тўлишиб қолди, болалари кунора кийим олади, машинасини бабаплатиб кўчаларни чангитади, Қулай бўлса ҳамон ўша — ҳаммага машҳур — уст-бошида юрар эди. Бироқ, бўйнидаги тумори худди чакани навбатидай гоҳ кимнингдир оти, гоҳ эшаги, қўзисию итининг бўйнида бўларди.

Ўша тунги воқеадан кейин унга қандай муносабатда бўлишни билмас эдим. Гоҳ ғурурим баланд келиб қишлоқдан ҳайдатиб юборсамми десам, гоҳ ҳаётимни сақлаб қолгани учун дўстлашсамми дея ўйлар эдим. Бироқ иккисини-да қила олмас, билмадим, нималардир бунга йўл қўймас, лекин хавотирим ҳам бор эдики, масалан, кимгадир менга ёрдам берганини айтиб қўйсаю кейин одамлар мазах қилишса нима бўлади? Бироқ, у ўша тунни унутди, бировга-да оғиз очмади. Кўча кўйда дуч келиб қолганимизда, худди аввалигидай кўришадию индамай йўлида кетаверади. Кейинчалик ўйладимки, ҳа, у мени танимаган, билмаган, агар таниса борми, ҳаммага достон қиларди — енгил тортдим.

Кунлар эса ўтиб борарди...

Бир тун. Апрель ойи эди.

Кун бўйи тинмаган ёмғир кечаси янада шиддат билан ёғар, тоғлардаги қорлар эриб, дарё пўртана тусда, сойликлардан сел келар — оқшом кўрганимизда дарё жудаям айқириб оқарди, Кенжа бобо — олтмиш олтинчи йил шунақа катта келганди, ўша йили кўп тўполонлар бўлувди, деганини эшитгандик.

Тун ярмидан ўтганда кимдир дарвозамизни қаттиқ тақиллатда бош-

лади. Уйимизда ҳеч ким ухламаган, отам ётиб қолманглар, бир фалокатнинг иси келаяпти, деган, биз тайёрланиб агар сел келгудай бўлса, катта тоғамнинг уйига қочмоқчи бўлиб турувдик. Уларнинг уйи бизникидан анча баландликда, дарёдан узоқроқда эди.

Дарвоза яна аввалгидан баландроқ тақиллагач отам чиқдилар. Бироз муддат ўтиб қайтдиларда менга қараб:

— Сени чақиряпти — деди.

— Ким экан, — деган онамнинг саволига жавоб берган отамнинг гапини эшитмай кўчага қараб югурдим. Билар эдим, тахмин қилиб борардим, бугун кўчада мен билан кўрашаётганида, қўлимни қисган эди, ўша бўлса керак экан, деб кўчага чиққанимда адашмаган эканман.

Ёмғир тинимсиз ёғарди. Уни дарвоза ёнидаги бостирмага бошладим.

— Жамол бобонинг уйи дарё лабида-я, — деди бостирмага киргач бироз сукутдан сўнг ва мендан тасдиқ маъносини олгач, — бугун ўшанинг уйида ишлагандим, ёмғирда беда экса яхши бўларкан — тез унади, худди сув ичгандай бўлади, деб қўярда қўймай ёмғир остида кун бўйи ишлатди. Уйга қайтаётганимда қўзичоғига кўзим тушди. Бирам чиройлики, маҳкам қучоқлаб ҳеч қўйворгинг келмайди. Меҳрим ийиб туморимни ўшанга тақиб қўйгандим... — у бироз ўйланиб турди-да, — ҳозир оғилига кирсам, мободо, ухламаган бўлса, мени тутиб олса, ўғри деб қаматиб юборадими, — деди.

Билмасам дегандай минғирлаган бўлдим. Кейин... ҳа, кейин миямга бир фикр келди, қани сўрай-чи, ўша кеча мени таниганми йўқми агар таниган бўлса, бор, киравер дейман, у одам уйқучи, қотиб ухлайди, деб алдаб-сулдаб киргизаман-да, ва уни тутиб шарманда қилиб қишлоқдан ҳайдаб юборишини томоша қиламан деган хаёлга бордим. Рост-да, қўрққанимни ҳаммага айтса, шарманда бўламан-ку...

У менинг, ўша кеча мени таниганмидинг, деганимни эшитиб кўзимга тикилиб турди-да:

— Сен қаҳрамон экансан, мен Деновнинг Вахшивориданман. Биз томонлардаям бўрилар бор. Чиллада бемалол қишлоққа оралайди. Отам овчи эди, унинг айтишича, ҳар қандай ҳайвон аввал ҳамла қилмайди, бақирсанг, ёки бирор ҳаракат қилсанг сўнг ташланади. Сен ўша тун, унга тикилиб тургандинг, у сендан ҳайиқаётган эди...

Мен жимиб қолдим. У эса секин-секин кета бошлади.

— Тўхта, — дедим елкасидан тортиб. — Нега исминг Қулай? Нега кўпкарини ёмон кўрасан? Нега мени қўрққанимни ҳеч кимга айтмадинг? — ва менинг негаларим шунчалик кўп эдики, у бир муддат довдиради ҳатто. Эҳтимол ота-онасини, қишлоғини эслагандир.

— Кўпкарида онам от остида қолиб кетган. Тўғрироғи, мени қутқараман деб. Сени нима дейман, қаҳрамонлигингни айтайми? Биласанми — бу сингари гаплар айтилавермайди... Мен Жамол бобонинг уйига кетдим. Бўпти яхши қол...

У дарвозадан чиқди. Ортидан югурдим.

— Қулай, уёққа борма, у кампири ўлганидан кейин уйқусиз бўлиб қолган. Айниқса, бунақа ёмғирли кечаларда ўлсаям ухламайди. Борма, уёққа.

Унга етиб олганимда нафасим томоғимга тиқилиб тинмай ҳансирардим. У... У мени қучоқлаб олди...

— Мен... Мен кетишим керак эди... Онам... ўлаётганда бўйнидаги

туморни ечаркан: бирорта дўст топсанг, шуни совға қил. Сен ёлғизсан... Якка — ёлғизсан. Отанг энди қайтмайди. Мен кеча туш кўрдим, отанг бир чуқурликка тушиб кетди. Мен унга кўп айтдим, ташла шу овчиликни, ташламади, менга қулоқ осмади, мана оқибати. У ўлган... Ҳа, ўғлим энди сен етимсан. Лекин сен бундан ўксима, мана шу тумор сенга йўлдош. Агар бу бешафқат дунёда битта дўст топсанг, шуни тақиб — дея бир неча бор такрорлаб ўлган эди. Ўша туморни... сенга бермоқчийдим...

— Одамлар қочинглар, сел келаяпти, — деган шовқин бутун қишлоқ бўйлаб тарқалиб, акс-садо бера бошлаганда, мен бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим, ва ҳушимга келганда эса.. ёнимда Қулай йўқ эди.

— Қаёқдасан, бўлсанг-чи? Ўғлинг қани, қара, топ тез — деган отамнинг овозини эшитдиму тезда бу ерда қочишга — Қулайнинг ортидан боришга ошиқдим. Унинг Жамол бобонинг уйига кетганини ич-ичимдан сезардим. Югуриб кетдим. Ёмғир аёвсиз, шиддат билан ёғарди. Дарё бўйига борганимда Жамол бобо оппоқ кийиниб олган, уни одамлар маҳкам қучар, у бўлса ўзини дарёга отмоқчи бўларди.

— Хонавайрон бўлдим, уйим куйди мусулмонлар... ана, қаранглар сел уйимни олиб кетди. Энди нима қиламан, қаерда яшайман, ҳе, яшаб нима қилдим, энди менинг ўлимим қаердан чиқади...

Қутирган дарё бобонинг уйини олиб кетганди...

Чақмоқ чақди ва атроф бир ёришидию яна қоронғулик комида қолди. Шу лаҳзалик нур ичида мен дарёда кимнингдир бошини кўриб қолдим. У оқимга қараб сузишга интилар, кучли тўлқин уни ортга силтар ва у кўринмай кетарди.

— Қулай... Қулай... чўкаяпти...

Дарё томон юрмоқчи бўлгандим, кимдир билагимдан маҳкам тутди.

— Эсингни йиғ, эй, бола...

Бу Карим катта эди...

Яна чақмоқ чақди ва мен яна уни кўрдим у қирғоққа яқин келиб қолган эди.

— Арқон, арқон керак, уни тортиб оламиз... — дея бақирардим бироқ Карим каттанинг қўлидан чиқиб кетолмасдим.

— Ма, ўғлингни ушла, сал бўлмаса ўзини дарёга отар эди. Қаёқдаги Қулайни қутқараман дейди бунинг...

Отам юзимга бир тарсаки туширди. Кўз олдим янада қоронғулашиб кетди.

— Ахмоқ...

Чақмоқ кетма-кет чақар, борлиқ ёришар, дарё баттар пишқирар, энди гурс-гурс тошларнинг ҳам овози эшитиларди.

— И-е, бу нима... — деб Карим катта ерга эгилди ва бир нарсани кўтарди-да, – Қулайнинг туморими?

Отамнинг қўлидан юлқиниб чиқдим-да, туморга ташландим. Яна чақмоқ чақилганда Қулайнинг боши кўринди: унинг кўзидаги шўх табассумни ҳам илғагандай бўлдим.

— Битта арқон топсанглар-чи?... — дея бақирдим. Қулоғим тагига келиб тушган тарсакидан гурсиллаб ерга йиқилдим...

Орадан ўн тўрт қишу шунча баҳор ўтди. Тоғда яна қор қалин тушди. Дарё яна қутирди.

Биродарлар, коинотда одам яшайдиган нечта сайёра бор?

Дунёда мамлакатлар кўп, бироқ ватанимиз битта-я?

Юртимизда туман, шаҳар ҳам талайгина, шундай эмасми?

Қишлоқлар-чи?

Боғлар-чи?

Йўллар-чи?

Ҳали одам яшайдиган бошқа сайёра кашф этилиб кишилар ўша ёқларга кўчиб кетганича йўқ — ҳамма ерда яшаяпти, тўғримасми?

Ҳамон ватанимиз битта, буям рост.

Туманларимиз, шаҳарларимиз ҳам жойида-ку.

Қишлоқлар ҳам.

Боғлар кўпайгани тўғри.

Лекин...

Лекин... Бу дунёда энди Қулай йўқ.

У барпо қилган боғлардан одамлар тонналаб олмалар олади. У урган деворлардан ўғрилар ошиб тушолмайди. У қазган ариқларда ҳамон сувлар тўлиб-тошиб оқади. У текислаган йўлларда машиналар серқатнов. Карим каттанинг ўғлиям машинада ўтади. Катта қанча тўйлар қилди. Таниш, нотаниш ошини еди, тузини ечди, лекин Қулай йўқ эди бу тўйларда.

Сувқайнарда бирор нарса йўққи, уни эслатмаса. Боққа қаранг, деворларга, кўчаларга, дарёга, далаларгаю қўй-қўзиларга, отларга, итларга қаранг у шундай кўз ўнгингизда пайдо бўлади. Ўша шўх табассуму бироз маъсумлик билан жонланади у.

Қулай жўра, қаерлардасан? Ўша воқеадан бироз ўтиб кимдир гап топиб келди. Сени Шераборнинг қирларида кўрган эмиш. Кўзларинг кўр экан, ўша қўшиғингни айтиб мол боқиб юрган эмишсан...

Яна кимдир Тўполондарёнинг бўйида кўрган эмиш. Қулоқларинг кар, шунча гапирсаям эшитмабсан? Шулар ростми, Қулай жўра?

Биламан, улар сени кўрмаган, ўзи аслида ҳеч қачон кўрган эмас улар. Ўша — Сувқайнардан келган вақтингдаёқ сени кўрмаган эди улар. Шунчаки, қоп-қора бола, хизматчи, мардикорни кўришган холос.

Дарёдаям сени кўргани йўқ эди улар. Яна шунчаки, ичиб маст бўлиб йиқилиб тушган ахмоқ деб ўйлашган-да.

Мен биламан — сен дарёга тумор учун тушгансан. Ҳа, қўзичоқни қутқараман деб тушгансан. Жамол бобонинг хотини билан тушган суратини олиб чиқаман деб тушгансан. Мени кўриб одамлар ҳам тушар, бобонинг бирор бисотини сақлаб қолармиз деб дарёга ўзингни отгансан, жўра. Улар эса — сени кўришмади, кўришолмади. Нима уларнинг кўзлари бор эди-ку, мени кўриб туришганди-ку, дейсанми? Ҳех, ҳех, ҳех...

Қулай жўра, сен мени кечир... Шунинг учун кечирки, ўзим ҳам билмайман, лекин сендан кечирим сўрайман жўра... Сендан ижарғанганим учун, менсимаганим учун, баридан ёмони — туморингни сақлаб юрмаганим учун сен кечир жўра... Гарчанд ўзимни ўзим кечирмасам-да, сен мени кечиргин жўражон...

Кўп жўра орттирдим, дўстлашдим кўплар билан. Лекин, ҳеч ким исмимни сенчалик самимий айтгани йўқ. Фамилямни, отамнинг исмини ҳам қўшиб айтганлар бўлди, жўра. Сендек тоза дўст топмадим, жўра...

Сувқайнарга борсам сени излайман: ҳамма нарсадан...

Сен ким эдинг? Одамзодмидинг ёки фаришта...

Ана эшитяпсанми, жўралайман, бир оғизгина, дўст десам ўларманми, жўра...

Яна...

Нимадир, нималардир йўл қўймаса, тилим худди ўша тундагидек қотиб қолса, нима қилай Қулай жўра...

Ўзинг айт, мен нима қилай, жўражон?!..

Аллоҳнинг омонати

Ҳамиджон ФОЗИЛОВ

Маккада бир камбағал киши яшарди. У солиҳа аёлга уйланган эди. Бир куни аёли унга: “Эй азиз хожам, бизда ейишга таом ҳам, кийишга либос ҳам йўқ” деди. Эр дарҳол иш излаб бозорга чиқди. Роса иш қидирди, аммо топа олмагач, Масжидул Ҳарамга бориб, икки ракат намоз ўқиди ва Аллоҳдан мушкулини осон қилишини сўраб, астойдил дуо қилди. Дуосини тугатиб, Ҳарам майдонига чиқди. Ўша ерда бир ҳамён топиб олди. Очиб қараса, ичида минг динор бор экан. Топиб олинган пул билан хотинимни хурсанд қиламан деб, дарҳол уйига жўнади. Лекин аёли ҳамённи рад этди ва эрига: “Сиз бу ҳамённи қайтариб беришингиз керак. Чунки Ҳарамда ётган нарсани олиш жоиз эмас” деди. Эр яна Ҳарамга жўнади. Борса, у ерда бир одам: “Ким ичида минг динор пули бор ҳамён топиб олди?”, деб қичқираётган экан. Ҳалиги киши хурсанд бўлиб кетибди ва дарҳол: “Мен топиб олдим. Ма, ол ҳамёнингни. Уни Ҳарам майдонидан топиб олгандим” деди. Ҳамён эгаси фақир кишига узоқ тикилиб турди-да, кейин: “Ҳамённи ўзингга олиб қол. У сеники. У билан бирга яна тўққиз минг динор ҳам бор эди” деди. Фақир киши ҳайрон бўлиб турган эди, ҳамён эгаси яна сўзида давом этди: “Шомлик бир саховатли киши менга ўн минг динор берди ва “Бундан минг динорини Ҳарам майдонига ташлаб қўй. Агар топиб олган киши ҳамённи сенга қайтариб олиб келса, уни ўзига қайтар. Чунки ўша қайтариб олиб келган одам омонатдор кишидир” деди”. Бу гапларни эшитган фақир киши жуда ҳурсанд бўлиб кетди ва Аллоҳга кўп шукрлар қилди. Зеро, Роббимиз Ўзининг муқаддас Каломида: “Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур” деб марҳамат қилган.



ҚОДИРИЙ ЧИРОҒИ ЁНИБ ТУРГАН ХОНАДОН



* * *

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги кўркам маҳаллалардан бирига кириб бораркамман, айтилган манзилда қорачиқларидан меҳр, авторидан камсуқумлик ва закийлик нурлари балқиб турган аёл Махсума опа кутиб олдилар. Опа ардоқли адибимиз, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг шажаралари давомчиси бўлиб, Ҳабибулла Қодирийнинг фарзандидир. Хонадонга кириб бораркамиз, уйда бизни яна бир мезбон Мукамбар ая қаршиладилар. Қодирийнинг келини, Ҳабибулла Қодирийнинг рафиқаси бўлмиш онахон бу йил 85 баҳордан ҳатлаб, улуғ ёшга кирдилар. Суҳбатимиз улуғ адибимиз оиласидаги аёлларнинг ўрни, ўзбекона урф-одатлар, ҳаё ва андиша ҳукм сурган хонадоннинг ўзига хос томонлари ҳақида борди.

“Мен ҳамиша шу улуғ хонадоннинг фарзанди эканимдан, буюк адибнинг авлодилигимдан фахрланганман, — дейди Махсума опа Қодирий — Қодирийнинг бешта фарзанди бўлиб, Назифа, Ҳабибулла, Адиба, Маъсуд ва Анисалар бўлишган.

Оиланинг устуни Абдулла Қодирий қатағонга учрагач, фарзандларнинг тўнғичи Ҳабибуллага ҳар жиҳатдан қийин бўлди. Кўкси шикаста онаизорга тиргак бўлиш, ука-сингилларига қараш ўсмирни чуқур қайғуга соларди. Не орзу-ниятларда Тиббиёт институтига кириб, ўқишни бошлаган чоғларида “Халқ душманининг ўғли” деган тамға билан суд қилинмасдан 10 йилга совуқ ўлкаларга сургун қилингач, сабр ва тоқат билан бугунги кунлар келишини кутди.

1956 йили Қодирийлар хонадонига ойдек сулув келинчак бўлиб, Мукамбархон кириб келдию, ғам-андуҳлар аригандек бўлди. Ҳабибулла Қодирининг рафиқаси бўлиш, буюклар шажарасига муносиб авлодларни тарбиялаш ёш келинчакнинг зиммасига янаям улкан масъулиятни юклади.

Дадам қамоқдан қайтганларида 38 ёшда бўлганлар, аммалари қўшни маҳалладаги ойимга унаштиришганда ораларида анча ёш фарқ бўлган. Онамни қариндошлари дадамни яхши билганликлари, хонадоннинг ҳурмати учун ойимни беришган. Ўша пайтда айримлар бувамнинг хонадонига қўйилган айбловларга ишонишган. Лекин кўпчилик бу туҳмат эканлигини билишган. Ойим келин бўлиб тушганида ҳар бир ишида бу оилага муносиб бўлишга ҳаракат қиларканлар. Ҳар куни остоналарни ювиб, тоза сақларканлар. Ҳозир ҳам эслайман, “Бу ерда қайнотам ва қайнонамнинг пок руҳла-

ри кезиб юради” деб ҳамма вақт покизаликка интилардилар.

1956 йил октябрь ойида бобом оқланган. Ўша даврдаги сиёсат оламидаги арбоблардан бири ўтказган катта мажлисда Чўлпон, Фитрат билан бирга бувамни ҳам оқлаган ва йиғилганларга қарата: “Айтингчи, уларнинг қўлидан халқ душманлиги келармиди? Халқнинг маърифати, келажаги учун қайғурган бу инсонларни қоралаш тўғри ҳукммиди?” деганларида залдагилар ҳўнг-ҳўнг йиғлашган экан...

Онам хонадонни келди-кеттисига алоҳида ҳурмат билан қараганлар. Отам билан бувамни издошларига, уйимизга келиб турувчи ижодкорларга яхши муомалада бўлишган.

Қодирий бувам иқтидорли, билимли бўлиш билан бирга жуда камтар инсон бўлган. Кўча-кўйда, бозор-ўчарда косиблар, сабзифурушлар, китоб саррофи, пичоқчилар, деҳқонлар ёнида, албатта, тўхтаб, гаплашиб ўтарканлар. Бу самимий суҳбатлар уларнинг қатор асарларига қаҳрамон бўлиб кўчган. Отамдаям шундай хислатлар бўлган. Камтарлик, зийраклик, мулоҳазалик феълига ҳусн бағишлаган”.

Суҳбатимизни жимгина кузатиб турган Мукамбар аянинг стол устида турган китобларга меҳр билан қараётганлиги, айримларини силаб қўяётганлиги эътиборимни тортади. Махсума опа эса суҳбатни давом эттиради:

“Биласизми, ойим оддий уй бекаси бўлса ҳам бувамнинг китобларини жуда авайлар, ҳатто бошларига қўйиб ётардилар. Истаган пайтлари олиб, бизга ўқиб берар, “бунча чиройли ёзганлар-а, қаранг” деб қўярдилар. Ҳар бир китобга матодан ғилоф тикар, ўқиб бўлиб уларни яна шу ғилофга солиб қўярдилар. 2-3 йил бўлди ўқиёлмай қолдилар. Аммо ҳалиям китобларни асрайдилар.

Бизга ҳам доим “Мақтанмагин, фахрлангин” дердилар. Буни мағзини кейинчалик чақдик. “Китобларни бувинг ёзган, сиз кибрланманг” деб уқтирардилар. Бу тушунча ҳозиргача сақланади. Институтга кирганимдаям фамилиямни Қодирова деб ёздирганман. Қодирий авлоди эканлигимни кейинчалик билишган. Диплом ишимни ҳам отам шунча тайинласалар ҳам Қодирий асарларидан эмас, бошқа ёзувчи ижоди бўйича қилганман. Бошқаларнинг “Ана, мақтаниб, бувасининг асарларидан ёқлади. Осон бўлади-да” деган дашномларидан қочиш учун шундай қилганман. Бироқ кейинчалик бундан афсусландим ҳам.

Бизнинг оилада ўзбекча урф-одат, аёлларга хос иффат ўзига хос тарзда сақланиб келган. Бу Қодирийларга муносиб тарзда сақланган. Масалан, кўчадан сўраб бирор киши кириб келса, аёл киши дарвозага чиқмаган. Эркаклар даврасига аёл киши яқинлашмаган. Оиладаги масалалар эркаклар билан ҳал этилган. Отамнинг бемаврид суҳбатига қўшилсак, “Энди шуни сиз билан ҳал қиламиз-да” деб кулиб қўярдилар. Шу бизга ҳам туз, ҳам ош бўларди. Койимасдан жуда сиполик билан ўрнимизни билдирардилар. Ойимга ҳам, менга ҳам сира оғир юмушни илинишмаган.

Биз оилада акамлар Хондамир, Шеркон, мен ва укам Ирфон ота-онамга муносиб бўлишга қанчалик ҳаракат қилсак, бугун набираларимизга ҳам улуғ аждодларга мос авлод бўлишларини тайинлаймиз. Қодирий билан руҳланиб, (кибрланиб эмас) фахрланиб вояга етказишга интиламиз. Ҳозир қизим инглиз тили мутахассиси бўлгани учун унга “бувангнинг асарларини, мақолаларини дунёга тарғиб қилгин” дейман.

Айни пайтда ҳукуматимиз томонидан эътибор қаратилаётган Қодирий номидаги уй-музейини яна ҳам тўлдириш, у ердаги барча моддий ва маънавий меросни асраш борасида фарзандларимизга ўрнак бўлишга ҳаракат қилаяпмиз”.

Хонадондан чиқар эканман, бир ёруғ ўй қалбимни чирмади. Бу — буюклар ёди ва унинг сўнмас чироғини ёқиб турган гўзал инсонлар суҳбати эди.

Наргиза АСАДОВА оққа кўчирди.

Она тилининг қудрати

Феруза СОАТОВА,
Шаҳрисабз шаҳридаги 18-умумий таълим мактабининг она-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ҳеч эътибор берганмисиз, баъзан битта сўзини ҳам тушунмасакда, хорижлик санъаткорларнинг қўшиғига маҳлиё бўлиб қоламиз. Ундаги оҳанг, куй шундай руҳ берадики, таъсирига беихтиёр тушиб қолганимизни сезмай қоламиз. Энг муҳими, санъаткор юрагидаги дард куй-қўшиққа кўчганидир. Айниқса, ўз тилида куйлашнинг завқи бўлакча. Донишманд шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, ўз она тилига эга бўлмаган одамнинг тўтидан фарқи қолмайди:

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Шундай ҳаётий ҳикоя бор: Америкада сафарда юрган польшалик актриса Гелена Моджеевскани оқшом зиёфатга таклиф этишади. Таомдан кейин меҳмонлар санъаткордан ўз она тилида бирор қўшиқ ижро этиб беришини сўрашади.


Актриса бироз муддат иккиланиб турадию, ахийри ўрнидан туриб, ўз тилида ижрони бошлайди.

Тингловчилар биронта сўзни тушунишмаса-да, кўзларида ёш билан санъаткорни олқишлайдилар. Сўнгра ундан ижро этилган асарнинг мазмунини сўрашади.

— Мен бор-йўғи она тилимда юзгача санадим, холос,- дея жавоб қилади актриса.

Мана, сизга она тилининг қудрати.





ТОБЕЛИКНИНГ ТАЛҚИНИ

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
журналист.

Ҳиссиётларни ўлдириш учун ташқи душманнинг кераги йўқ. Баъзан сен у қадар хавфли деб ўйламайдиган оддий кимса ёҳуд буюм ҳам ҳаётингни ўз измига солиб олиши мумкин. Бинобарин, бир инсон ёхуд жисмга қаттиқ боғланиб қолиш, шубҳасиз, қалбдаги ҳаловатни ўғирлайди, лоқайдлик, бепарволик, эътиборсизликка мубтало қилади. Энг аянчлиси, теварак-атрофни қуршаб олган мавжудот ва буюмларга азбаройи тобе бўлиб қолганимиздан қалб осойишталиги йўқолаётгани, инсонийлик ҳам унутилаётганини пайқамаяпмиз.

Оддий мисол. Кундалик турмушимизни тўлалигича қамраб олган қўл телефонига бемалол инсоннинг дўсти, доно маслаҳатгўйи дея таъриф бериш мумкин. Бироқ танганинг иккинчи томони бўлганидек, ушбу буюмнинг ҳам қатор салбий жиҳатлари бор. Ҳар бир кишининг кечаю кундуз ажралмас ҳамроҳига айланиб қолган бу матоҳ билан рўй берадиган турли кўнгилсизликлар, нохуш воқеалар ҳақида тез-тез қулоққа чалинмоқда. Айрим кимсалар уни ота-онаю жон жигарларидан, ёру биродарларидан ҳам азиз деб билиши аччиқ ва очиқ ҳақиқатдир. Хаёли ва ҳаётини бутунлай қамраб олган телефондан бир зум айро яшашни тасаввур этолмайдиганлар бор орамизда. Ачинарлиси, бу матоҳга муккасидан кетиб ҳаттоки фожеали ҳалок бўлаётганлар хусусида ҳам эшитиб қоламиз баъзан.

Бир гал “Заковат” интеллектуал ўйини бошловчисининг студиядагиларга қарата: “Келинг, телефон титкилашни бас қилайлик. Бу ишни ўзимиздан бошлаб бошқаларга ўрнак бўлайлик”, деган гапини эшитиб қолдим. Шу гап қўлимга қалам олишга ундади. Боиси четдан қараганда жуда хунук кўринадиган бу манзарага ҳақиқатдан ҳам чек қўйиш вақти келди. Ҳаммамиз учун оддий ҳолга айланган бу одат бамисоли



юқумли касаллик сингари кенг авж олгани эса бор гап.

Курсдошим туғилган кунига таклиф қилди. Шинам қаҳвахонада ихчамгина даврада ҳамкасблар ва яқин дугоналаридан иборат ўн чоғлик хотин-қизлар йиғилди. Шўх мусиқа даврага янада кўтаринкилик бағишлайди. Лекин даврадошлардан 5-6 нафарининг қўлида телефон. Бири қаерда ўтиргани ҳам эсидан чиқиб кетган ҳолда интернет оламида сайр қилиб юрибди, яна бири эса кимдир билан берилиб суҳбатлашаяпти. Атрофга разм соламан. Бошқа давраларда ҳам худди шундай ҳолат. Охири меҳмонлардан бири, яъни Назокатнинг тоқати тоқ бўлди-да: “Эй, бу нима қилиқ, йиғиштиринглар телефонни. Бир инсон сиз билан хурсандчилик кунини нишонлаш учун чиройли базм уюштирса-ю қилаётган ишингизни қаранг”, — деганидан сўнг улар зўрға телефондан бошини кўтарди. “Наҳотки, даврамиз соҳибасига тилаклар билдириб, хурсандчилигига шерик бўлиш учун келганимизни эслатиш шарт бўлса. Инсофдан эмас бу, ахир” — деди куюниб Назокат.

Ҳамкасблар билан тушлик қилаяпмиз. Овқатланиб бўлгач, ишга келаётиб йўлда содир бўлган қизиқарли воқеани сўзлай бошладим. Бир пайт эътибор қилсам икки ҳамкасбим ҳам қўл телефонида ёзишмаларни ўқиб жавоб қайтариш билан банд. Ҳафсалам пир бўлиб ҳикоямни ярмидан тўхтатиб қўя қолдим ва улар буни ҳатто пайқашмади ҳам.

Орадан икки-уч кун ўтиб ҳамкасбим бир воқеани сўзлаётган маҳалда мен ҳам қўл телефонимни олдимда телеграмдаги ёзишмаларни ўқий бошладим. Бундан жаҳли чиққан ҳамкасбим: “Ҳой, инсон мен сизга гапираяпман”, деган эди мен ҳам бўш келмай: “Э, ҳа шундайми, узр, чалғиб кетибман. Лекин ўтган куни менинг ҳам худди шундай жаҳлим чиққан эди”, — дедим. Шу зайлда мен унга кўзгу тутиб ўз айбини кўрсатиб бердим.

Ота ишдан чарчаб уйга келди. Бешикда гўдак йиғлаб ётганини кўриб: “Ҳой, онаси, болага қара”, деди. Хотин эса: “Шу ердаман, тебратсам ҳам овунмаяпти”, дейди бамайлихотир бир қўли билан бешикни тебратган, бир қўлида телефонни титкилаган ҳолда. “Алла айт, эркалатиб гаплаш, қандай онасан, бир болани ухлатолмасанг”, жиғибийрон бўлади эр. Онанинг эса парвойи фалак, телефоннинг сирли оламига шўнғиб кетган.

Аёл ўғлини боғчадан олиб қайтаяпти. Бола боғчада ким билан ўйинчоқ ўйнагани, қандай овқат егани ва ўртоғининг антиқа қилиқлари ҳақида кўзлари порлаб тўлиб-тошиб сўзлаб кетаяпти. Она эса қўлидаги бир парча матоҳни қулоғига ёпиштириб олган, берилиб суҳбатлашаяпти. Орада боласи берган саволларни ҳам эътиборсиз қолдириб, лоқайдлик билан шунчаки бошини силкитиб қўя қолади. Чунки у болани тинглайдиган аҳволда эмас. Аксинча, суҳбатга халақит бераётгани учун боласини аҳён-аҳёнда уришиб қўяди. Тағин “жим бўл” дегандек қовоғини уюб қарайди.

Одатдагидек, барча хонадонларда кечки маҳал оила аъзолари овқатлангач, ҳамманинг кўзи телевизорда-ю, аммо хаёли ва қўли телефонда бўлади. Илгаригидек бировнинг ўй-хаёллари, дарду ташвишлари билан ўртоқлашадиган замонлар қаерда қолди? Ҳеч кимнинг атрофдагилар билан иши йўқ. Бу оламда фақат телефон ҳамда телевизор бор, холос.

Жияним анчадан буён учрашмаган қадрдон дугонасини меҳмонга таклиф қилган эди. Меҳмонни зиёратга олиб кетиб, кечга томон ҳафсаласи пир бўлиб келди. Сабабини сўрасам: “Ҳар гал зиёратга борганда оладиган завқни туймадим. Унга зиёратгоҳнинг тарихи ҳақида сўзлаб бераман, янги қурилишларни кўрсатиб мақтанаман деб хомхаёл қилган эканман. Чунки табаррук масканга кириб борганимиздан чиқиб кетгунимизга қадар у тинимсиз ўзини суратга олиб, ўша заҳотиёқ танишларига жўнатиш ва уларнинг ёзишмаларига жавоб қайтариш, суҳбатлашиш билан овора бўлди. Умуман телефондан бўшамади. Нега зиёратга борди, қандай руҳий озуқа олди ўзи ҳам билмайди, шекилли”.


Куннинг қайси вақти бўлишидан қатъий назар бекатларда транспорт кутаётганларни ёҳуд бирор юмуш билан кўчада кетаётганларни кузатинг, аксариятининг қўлида, албатта, телефон бўлади. Автобусда, ишхонада, тамаддихонаю дўконда, тўй томошаю кўнгилочар тадбирларда, театр ва концертда, саёҳат ва зиёратда, хуллас, қаерга қараманг ана шундай манзарага дуч келасиз. Энг ёмони, бу табиий ҳолга айланиб улгурди ва теварак-атрофга нисбатан лоқайдлик, бепарволик шаклланиб бўлди. Энг ёмони, барчамиз бу каби жараёнларнинг ё иштирокчи, ё кузатувчиси бўлаяпмиз. Минг афсуски, шу аснода энг завқли, энг гўзал, энг бетакрор лаҳзаларни бой бераяпмиз. Ортга қайтмас беғубор дамларни қўлдан чиқариб юбораяпмиз.



Ҳолбуки, ҳеч бир ёзишмаю суратлар ҳамсуҳбатимиз билан юзма-юз дилдан бўладиган суҳбатларнинг гашти, сурурини беролмайди. Бинобарин, ота-она ва қадрдонларнинг юз-кўзларига боққанда ундаги самимият беихтиёр юракнинг қат-қатларига жойланади. Шу зайлда улар билан қалб ришталари мустаҳкам боғланади. Жигаргўшалари кўзлари туб-тубидаги меҳр ва муҳаббатдан баҳраманд бўлган киши борки, уларнинг ҳузурига ошиқади, талпинади.

Шундай экан бир зум тўхтанг, тин олиб, ортга қаранг. Атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тийрак нигоҳ билан боқинг. Кечинмалар ва ҳиссиётларни ошкор этинг. Токи, ҳаётдан завқ олаётганингизни чин юракдан ҳис этинг. Бепарволик, лоқайдлик, совуққонликка сабаб бўладиган, ҳушёрлик ва зийракликнинг кушандасига айланган жонсиз матоҳ — телефондан ўзингизни қутқаринг. Боиси бу матоҳ қўлида ёки қулоғида бўлган киши ҳеч қачон вазиятни тўлиқ идора этолмайди. Ҳаётдан завқланиб баҳра ололмайди. Шундай экан, телефонга тобеликдан халос бўлинг, унга қарам бўлиб қолманг. Токи, умр мазмуни қалбингизни борлиқдаги гўзаллик ила нурафшон қилсин.

Мирзо Бобурнинг ягона дастхати



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг, ҳозирча фанга маълум бўлган ягона қўлёзмаси (дастхат-автограф) Ҳиндистондаги Рампур шаҳри музейида сақланади. Бу қўлёзма 19 варақдангина иборат бўлиб, унда «Волидия рисоласи»нинг таржимаси, 2 ғазал, бир неча рубоий ва фардлари ўрин олган. Мазкур қўлёзма саҳифасининг ост қисмига қиялатиб ёзилган битик Бобур Мирзодандир. «Рисолаи туркии манзум навишта дасти таснифи Бобур подшоҳ, қаламий» деган ёзув бор. Ушбу тўпламни Ҳазрати Бобур ўғли Ҳумоюн мирзога ҳадя қилиб юборар экан, қуйидаги мисраларни асар охирида ўз қўли билан ёзиб қўйган:

«Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғинғайсен ўзумни...»

Отабек Жўрабоевнинг Facebook саҳифасидан олинди.

Алишер Навоий қадр кечасида туғилганми?



Буюк тарихчи Ғиёсиддин Хондамир ўзининг "Макорим ул-ахлоқ" асарида Алишер Навоий таваллуди ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган бўлиб, жумладан, у шундай дейди;

"Ул зотнинг номлари Низомуддин Алишер... таваллуди 17-рамазон санаи 844(1441 йил 9-февраль) ҳижрийдир". Шунингдек, Хондамир Ҳазрат Навоийнинг гўдаклик чоғларидаги қизиқарли воқеаларни баён этади. Шулардан бири Ғиёсиддин Кичкина Баҳодир (Навоийнинг отаси) чақалоқни ўша вақтда Хуросон ҳукмдори бўлиб турган Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига олиб бориб, унинг (таклифига мувофиқ) қўлига беради. Шоҳ чақалоқ юзини очиб:

"Аҳли дил дар рўяш маъноий раҳмат диданд" (Маъноси: Кўнгил аҳли унинг юзида раҳмат маъноларини кўришди) деб, ҳаққига дуои хайр қилган экан. Шунда сарой солномачилари "Гўдакнинг таваллуд куни, яъни 17-рамазон бу йил Қадр кечасига тўғри келди", деб хуш хабар айтишади.

Ушбу маълумотни ўқир эканман, Шохруҳ Мирзонинг саройидаги олимлар қайси далилларга асосан ўша йил (1441)даги 17-рамазон кечасини Қадр кеча деб тайин қилишгани мени ҳайратлантирган эди.

Яқинда ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидан тарихий асарларнинг қўлёзмасини мутолаа қилиш жараёнида ажойиб маълумотга дуч келдим. Унга кўра, Абул Ҳасан Журфоний (XIII аср) (қўлёзма 3386 рақамли) ўз рисоласида Қадр кечасини аниқлаш ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Унинг таъкидлашича, "Мен Қадр кечасининг саналарда зикр қилинган аломатларидан қуйидагиларни аниқладим:

Агар Рамазон ойининг аввали шанба кунига тўғри келса, Қадр кеча рўзанинг 26-кечасига, агар якшанба куни бўлса, қадр кеча 29-кеча, агар аввали рўза душанба кунига тўғри келса, қадр кеча 21-кечага, агар сешанбага тўғри келса, 27-кеча, чоршанбага тўғри келса, 19-кеча, агар пайшанбага тўғри келса, 25-кеча, агар жумага тўғри келса, Қадр кечаси рамазоннинг 17-кечасига тўғри келар экан".

Тўғри, бу қўлёзма битикларидаги бир маълумот бўлиб, бунгача қанчақанча муфассир-муҳаддислар Қадр кечаси ва унга яқин аломатлар ҳақида маълумотлар бериб ўтишган. Энди бизнинг ожизона тахминимизча, 1441 йил Рамазон ойининг илк кечаси Жума кечасига тўғри келган бўлиши мумкин. Шу боис ҳам Шоҳруҳ Мирзо саройидаги олимлар юқоридаги фикрни айтишгандир. Валлоҳу аълам бис-саваб.

Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ

Шавкат МУЗАФФАР,
Ўзбекистон Рассомлари уюшмаси аъзоси, "Олтин қалам" мукофоти соҳиби.

Тасвирда, сўзда ва мусиқада қувват бўлади. Бу қувват салбий ёки ижобий бўлиши мумкин.


"Бобурнома"да Заҳириддин Муҳаммад Бобур портрети бор. Унда Бобур Мирзо боғда китоб мутолаа қилмоқда. Ана шу сурат, назаримда, буюк ватандошимизнинг нозик руҳиятини очиб бера олган дурдона асар. Гўёки ундан шоҳ ва шоирнинг ижобий қуввати таралгандек бўлади. Унинг чиройли юз ифодаси, кўз қарашларида нафосатли инсон ва шоир тимсолини кўрамиз. Рассом ўз кўзи билан кўрган саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурни бизга бироз маҳзун ҳолатдаги ижодкор кўринишида, тафаккурга чўмган инсон ҳолатида тақдим этади. Ўзига ярашган салла-тож, кийимлар, уларнинг ранглари ҳам шоҳ ва шоирнинг юксак дидидан далолат беради.

"ТОЛЕЪ ҚУШИ" АСАРИНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ




Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб ҳаёти ва бой ижоди, илмий асарлари бир неча асрлардан бери инсониятни ўзига ром этиб келган. Камина ҳам бу зотга катта ихлосмандман. Болалигимдаёқ раҳматли отам Музаффар Туробнинг кутубхонасидаги "Ҳиндистон жуғрофияси"ини ўқиб чиққан эдим. Кейинчалик ғазал ва рубоийлари ўзига ром этган.

Бувим раҳматли Қумри Ғуломқодир қизи бир гапни такрорлар эдилар: "Йигит кишининг бошига уч марта бахт қуши







қўнар эмиш. Шу вақтда уни ушлаган йигитга умрининг охиригача омад кулиб боқар экан".

Мен эса аксинча, гарчи Бобур подшоҳ 47 ёшида бу оламни тарк этган бўлса ҳам, бахтли инсон дегим келди ва бахт қуши тимсолида унинг боши узра парини тасвирладим. Пари қанотлари билан шоирни ўз оғушига олган, Бобур Мирзо эса сокин, масрур ҳолатда...

Мен учун инсон неча ёшида вафот этиши муҳим эмас. Инсон қанча яша-





масин, ундан яхши ном, эзгу ишлар қолиши — бахт! Заҳириддин Муҳаммад Бобур мен учун ана шундай бахтли шахс. Яратгандан сўраб, ўғли учун ўзини қурбон қилди. Дуоси ижобат бўлди! Нисбатан дунёдан эрта кўз юмгани билан ундан шеърият, илм-фан, гўзал боғлар, обод ўлка, эзгу ном қолди. Ҳинд халқи ҳам Бобурни ўзиникидек кўриши ва фахрланиши ҳақида эшитганман. Буларнинг ҳаммаси "Толеъ қуши" номли картинам дунёга келишига сабаб бўлган.

Буюк бобомиз Бобур Мирзонинг руҳлари шод бўлсин! "Толеъ қуши" номли асарим юртимизнинг Тошкент ва Бухоро шаҳарларида, АҚШ ҳамда Европа давлатлари санъат кўргазмаларида намойиш этилган. Умид қиламанки, бу асар Ҳазрат Бобурнинг чин ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.





“БОШҚА ҲУРНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ”

ҚОЧАЁТГАН ЖАНГЧИ

Бир ясовулнинг гўзалликда тенги йўқ хотини бор экан. Унинг исми жисмига муносиб Ҳур экан. Ясовул урушга бориб, мағлубиятга учраганидан кейин орқасига қарамай кочибди.

— Ҳой номард, қайт орқангга! Душманни ўлдирсанг ғозий бўласан, агар душман сени ўлдирса, шаҳид бўлиб, қиёмат куни ҳурларга қўшилиб кетасан, — дейишибди унга жамоадошлари. Шунда ясовул:

— Менинг ҳурим ўз уйимда, бошқа ҳур учун эса ўлишни истамайман! — дебди.

МАДҲ

Икки фасоҳатли дўст бефойда мажлисда пичирлашиб, гурунглашиб ўтиришса, устозлик даъвосидаги киши уларни пайқабди:

— Ҳа, яна нима ёлғон-яшиқ гапларни тўқиб ўтирибсизлар?

Шунда фасоҳат эгалари жавоб беришибди:

— Сизнинг мадҳингизни қилиб ўтирибмиз, устоз.

ХАВФСИЗ ЖОЙ

Бир файласуф саҳрода айланиб юрган экан, қараса, бир йигит мерганликни машқ қилиш ниятида ўқ отмоқда. Отган ўқлари нишонга етмасдан ўнгу сўлга учаётган экан. Файласуф ўқ тегишидан қўрқиб, нишон олдига бориб турибди ва шундай дебди:

— Шу ердан хавфсизроқ жой йўққа ўхшайди, чунки унинг ўқи ҳеч қачон нишонга тегмаслигига аминман.

ШЕЪРГА ЖАВОБ

Шоир Лутфийни Бойсунғур Мирзо тарбиялаб вояга етказган экан. Лутфий бир куни мавлоно Музаффар Хиравийнинг «боғ» радифли қасидасига чиройли жавоб ёзиб, Мирзо Бойсунғурга тортиқ килибди. Мирзога бу жавоб ёқибди ва унинг «сарой» радифли қасидасига ҳам жавоб ёзишни буюрибди. Шунда Лутфий:

— Аввал кўрайчи, унинг боғидан қандоқ мева ерканман, ана ундан кейин саройига қадам кўяман, — дебди.

Мирзо кулиб унга катта инъом берибди.

КЕЛИШОЛМАЙДИГАН ТАОМЛАР

Табиб бир-бирига тўғри келмайдиган икки хил таомни еб ўтирган одамни кўриб:

— Ҳой биродар, бу таомлар бир-бири билан келишолмайди, — деб луқма ташлабди.

Иккинчи куни ҳалиги одам касал бўлиб, табибнинг олдига борибди. Табиб:

— Кеча бу овқатлар бир-бири билан келишолмайди, демаганмидим? — деса, бемор:

— Аксинча, тақсир. Иккаласи бир-бири билан шу даражада келишиб қолдики, энди мени ўртадан кўтаришмоқчи! — дебди.



Азизбек САЛИМ ўғли тайёрлади.

Summary

The second edition of the magazine begins with a congratulatory message of our President Shavkat Mirziyoyev on the occasion of the press and media staff day. He said: "In training such mature personnel, first of all, if we rely on our rich spiritual heritage, the result will be obvious. In this regard, the Jadids, in particular, the national school of journalism of the great scholar and publicist Mahmudkhoja Behbudi, whose 145th birthday is widely celebrated this year, is particular importance".

In rubric "Attitude" the article "Literature is the heart of the people" by Sirojiddin Sayyid is dedicated to the importance of building an Alley of writers.

In his article entitled "Trials given to humanity" by Javohirkhon Sobirov is about pandemic situation in the world and about other appearances in history.

The article "Hazrat Babur's example of humanity" by Sitora Tajiddinova scientifically explores the character traits of Mirzo Babur, his human qualities on the example of events in "Boburname".

The article "Philosophy of father or about idyllic prose" provides detailed information about the essence of the idyllic genre. The connection of the early idylls with agriculture and animal husbandry, the reflection of man in the bosom of domestic life, family, nature, leads to this conclusion.

In his article entitled "Nasaf is a city of scholars" by Farhod Jurayev provides information about the heritage of scientists who lived and worked in the land of Nasaf.

The magazine shares also some depth analytical articles and stories as well as interesting informations.

МУАССИС:
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Бош муҳаррир ўринбосари Ситора ТОЖИДДИНОВА

Таҳрир ҳайъати:

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минерология фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист.

Навбатчи муҳаррир: Яшнар МЎМИНОВА

Саҳифаловчи-диз@йнер: Ғафуржон МАДАЛОВ

Мусаҳҳиҳ: Жавоҳирхон СОБИРОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Матнлардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақли. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди: 2020 йил 9 июль соат 14:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2020 йил 9 июль соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма табоғи 9.
400 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Буюртма №20-414.
Журнал «O`zbekiston» НМИУ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА